

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ

ҚОНУН ҲУЖЖАТЛАРИ

ТЎПЛАМИ

34-сон
(950)
2020 йил
29 август

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами беш бўлимдан иборат:

биринчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси қонунлари ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари эълон қилинади;

иккинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон ва қарорлари эълон қилинади;

учинчи бўлимда Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари эълон қилинади;

тўртинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг қарорлари эълон қилинади;

бешинчи бўлимда вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари эълон қилинади.

МУНДАРИЖА

Биринчи бўлим

391. «Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг ҳарбий хизматни ўташ тартиби такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 25 августдаги ЎРҚ–634-сон Қонуни
392. «Ўзбекистон Республикасининг маъмурий-ҳудудий тузилиши тўғрисида» Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 28 августдаги ЎРҚ–635-сон Қонуни

Иккинчи бўлим

393. «Лицензиялаш ва рухсат бериш тартиб-таомилларини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 24 августдаги ПФ–6044-сон Фармони

394. «Бўстонлиқ туманида бошқарувнинг алоҳида тартибини жорий этиш орқали туризмни жадал ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 27 августдаги ПФ-6053-сон Фармони
395. «Маҳаллий ишлаб чиқарувчиларни қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 21 августдаги ПК-4812-сон қарори
396. «Аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлашга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 26 августдаги ПК-4815-сон қарори

Бешинчи бўлим

397. Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2020 йил 30 июндаги 182-мх-сон «Нотариуслар фаолияти тўғрисидаги статистик маълумотлар шакллари тасдиқлаш ҳақида»ги буйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2020 йил 30 июнда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3276*)
398. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқарувининг 2020 йил 25 майдаги 12/7-сон «Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан қабул қилинган айрим норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида»ги қарори (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2020 йил 29 июлда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3280*)
399. Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2020 йил 20 августдаги 183-мх-сон «Медиаторларни тайёрлаш дастурига ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги буйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2020 йил 20 августда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3134-1*)
400. Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2020 йил 20 августдаги 194-мх-сон «Давлат нотариал идораларида нотариал иш юритиш қоидаларини тасдиқлаш ҳақида»ги буйруққа ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги буйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2020 йил 20 августда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2170-4*)
401. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқарувининг 2020 йил 19 августдаги 16/11-сон «Тижорат банкларининг Ўзбекистон Республикаси Марказий банкида депозитга ўтказиладиган мажбурий резервлари тўғрисидаги низомга қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги қарори (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2020 йил 24 августда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3002-3*)

402. Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги, Молия вазирлиги, Давлат божхона қўмитасининг 2020 йил 11 августдаги 9-СП-сон, 2020 йил 7 августдаги 01-02/8-35-сон, 2020 йил 8 августдаги 35-сон «Товарларнинг келиб чиқишини сертификатлашни ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги қарори (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2020 йил 25 августда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2131-4*)
403. Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг 2020 йил 13 августдаги 37-сон «Суғурталовчининг, суғурта брокерининг ҳамда улар алоҳида бўлинмаларининг раҳбарига ва бош бухгалтерига қўйиладиган малака талаблари тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги буйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2020 йил 25 августда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2462-1*)
404. Ўзбекистон Республикаси бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирининг 2020 йил 21 августдаги 33-2020-Б-сон «Ўзбекистон Республикаси Бандликка қўмаклашиш давлат жамғармаси маблағлари ҳисобидан субсидия ва грантлар ажратиш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги буйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2020 йил 26 августда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3163-2*)

Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини давлат рўйхатидан ўтказиш ҳолати тўғрисидаги маълумот

БИРИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ҚОНУНИ

391 Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг ҳарбий хизматни ўташ тартиби такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида*

Қонунчилик палатаси томонидан
2020 йил 22 июлда қабул қилинган

Сенат томонидан 2020 йил 7 августда
маъқулланган

1-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2002 йил 12 декабрда қабул қилинган «**Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида**»ги 436–II-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2002 йил, № 12, 217-модда; 2003 йил, № 9-10, 149-модда; 2005 йил, № 1, 18-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2006 йил, № 6, 262-модда; 2008 йил, № 9, 481-модда, № 12, 630-модда; 2009 йил, № 12, 470-модда; 2016 йил, № 9, 276-модда; 2017 йил, № 6, 300-модда; 2018 йил, № 4, 224-модда, № 7, 431-модда; 2019 йил, № 2, 47-модда, № 9, 589-модда, № 12, 880-модда) қуйидаги ўзгартиш ва қўшимчалар киритилсин:

1) **7-модданинг тўртинчи қисми** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:
«Олий ҳарбий таълим муассасаларининг курсантлари билан ўқиш даври учун келгусида уларнинг офицерлар таркиби лавозимларида ҳарбий хизматни камида беш йил мажбурий ўташи шарти билан контрактлар тузилади»;

2) **9-модданинг:**
тўртинчи қисми қуйидаги таҳрирда баён этилсин:
«Қуролли Кучларда қуйидаги ҳарбий унвонлар жорий этилади:

Қўшин унвонлари	Кема таркибидаги унвонлар
I. Оддий аскарлар таркиби	
оддий аскар	матрос
II. Сержантлар таркиби	
кичик сержант	старшина

* Ушбу Қонун «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2020 йил 26 августда эълон қилинган.

Қўшин унвонлари	Кема таркибидаги унвонлар
III даражали сержант II даражали сержант I даражали сержант катта сержант	III даражали старшина II даражали старшина I даражали старшина бош старшина
III. Офицерлар таркиби	
Кичик офицерлар таркиби	
лейтенант катта лейтенант капитан	лейтенант катта лейтенант капитан-лейтенант
Катта офицерлар таркиби	
майор подполковник полковник	III ранг капитани II ранг капитани I ранг капитани
Генераллар таркиби	
генерал-майор генерал-лейтенант генерал-полковник армия генерали	

»;

олтинчи қисми «ихтисосликка эга бўлган» деган сўзлардан кейин «офицерлар таркибидаги» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

тўққизинчи ва **ўнинчи қисмлари** қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«Ҳарбий бурчни жиддий тарзда бузганлик, ҳокимиятни суиистеъмол қилганлик, қонунлар ва умумҳарбий низомлар билан ўз зиммасига юклатилган талаблар ва мажбуриятларни фавқулодда вазиятларда бажармаганлик учун генераллар таркибидаги шахсларнинг ҳарбий унвони Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори билан пасайтирилиши мумкин.

Офицерлар таркибидаги ҳарбий хизматчиларни, шу жумладан резерв ёки захирадаги шахсларни ҳарбий унвондан улар оғир ёки ўта оғир жиноят учун ҳукм этилганида фақат суднинг қарорига кўра маҳрум этиш мумкин»;

қуйидаги мазмундаги **ўн биринчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Сержантлар таркибидаги ҳарбий хизматчиларни ҳарбий унвондан ҳарбий хизматчи томонидан ножўя хатти-ҳаракатлар содир этилганлиги учун бошқа интизомий жазо чоралари етарли бўлмаган тақдирда, суднинг ёки вазирликлар, давлат қўмиталари ва идоралар раҳбарларининг қарорига кўра маҳрум этиш мумкин»;

3) **10-модданинг бешинчи қисми** қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«Ҳарбий хизматчилар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ҳарбий хизматда қолдирилган, шунингдек ҳарбий хизматчилар учун белгиланган таъминотнинг барча турлари, кафолатлар ва имтиёзлар сақланган ҳолда давлат-ҳуқуқ ҳамда модофаа йўналишидаги ишларни бажариш учун давлат

ҳокимияти ва бошқаруви органларига, бошқа ташкилотларга юборилиши мумкин»;

4) **11-модданинг учинчи қисми** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Ҳарбий кийим-кечакда юриш қоидалари ҳарбий хизмат назарда тутилган вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг раҳбарлари томонидан белгиланади»;

5) **12-модда биринчи қисмининг тўртинчи хатбошидаги** «ҳарбий таълим муассасаларига» деган сўзлар «олий ҳарбий таълим муассасаларига» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

6) **15-модда:**

номидаги «Ҳарбий таълим муассасаларига» деган сўзлар **«Олий ҳарбий таълим муассасаларига»** деган сўзлар билан алмаштирилсин;

биринчи қисмининг русча матнидаги «высшие военно-образовательные учреждения» деган сўзлар «высшие военные образовательные учреждения» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

7) **16-модданинг биринчи қисмидаги** «(ҳарбий кафедралар, цикллари ва факультетларда)» деган сўзлар «(ҳарбий таълим факультетлари, ҳарбий тайёргарлик бўйича ўқув марказлари, ҳарбий кафедралар, цикллари ва курсларда)» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

8) **24-модда:**

биринчи қисми қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Контракт бўйича ҳарбий хизматга қуйидаги талабларга жавоб берувчи фуқаролар киради:

ўттиз ёшгача бўлган ҳарбий хизматга мажбурлар ва аёллар, шунингдек муддатли ҳарбий хизматни ўтаган ҳарбий хизматчилар — оддий аскарлар ва сержантлар таркиби лавозимларига;

муқаддам контракт бўйича ҳарбий хизматни ўтаган оддий аскарлар ва сержантлар таркибидаги қирқ ёшгача бўлган ҳарбий хизматга мажбурлар — оддий аскарлар ва сержантлар таркиби лавозимларига;

муддатли ҳарбий хизматни ёки сафарбарлик чақируви резервидаги хизматни ўтаган ва олий маълумотга эга ўттиз ёшгача бўлган ҳарбий хизматга мажбурлар — оддий аскарлар, сержантлар ва офицерлар таркиби лавозимларига;

ўн етти ёшдан йигирма уч ёшгача бўлган, шу жумладан ўқишга қабул қилинган йили ўн етти ёшга тўладиган фуқаролар, шунингдек ўн саккиз ёшдан йигирма беш ёшгача бўлган, ўқишга қабул қилинган йили мазкур ёшга тўлган, офицерлар таркиби ҳарбий унвонларига эга бўлмаган ҳарбий хизматчилар ва ҳарбий хизматга мажбурлар, шунингдек йигирма олти ёшгача бўлган ҳамда олий ҳарбий таълим муассасаларида ўқиш истагини билдирган Ўзбекистон Республикаси олий таълим муассасаларининг талабалари — олий ҳарбий таълим муассасаларининг курсантлари лавозимларига;

қирқ ёшгача бўлган резервдаги ва захирадаги офицерлар — офицерлар таркиби лавозимларига»;

қуйидаги мазмундаги **иккинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Юқори профессионал тайёргарликка ва катта иш тажрибасига эга фуқаролар ҳам контракт бўйича ҳарбий хизматда бўлишнинг белгиланган ёш чегарасига етгунига қадар контракт бўйича ҳарбий хизматга қабул қилиниши мумкин»;

иккинчи — тўртинчи қисмлари тегишинча **учинчи — бешинчи қисмлар** деб ҳисоблансин;

бешинчи қисми қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Контрактлар тузиш, шу жумладан олий ҳарбий таълим муассасаларининг курсантлари билан контрактлар тузиш, шунингдек контракт бўйича ҳарбий хизматга саралаб олиш ва уни ўташ тартиби Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг ҳарбий хизматни ўташ тартиби тўғрисидаги низом билан белгиланади»;

9) 25-модданинг:

номидаги «фуқароларга» деган сўз чиқариб ташлансин;

бешинчи қисми қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Муддатли ҳарбий хизматга қақирилган, шунингдек контракт бўйича ҳарбий хизматга кирган фуқароларга қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа имтиёзлар ва кафолатлар ҳам белгиланиши мумкин»;

10) 26-модданинг:

иккинчи қисми учинчи хатбошисининг ўзбекча матнидаги «(I даражадаги капитанлар)» деган сўзлар «(I ранг капитанлари)» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

учинчи қисми қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Ҳарбий хизматда бўлиш ёши чегарасига етган, илмий даражаси ва илмий унвони, шунингдек эгаллаб турган лавозимида юксак касбий тайёргарлиги, катта амалий иш тажрибаси бўлган, соғлиғининг ҳолатига кўра ҳарбий хизматни ўташга яроқли ҳарбий хизматчиларнинг хизмат муддати ҳарбий хизмат назарда тутилган вазирликлар, давлат қўмиталари ва идоралар раҳбарлари ёки шундай ваколатлар берилган бошқа мансабдор шахслар томонидан ҳарбий хизматда бўлиш ёшининг чегарасидан беш йилгача бўлган муддатга узайтирилиши мумкин»;

11) 27-модданинг биринчи қисми қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Ҳақиқий ҳарбий хизматда бўлишнинг бошланиши деб:

муддатли ҳарбий хизматга қақирилган қақирилувчилар ҳамда захирадаги офицерлар учун — ҳарбий қисмга жўнаш мақсадида мудофаа ишлари органида ҳозир бўлган кун;

контракт бўйича ҳарбий хизматга кирган шахслар учун — ҳарбий хизматни ўташ тўғрисидаги контракт кучга кирган кун;

олий ҳарбий таълим муассасаларига, шунингдек вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг ўқиш ҳарбий хизматга тенглаштириладиган таълим муассасаларига ўқишга кирган қақирилувчилар, ҳарбий хизматга мажбурлар учун — тегишли таълим муассасасига ўқишга қабул қилинган кун;

Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан ҳарбий лавозимга тайинланган шахслар учун — тегишли фармон, қарор ёки фармойиш имзоланган кун ҳисобланади»;

12) **28-модданинг:**

номидаги «Ҳарбий-таълим муассасалари» деган сўзлар **«Олий ҳарбий таълим муассасалари»** деган сўзлар билан алмаштирилсин;

биринчи қисмидаги «Ҳарбий-таълим муассасаларида» деган сўзлар «Олий ҳарбий таълим муассасаларида» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

иккинчи қисмидаги «Ҳарбий-таълим муассасасига» деган сўзлар «Олий ҳарбий таълим муассасасига» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

тўртинчи қисмидаги «Ҳарбий-таълим муассасасидан» деган сўзлар «Олий ҳарбий таълим муассасасидан» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

бешинчи қисмидаги «Ҳарбий-таълим муассасасидан» деган сўзлар «Олий ҳарбий таълим муассасасидан» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

қуйидаги мазмундаги **олтинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Ўқишнинг иккинчи йилида олий ҳарбий таълим муассасасидан четлаштирилган курсантлар (бундан интизомсизлиги туфайли ва соғлиғининг ҳолатига кўра четлаштирилганлар мустасно) оддий аскарлар ва сержантлар таркиби лавозимларида контракт бўйича ҳарбий хизматга кириши мумкин»;

13) **29-модданинг матни** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Ҳарбий хизматчини ҳақиқий ҳарбий хизматдан бўшатиш қуйидаги асосларга кўра амалга оширилади:

1) ёш бўйича — у ҳарбий хизматда бўлиш ёши чегарасига етганида, шу жумладан унга белгиланган тартибда узайтирилган ҳарбий хизмат муддати тугаганда;

2) муддатли ҳарбий хизмат муддати тугаганда — чақирув бўйича муддатли ҳарбий хизматнинг қонун ҳужжатларида белгиланган муддати тугаганда (бўшатиш учун бошқа асослар мавжуд бўлмаганда);

3) контракт муддати тугаганда — бўшатиш учун бошқа асослар мавжуд бўлмаганда, агар амалдаги контрактнинг тугаши пайтига келиб ҳарбий хизматчи ёки вазирлик, давлат қўмитаси ва идора томонидан янги контракт тузмаслик тўғрисида қарор қабул қилинган бўлса;

4) ташкилий-штат тадбирлари муносабати билан — ҳарбий хизматчидан хизматда фойдаланиш мумкин бўлмаган тақдирда, уни бўшатиш учун бошқа асослар мавжуд бўлмаганда;

5) соғлиғининг ҳолатига кўра — у ҳарбий-тиббий комиссия томонидан ҳарбий хизматга яроқсиз деб топилганлиги муносабати билан;

6) тарафлардан бирининг ташаббусига кўра контракт муддатидан олдин бекор қилинганлиги муносабати билан;

7) интизомсизлиги сабабли олий ҳарбий таълим муассасасидан четлаштирилиши муносабати билан — уни бўшатиш учун бошқа асослар мавжуд бўлмаганда;

8) ҳарбий хизматчи номига доғ туширувчи ножўя хатти-ҳаракат содир этганда;

9) давлат сирларидан фойдаланишдан маҳрум қилинганда;

10) озодликдан ёки ҳарбий унвондан маҳрум этиш билан боғлиқ бўлган жазо чоралари тайинланган суд ҳукми қонуний кучга кирганда;

11) қонун ҳужжатларига мувофиқ Ўзбекистон Республикасининг фу-

қаролигини йўқотганлиги ёхуд бошқа давлатнинг фуқаролиги мавжудлиги муносабати билан.

Ҳарбий хизматчиларни ҳарбий хизматдан бўшатиш уларни тегишли лавозимларга тайинлаш ваколатига эга бўлган мансабдор шахслар томонидан Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг ҳарбий хизматни ўташ тартиби тўғрисидаги низомга мувофиқ амалга оширилади.

Ҳарбий хизматчилар ҳарбий хизматдан резервга, ҳарбий ҳисобдан чиқарилган ҳолларда эса истеъфога бўшатилади.

Резервда бўлиш ёши чегарасига етган ёки соғлиғининг ҳолатига кўра ҳарбий ҳисобдан чиқарилган ҳолда ҳарбий-тиббий комиссия томонидан ҳарбий хизматга яроқсиз деб топилган, шунингдек Ўзбекистон Республикаси фуқаролигини йўқотган ёхуд бошқа давлатнинг фуқаролигига эга бўлган ҳарбий хизматчилар истеъфога бўшатилади;

14) **31-модданинг учинчи қисмидаги** «жанговар қўшилмалари ва қисмлари, жанговар таъминот бўлинмалари» деган сўзлар «жанговар қўшилмалари, қисмлари ва жанговар таъминот бўлинмалари» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

15) **44-модданинг бешинчи қисми** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Ҳарбий хизматга чақирилган ёки кирган шахслар, шунингдек вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларга хизматга махсус унвонлар берилган ҳолда, ходимлар лавозимларига кирган шахслар резервдагилар ва захирадагиларнинг ҳарбий рўйхатидан чиқарилиши лозим».

2-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2003 йил 25 апрелда қабул қилинган «**Ўзбекистон Республикаси Қуроли Кучлари резервидаги хизмат тўғрисида**»ги 478–II-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Ахборотномаси, 2003 йил, № 5, 65-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2006 йил, № 6, 262-модда; 2018 йил, № 4, 224-модда) қуйидаги ўзгартишлар киритилсин:

1) **4-модда биринчи қисмининг учинчи хатбошисидаги** «(ҳарбий кафедралар, цикллар ёки факультетларда)» деган сўзлар «(ҳарбий таълим факультетлари, ҳарбий тайёргарлик бўйича ўқув марказлари, ҳарбий кафедралар, цикллар ва курсларда)» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

2) **8-модданинг учинчи қисмидаги** «(ҳарбий кафедралар, цикллар ёки факультетларда)» деган сўзлар «(ҳарбий таълим факультетлари, ҳарбий тайёргарлик бўйича ўқув марказлари, ҳарбий кафедралар, цикллар ва курсларда)» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

3-модда. Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ва бошқа манфаатдор ташкилотлар ушбу Қонуннинг ижросини, ижрочиларга етказилишини ҳамда моҳияти ва аҳамияти аҳоли ўртасида тушунтирилишини таъминласин.

4-модда. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси: ҳукумат қарорларини ушбу Қонунга мувофиқлаштирсин; давлат бошқаруви органлари ушбу Қонунга зид бўлган ўз норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини қайта кўриб чиқишлари ва бекор қилишларини таъминласин.

5-модда. Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Ўзбекистон Республикасининг
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2020 йил 25 август,
ЎРҚ-634-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ҚОНУНИ

392 Ўзбекистон Республикасининг маъмурий-ҳудудий тузилиши тўғрисида*

Қонунчилик палатаси томонидан
2020 йил 19 майда қабул қилинган

Сенат томонидан 2020 йил 7 августда
маъқулланган

1-боб. Умумий қоидалар

1-модда. Ушбу Қонуннинг мақсади

Ушбу Қонуннинг мақсади Ўзбекистон Республикасининг маъмурий-ҳудудий тузилиши соҳасидаги муносабатларни тартибга солишдан иборат.

2-модда. Ўзбекистон Республикасининг маъмурий-ҳудудий тузилиши тўғрисидаги қонун ҳужжатлари

Ўзбекистон Республикасининг маъмурий-ҳудудий тузилиши тўғрисидаги қонун ҳужжатлари ушбу Қонун ва бошқа қонун ҳужжатларидан иборатдир.

* Ушбу Қонун «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2020 йил 29 августда эълон қилинган.

3-модда. Асосий тушунчалар

Ушбу Қонунда қуйидаги асосий тушунчалар қўлланилади:

вилоят бўйсунувидаги шаҳарлар (Қорақалпоғистон Республикаси бўйсунувидаги шаҳарлар) — аҳолиснинг сони, қоида тариқасида, камида ўттиз минг киши бўлган, муҳим маъмурий аҳамиятга, ривожланган инфратузилмага эга, шунингдек истиқболли иқтисодий ва маданий марказлар бўлган аҳоли пунктлари;

маъмурий-ҳудудий тузилиш — Ўзбекистон Республикаси ҳудудини маъмурий-ҳудудий бирликларга бўлиш;

маъмурий-ҳудудий тузилиш масалалари — маъмурий-ҳудудий бирликларни тузиш, тугатиш ва уларнинг чегараларини ўзгартириш, маъмурий-ҳудудий бирликларнинг маъмурий марказларини белгилаш ва кўчириш, маъмурий-ҳудудий бирликларнинг бўйсунувини ўзгартириш;

республика бўйсунувидаги шаҳарлар — Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари билан аниқланиши мумкин бўлган, стратегик аҳамиятга, йирик саноат корхоналарига ва ривожланган инфратузилмага эга, шунингдек истиқболли иқтисодий ва маданий марказлар бўлган аҳоли пунктлари;

туман бўйсунувидаги шаҳарлар — аҳолиснинг сони, қоида тариқасида, камида етти минг киши бўлган, саноат корхоналарига ва ривожланган инфратузилмага эга бўлган аҳоли пунктлари;

туманлар — вилоятлар, Қорақалпоғистон Республикаси таркибидаги, қоида тариқасида, шаҳарлар, шаҳарчалар, қишлоқлар ва овуллардан иборат бўлган маъмурий ҳудудий бирликлар;

чегара чизигининг тавсифи — чегара чизигининг йўналиши ва маъмурий-ҳудудий бирлик чегараларининг картографик чизмасида кўрсатилган, чегара чизигини бурилиш нуқталарининг координаталари, шунингдек жойнинг тегишли топографик элементлари билан боғлайдиган чегара нуқталари ўртасидаги масофа кўрсатилган ҳолда, чегара чизигининг ўтиш тавсифини ўз ичига олган асосий ҳужжат;

шаҳарлардаги туманлар — шаҳарларнинг маъмурий-ҳудудий бирлик мақомидаги, аҳолиснинг сони, қоида тариқасида, камида йигирма минг киши бўлган, фуқаролар йиғинларидан (маҳаллалардан) иборат бўлган қисми;

шаҳарчалар — аҳолиснинг сони, қоида тариқасида, камида икки минг киши бўлган, саноат корхоналари, темир йўл станциялари ва бошқа муҳим объектлар яқинида жойлашган, фуқаролар йиғинларидан (маҳаллалардан) иборат бўлган аҳоли пунктлари;

Ўзбекистон Республикасининг маъмурий-ҳудудий бирликлари — вилоятлар, туманлар, шаҳарлар, шаҳарчалар, қишлоқлар, овуллар, шунингдек Қорақалпоғистон Республикаси;

қишлоқлар ва овуллар — туманлар ҳудудида жойлашган, фуқаролар йиғинларидан (маҳаллалардан) иборат бўлган аҳоли пунктлари.

4-модда. Ўзбекистон Республикасининг маъмурий-худудий тузилиши соҳасидаги асосий принциплар

Ўзбекистон Республикасининг маъмурий-худудий тузилиши соҳасидаги асосий принциплар қуйидагилардан иборат:

Ўзбекистон Республикаси худудининг яхлитлиги ва бўлинмаслиги;
конунийлик;

маъмурий-худудий бирликлардаги давлат бошқарувининг самарадорлиги;
маъмурий-худудий бирликларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожлантирилиши.

5-модда. Ўзбекистон Республикаси маъмурий-худудий тузилишининг таркибий қисмлари

Ўзбекистон Республикаси вилоятлар, туманлар, шаҳарлар, шаҳарчалар, қишлоқлар, овуллардан, шунингдек Қорақалпоғистон Республикасидан иборат.

Қорақалпоғистон Республикаси туманлар, шаҳарлар, шаҳарчалар, қишлоқлар ва овуллардан иборат.

Вилоятлар туманлардан, шунингдек вилоят ва туман бўйсунувидаги шаҳарлардан, шаҳарчалар, қишлоқлар ҳамда овуллардан иборат. Вилоят бўйсунувидаги шаҳарлар доирасида ҳам туманлар ташкил қилиниши мумкин.

Вилоятларнинг маъмурий-худудий чегаралари доирасида республика бўйсунувидаги шаҳарлар бўлиши мумкин.

Тошкент шаҳри туманлардан иборат.

2-боб. Ўзбекистон Республикасининг маъмурий-худудий тузилиши соҳасини давлат томонидан тартибга солиш**6-модда. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ўзбекистон Республикасининг маъмурий-худудий тузилиши соҳасидаги ваколатлари**

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари ўз ваколатлари доирасида:

Ўзбекистон Республикасининг маъмурий-худудий тузилиши масалаларига доир қарорлар қабул қилади;

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Ўзбекистон Республикасининг маъмурий-худудий тузилиши масалаларига доир таклифларини кўриб чиқади;

Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесининг Қорақалпоғистон Республикасининг маъмурий-худудий тузилиши масалаларига доир таклифларини келишади.

Ўзбекистон Республикасининг маъмурий-худудий тузилиши масалаларини кўриб чиқиш Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари томонидан уларнинг регламентлари асосида амалга оширилади.

7-модда. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Ўзбекистон Республикасининг маъмурий-худудий тузилиши соҳасидаги ваколатлари

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ўз ваколатлари доирасида:

Ўзбекистон Республикасининг маъмурий-худудий тузилиши масалаларига доир таклифлар тайёрлайди;

Ўзбекистон Республикасининг маъмурий-худудий тузилиши масалаларига доир таклифларни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига кўриб чиқиш учун киритади;

вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимларининг Ўзбекистон Республикасининг маъмурий-худудий тузилиши масалалари бўйича илтимосномаларини кўриб чиқади;

Ўзбекистон Республикасининг маъмурий-худудий тузилиши масалалари бўйича комиссия ташкил этади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни ҳам амалга ошириши мумкин.

8-модда. Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесининг Қорақалпоғистон Республикасининг маъмурий-худудий тузилиши соҳасидаги ваколатлари

Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси ўз ваколатлари доирасида:

Қорақалпоғистон Республикасининг маъмурий-худудий тузилиши масалаларига доир қарорлар қабул қилади;

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашининг Қорақалпоғистон Республикасининг маъмурий-худудий тузилиши масалаларига доир таклифларини кўриб чиқади;

Қорақалпоғистон Республикасининг маъмурий-худудий тузилиши масалаларига доир таклифларни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига кўриб чиқиш учун киритади.

Қорақалпоғистон Республикасининг маъмурий-худудий тузилиши масалаларини кўриб чиқиш Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси томонидан унинг Регламенти асосида амалга оширилади.

9-модда. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашининг Қорақалпоғистон Республикасининг маъмурий-худудий тузилиши соҳасидаги ваколатлари

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ўз ваколатлари доирасида:

Қорақалпоғистон Республикасининг маъмурий-худудий тузилиши масалаларига доир таклифлар тайёрлайди;

туманлар ва шаҳарлар ҳокимларининг Қорақалпоғистон Республикасининг маъмурий-худудий тузилиши масалалари бўйича илтимосномаларини кўриб чиқади;

Қорақалпоғистон Республикасининг маъмурий-худудий тузилиши масалаларига доир таклифларни Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесига кўриб чиқиш учун киритади;

Қорақалпоғистон Республикасининг маъмурий-худудий тузилиши масалалари бўйича комиссия ташкил этади.

10-модда. Маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг маъмурий-худудий тузилиш соҳасидаги ваколатлари

Халқ депутатлари вилоятлар, Тошкент шаҳар, туманлар ва шаҳарлар (Қорақалпоғистон Республикаси туманлари ва шаҳарлари) Кенгашлари ўз ваколатлари доирасида маъмурий-худудий тузилиш масалаларига доир қарорлар қабул қилади. Халқ депутатлари вилоятлар, Тошкент шаҳар, туманлар ва шаҳарлар (Қорақалпоғистон Республикаси туманлари ва шаҳарлари) Кенгашлари томонидан маъмурий-худудий тузилиш масалаларига доир қарорлар қабул қилиш тартиби уларнинг регламентларида белгиланади.

Вилоятлар, Тошкент шаҳар, туманлар ва шаҳарлар (Қорақалпоғистон Республикаси туманлар ва шаҳарлар) ҳокимлари ўз ваколатлари доирасида: маъмурий-худудий тузилиш масалалари бўйича илтимосномалар киритади;

маъмурий-худудий тузилиш масалалари бўйича комиссиялар ташкил этади;

маъмурий-худудий тузилиш масалалари бўйича илтимосномаларнинг давлат экспертизасидан ўтказилишини таъминлайди;

маъмурий-худудий бирликларнинг чегараловчи марза белгилари ўрнатилишини таъминлайди.

Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни ҳам амалга ошириши мумкин.

11-модда. Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитасининг Ўзбекистон Республикасининг маъмурий-худудий тузилиши соҳасидаги ваколатлари

Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси ўз ваколатлари доирасида:

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг топшириғига кўра Ўзбекистон Республикасининг маъмурий-худудий тузилиши масалаларига доир ҳужжатларни, шу жумладан хариталар ва чегаралар чизиги тавсифини тайёрлайди, чегаралар нуқталари координаталарининг каталогини тузади;

маъмурий-худудий бирликлар чегараларининг низоли участкаларига аниқлик киритиш бўйича таклифларни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритади;

маъмурий-худудий бирликлар чегараларини келишиб олиш учун хариталар тайёрлайди;

нашр қилинадиган (тарқатиладиган) хариталарда маъмурий-худудий

бирликлар чегараларининг тўғри акс эттирилиши устидан назоратни амалга оширади;

Маъмурий-худудий бирликларнинг давлат реестрини юритиш тартибини ишлаб чиқади ва тасдиқлаш учун Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига тақдим этади ҳамда уни юритади;

маъмурий-худудий бирликларнинг навбатчи хариталарини тайёрлаш тартибини ва уларга доир талабларни тасдиқлайди ҳамда навбатчи хариталарни юритади;

маъмурий-худудий бирликларнинг қўшни чегаралари кўрсатилган хариталарни келишиб олиш учун тайёрлайди;

маъмурий-худудий бирликларнинг чегараларини жойида марза белгилари билан белгилаш бўйича ер тузиш, геодезия ва картография ишларини бажаради.

3-боб. Маъмурий-худудий тузилиш масалалари бўйича комиссиялар фаолиятини ташкил этиш тартиби

12-модда. Ўзбекистон Республикасининг маъмурий-худудий тузилиши масалалари бўйича комиссиялар

Маъмурий-худудий тузилиш масалалари бўйича комиссиялар (бундан буён матнда комиссия деб юритилади) маъмурий-худудий тузилиш масалалари юзасидан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашининг таклифларини ҳамда вилоятлар, Тошкент шаҳар, туманлар ва шаҳарлар (Қорақалпоғистон Республикаси туманлари ва шаҳарлари) ҳокимларининг илтимосномаларини кўриб чиқиш ҳамда давлат экспертизасидан ўтказиш мақсадида ташкил этилади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан ташкил этиладиган комиссия таркибига Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси, Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси раҳбарлари киритилади.

Кўриб чиқиладиган масалалар мазмунига қараб, комиссиялар таркибига давлат ҳокимияти органларининг, давлат бошқаруви органларининг мансабдор шахслари, шунингдек фуқаролик жамияти институтларининг вакиллари ҳам киритилиши мумкин.

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар, туманлар ва шаҳарлар (Қорақалпоғистон Республикаси туманлари ва шаҳарлари) ҳокимлари томонидан ташкил этиладиган комиссиялар таркибига кўриб чиқиладиган масалалар мазмунига қараб, давлат бошқаруви органлари ва маҳаллий давлат ҳокимияти органлари тегишли худудий бўлинмаларининг мансабдор шахслари, шунингдек фуқаролик жамияти институтларининг вакиллари киритилиши мумкин.

Комиссияларнинг ишлаш ва уларнинг фаолиятини тугатиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланади.

13-модда. Комиссияларнинг асосий вазифалари

Комиссияларнинг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат:

тегишли ҳудуднинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш даражасини ва демографик кўрсаткичларини ҳисобга олган ҳолда, маъмурий-ҳудудий тузилиш масалаларига доир таклифлар ва илтимосномаларни, шунингдек таклифлар ва илтимосномалар тегишли ҳудудларни комплекс ривожлантиришнинг истиқболли режаларига мувофиқлигини давлат экспертизасидан ўтказиш;

маъмурий-ҳудудий тузилиш масалаларини ҳал қилишда ҳудуднинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш даражаси ҳисобга олинишини таъминлаш;

маъмурий-ҳудудий тузилиш масалаларини ҳал қилишда хизмат мавқеини суиистеъмол қилиш ва бошқа ҳуқуқбузарликлар ҳолатларининг олдини олиш;

маъмурий-ҳудудий тузилиш масалаларини кўриб чиқишда асоссиз қарорлар қабул қилинишига йўл қўймаслик.

14-модда. Комиссиянинг хулосаси

Комиссия маъмурий-ҳудудий тузилиш масалалари бўйича келиб тушган таклифни ёки илтимосномани бир ой ичида кўриб чиқади. Комиссия кўриб чиқиш ва давлат экспертизаси якунларига кўра хулоса тайёрлайди.

Комиссиянинг хулосасида маъмурий-ҳудудий тузилиш масалаларига доир таклифларнинг ёки илтимосномаларнинг асослантилганлиги таҳлили тегишли ҳудуднинг ижтимоий-иқтисодий кўрсаткичларини, жорий ва истиқболдаги демографик кўрсаткичларини, шунингдек комплекс ривожлантиришнинг истиқболли режаларини ҳисобга олган ҳолда акс эттирилиши керак.

Алоҳида ҳолларда хулосани тайёрлаш муддати комиссияни ташкил этган давлат органларининг қарори билан бир ойдан кўп бўлмаган муддатга узайтирилиши мумкин.

Комиссиянинг ижобий хулосаси маъмурий-ҳудудий тузилиш масалалари бўйича қарор қабул қилишга ваколатли бўлган давлат органига тақдим этилади.

Салбий хулоса чиқарилган тақдирда, тақдим этилган материаллар маъмурий-ҳудудий тузилиш масалалари бўйича таклиф ёки илтимоснома тайёрлаган давлат органига маромига етказиш учун қайтарилади.

15-модда. Маъмурий-ҳудудий бирликларнинг давлат реестри

Маъмурий-ҳудудий бирликларни давлат рўйхатидан ўтказиш Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси томонидан уларни Маъмурий-ҳудудий бирликларнинг давлат реестрига киритиш йўли билан амалга оширилади.

Маъмурий-ҳудудий тузилиш масалалари бўйича таклиф ёки илтимос-

номалар тақдим этган давлат органлари ваколатли давлат органлари томонидан ижобий қарор қабул қилинганидан кейин ўн кун ичида тегишли ҳужжатларни Маъмурий-ҳудудий бирликларнинг давлат реестрига киритиш учун Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитасига киритиши шарт.

Маъмурий-ҳудудий бирликларнинг давлат реестри қўйидагилар тўғрисидаги ахборотни ўз ичига олади:

маъмурий-ҳудудий бирликларнинг тоифалари ва номлари;

маъмурий-ҳудудий бирликларнинг маъмурий марказлари;

маъмурий-ҳудудий бирликларнинг тавсифлари ва картографик тасвирлари;

маъмурий-ҳудудий бирликларни тузиш, тугатиш ва уларнинг чегараларини ўзгартириш, маъмурий-ҳудудий бирликларнинг маъмурий марказларини белгилаш ва кўчириш, маъмурий-ҳудудий бирликлар бўйсунувини ўзгартириш саналари;

маъмурий-ҳудудий бирлик таркибига кирувчи маъмурий-ҳудудий бирликларнинг рўйхати;

маъмурий-ҳудудий бирликнинг муайян маъмурий-ҳудудий бирлик таркибига мансублиги;

маъмурий-ҳудудий бирликлар майдони ва уларнинг ҳудудида яшайдиган аҳоли сони (аҳолини охирги рўйхатга олиш маълумотлари бўйича).

Маъмурий-ҳудудий бирликларнинг давлат реестрини юритиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

4-боб. Маъмурий-ҳудудий бирликларни тузиш ва тугатиш

16-модда. Вилоятларни тузиш ва тугатиш

Вилоятларни тузиш ва тугатиш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг таклифига кўра Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига қўйидаги ҳужжатларни тақдим этади:

вилоятни тузиш ёки тугатиш зарурлиги ва мақсадга мувофиқлиги асослантирилган таклиф;

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг ва Сенатининг қарорлари лойиҳалари;

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан ташкил этилган комиссия ҳулосаси;

вилоят чегараларининг ва вилоят таркибига ҳудудлари ўтказилаётган маъмурий-ҳудудий бирликлар чегараларининг картографик чизмаси ҳамда вилоят чегаралари чизигининг тавсифи (вилоятни тузиш тўғрисидаги таклифга илова қилинади);

таркибига тугатилаётган вилоят ҳудуди ўтказилаётган маъмурий-ҳудудий бирликлар чегараларининг картографик чизмаси ва маъмурий-ҳудудий

бирликлар чегаралари чизигининг тавсифи (вилоятни тугатиш тўғрисидаги таклифга илова қилинади);

вилоятни тузиш ёки тугатиш билан боғлиқ тегишли ҳисоб-китоблар ва харажатларни молиялаштириш манбалари.

17-модда. Республика бўйсунувидаги шаҳарларни тузиш ва тугатиш

Республика бўйсунувидаги шаҳарларни тузиш ва тугатиш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг таклифига кўра Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига қуйидаги ҳужжатларни тақдим этади:

республика бўйсунувидаги шаҳарни тузиш ёки тугатиш зарурлиги ва мақсадга мувофиқлиги асослантирилган таклиф;

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг ва Сенатининг қарорлари лойиҳалари;

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан ташкил этилган комиссия ҳулосаси;

республика бўйсунувидаги шаҳар чегараларининг ва республика бўйсунувидаги шаҳар таркибига ҳудудлари ўтказилаётган маъмурий-ҳудудий бирликлар чегараларининг картографик чизмаси ҳамда республика бўйсунувидаги шаҳар чегаралари чизигининг тавсифи (республика бўйсунувидаги шаҳарни тузиш тўғрисидаги таклифга илова қилинади);

таркибига тугатилаётган республика бўйсунувидаги шаҳар ҳудуди ўтказилаётган маъмурий-ҳудудий бирликлар чегараларининг картографик чизмаси ва маъмурий-ҳудудий бирликлар чегаралари чизигининг тавсифи (республика бўйсунувидаги шаҳарни тугатиш тўғрисидаги таклифга илова қилинади);

республика бўйсунувидаги шаҳарни тузиш ёки тугатиш билан боғлиқ тегишли ҳисоб-китоблар ва харажатларни молиялаштириш манбалари.

18-модда. Вилоят ва туман бўйсунувидаги шаҳарларни, вилоятлар туманларини, Тошкент шаҳар туманларини ва вилоят бўйсунувидаги шаҳарлар туманларини тузиш ҳамда тугатиш

Вилоят ва туман бўйсунувидаги шаҳарларни, вилоятлар туманларини, Тошкент шаҳар туманларини ва вилоят бўйсунувидаги шаҳарлар туманларини тузиш ҳамда тугатиш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг таклифига кўра Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан тегишли вилоятлар ҳокимларининг, Тошкент шаҳри туманларига нисбатан эса — Тошкент шаҳар ҳокимининг илтимосномалари асосида амалга оширилади.

Тегишли вилоят ёки Тошкент шаҳар ҳокими Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига қуйидаги ҳужжатларни тақдим этади:

тегишли шаҳар ёки туманни тузиш ёки тугатиш зарурлиги ва мақсадга мувофиқлиги асослантирилган илтимоснома;

тегишли шаҳар ёки туманни тузиш ёки тугатиш масаласи бўйича вилоят халқ депутатлари Кенгашининг қарорини, Тошкент шаҳри туманига нисбатан эса — халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашининг қарори;

вилоят ёки Тошкент шаҳар ҳокими томонидан ташкил этилган комиссия ҳулосаси;

шаҳар ёки туман чегараларининг ва шаҳар ёки туман таркибига ҳудудлари ўтказилаётган маъмурий-ҳудудий бирликлар чегараларининг картографик чизмаси ҳамда шаҳар ёки туман чегаралари чизигининг тавсифи (шаҳар ёки туманни тузиш тўғрисидаги таклифга илова қилинади);

таркибига тугатилаётган шаҳар ёки туман ҳудуди ўтказилаётган маъмурий-ҳудудий бирликлар чегараларининг картографик чизмаси ва маъмурий-ҳудудий бирликлар чегаралари чизигининг тавсифи (шаҳар ёки туманни тугатиш тўғрисидаги таклифга илова қилинади);

шаҳар ёки туманни тузиш ёки тугатиш билан боғлиқ тегишли ҳисоб-китоблар ва харажатларни молиялаштириш манбалари.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси тегишли вилоят ёки Тошкент шаҳар ҳокимининг шаҳар ёки туманни тузиш ёки тугатиш ҳақидаги илтимосномасини илтимоснома келиб тушганидан кейин ўттиз кун ичида кўриб чиқади ва уни маъқуллайди ёки рад этади.

Тегисли вилоят ёки Тошкент шаҳар ҳокимининг шаҳар ёки туманни тузиш ёки тугатиш ҳақидаги илтимосномаси маъқулланган тақдирда, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси шаҳар ёки туманни тузиш ёки тугатиш тўғрисидаги таклифни ҳамда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг ва Сенатининг қарорлари лойиҳаларини ўн кун ичида тайёрлайди ҳамда ушбу модданинг иккинчи қисмида назарда тутилган ҳужжатлар билан бирга Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига кўриб чиқиш учун киритади.

19-модда. Қорақалпоғистон Республикасида туманларни, Қорақалпоғистон Республикаси бўйсунувидаги шаҳарларни ва шаҳарларда туманларни тузиш ҳамда тугатиш

Қорақалпоғистон Республикасида туманларни, Қорақалпоғистон Республикаси бўйсунувидаги шаҳарларни ва шаҳарларда туманларни тузиш ва тугатиш Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашининг таклифига кўра Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг розилиги билан Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси томонидан амалга оширилади.

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесига қуйидаги ҳужжатларни тақдим этади:

тегишли туман ёки шаҳарни тузиш ёки тугатиш зарурлиги ва мақсадга мувофиқлиги асослантирилган таклиф;

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши томонидан ташкил этилган комиссия ҳулосаси;

туман ёки шаҳар чегараларининг ва туман ёки шаҳар таркибига ҳудуд-

лари ўтказилаётган маъмурий-худудий бирликлар чегараларининг картографик чизмаси ҳамда туман ёки шаҳар чегаралари чизигининг тавсифи (туман ёки шаҳарни тузиш тўғрисидаги таклифга илова қилинади);

таркибига тугатилаётган туман ёки шаҳар ҳудуди ўтказилаётган маъмурий-худудий бирликлар чегараларининг картографик чизмаси ва маъмурий-худудий бирликлар чегаралари чизигининг тавсифи (туман ёки шаҳарни тугатиш тўғрисидаги таклифга илова қилинади);

туман ёки шаҳарни тузиш ёки тугатиш билан боғлиқ тегишли ҳисоб-китоблар ва харажатларни молиялаштириш манбалари.

Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси раиси Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашининг тегишли туман ёки шаҳарни тузиш ёки тугатиш тўғрисидаги таклифи келиб тушгандан кейин ўн кун ичида уни Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси Президиумининг қарорига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарига туман ёки шаҳарни тузиш ёки тугатишга розилик бериш масаласини кўриб чиқиш учун юборади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари ўттиз кун ичида ушбу масалани кўриб чиқади ва туман ёки шаҳарни тузиш ёки тугатишга розилик бериш масаласи бўйича қарорлар қабул қилади.

Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг туман ёки шаҳарни тузиш ёки тугатишга розилик бериш тўғрисидаги қарорлари келиб тушгандан кейин ўн кун ичида туман ёки шаҳарни тузиш ёки тугатиш тўғрисида қарор қабул қилади.

20-модда. Шаҳарчаларни, қишлоқларни ва овулларни тузиш ҳамда тугатиш

Шаҳарчаларни, қишлоқларни ва овулларни тузиш ҳамда тугатиш тегишли туманлар ҳокимларининг илтимосномалари асосида халқ депутатлари вилоят Кенгаши томонидан амалга оширилади.

Тегисшли туман ҳокими халқ депутатлари вилоят Кенгашига қуйидаги ҳужжатларни тақдим этади:

шаҳарча, қишлоқ ёки овулни тузиш ёки тугатиш зарурлиги ва мақсадга мувофиқлиги асослантирилган илтимоснома;

тегишли туман халқ депутатлари Кенгашининг шаҳарча, қишлоқ ёки овулни тузиш ёки тугатиш масаласига доир қарори;

туман ҳокими томонидан ташкил этилган комиссия хулосаси;

шаҳарча, қишлоқ ёки овул чегараларининг ва шаҳарча, қишлоқ ёки овул таркибига ҳудудлари ўтказилаётган маъмурий-худудий бирликлар чегараларининг картографик чизмаси ҳамда шаҳарча, қишлоқ ёки овул чегаралари чизигининг тавсифи (шаҳарча, қишлоқ ёки овулни тузиш тўғрисидаги таклифга илова қилинади);

таркибига тугатилаётган шаҳарча, қишлоқ ёки овул ҳудуди ўтказилаётган маъмурий-худудий бирликлар чегараларининг картографик чизмаси ва маъмурий-худудий бирликлар чегаралари чизигининг тавсифи (шаҳарча, қишлоқ ёки овулни тугатиш тўғрисидаги таклифга илова қилинади);

шаҳарча, қишлоқ ёки овулни тузиш ёки тугатиш билан боғлиқ тегишли ҳисоб-китоблар ва харажатларни молиялаштириш манбалари.

Халқ депутатлари вилоят Кенгаши тегишли туман ҳокимининг шаҳарча, қишлоқ ёки овулни тузиш ёки тугатиш ҳақидаги илтимосномасини илтимоснома келиб тушганидан кейин ўттиз кун ичида кўриб чиқади ва уни маъқуллаш ёки рад этиш тўғрисида қарор қабул қилади.

21-модда. Қорақалпоғистон Республикасида туман бўйсунувидаги шаҳарларни, шаҳарчаларни, қишлоқларни ва овулларни тузиш ҳамда тугатиш

Қорақалпоғистон Республикасида туман бўйсунувидаги шаҳарларни, шаҳарчаларни, қишлоқларни ва овулларни тузиш ҳамда тугатиш Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашининг таклифига кўра Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси томонидан тегишли туманлар ҳокимларининг илтимосномалари асосида амалга оширилади.

Тегисшли туман ҳокими Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашига қуйидаги ҳужжатларни тақдим этади:

шаҳар, шаҳарча, қишлоқ ёки овулни тузиш ёки тугатиш зарурлиги ва мақсадга мувофиқлиги асослантирилган илтимоснома;

халқ депутатлари туман Кенгашининг шаҳар, шаҳарча, қишлоқ ёки овулни тузиш ёки тугатиш масаласига доир қарори;

туман ҳокими томонидан ташкил этилган комиссия хулосаси;

шаҳар, шаҳарча, қишлоқ ёки овул чегараларининг ва шаҳар, шаҳарча, қишлоқ ёки овул таркибига ҳудудлари ўтказилаётган маъмурий-ҳудудий бирликлар чегараларининг картографик чизмаси ҳамда шаҳар, шаҳарча, қишлоқ ёки овул чегаралари чизигининг тавсифи (шаҳар, шаҳарчани, қишлоқни, овулни тузиш тўғрисидаги таклифга илова қилинади);

таркибига тугатилаётган шаҳар, шаҳарча, қишлоқ ёки овул ҳудуди ўтказилаётган маъмурий-ҳудудий бирликлар чегараларининг картографик чизмаси ва маъмурий-ҳудудий бирликлар чегаралари чизигининг тавсифи (шаҳар, шаҳарча, қишлоқ ёки овулни тугатиш тўғрисидаги таклифга илова қилинади);

шаҳар, шаҳарча, қишлоқ ёки овулни тузиш ёки тугатиш билан боғлиқ тегишли ҳисоб-китоблар ва харажатларни молиялаштириш манбалари.

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши тегишли туман ҳокимининг шаҳар, шаҳарча, қишлоқ ёки овулни тузиш ёки тугатиш ҳақидаги илтимосномасини илтимоснома келиб тушганидан кейин ўттиз кун ичида кўриб чиқади ва уни маъқуллайди ёки рад этади.

Тегисшли туман ҳокимининг шаҳар, шаҳарча, қишлоқ ёки овулни тузиш ёки тугатиш ҳақидаги илтимосномаси маъқулланган тақдирда, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши туман бўйсунувидаги шаҳар, шаҳарча, қишлоқ ёки овулни тузиш ёки тугатиш тўғрисидаги таклифни ўн кун ичида тайёрлайди ҳамда ушбу модданинг иккинчи қисмида назарда тутилган ҳужжатлар билан бирга Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесига кўриб чиқиш учун киритади.

**5-боб. Ўзбекистон Республикаси маъмурий-худудий
бирликларининг чегараларини ўзгартириш**

**22-модда. Қорақалпоғистон Республикасининг чегараларини
ўзгартириш**

Қорақалпоғистон Республикасининг чегаралари фақат унинг розилиги билан Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесининг қарори асосида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан ўзгартирилиши мумкин.

23-модда. Вилоятларнинг ва Тошкент шаҳрининг чегараларини ўзгартириш

Вилоятларнинг ва Тошкент шаҳрининг чегараларини ўзгартириш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг таклифига кўра Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига қуйидаги ҳужжатларни тақдим этади:

вилоятларнинг ёки Тошкент шаҳрининг чегараларини ўзгартириш зарурлиги ҳамда мақсадга мувофиқлиги асослантирилган таклиф;

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг ва Сенатининг қарорлари лойиҳалари;

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан ташкил этилган комиссия хулосаси;

вилоят ёки Тошкент шаҳри чегараларининг ҳамда вилоятнинг ёки Тошкент шаҳрининг чегаралари ўзгариши муносабати билан чегаралари ўзгартирилаётган маъмурий-худудий бирликлар чегараларининг картографик чизмаси ҳамда вилоят ёки Тошкент шаҳри чегаралари чизигининг тавсифи;

вилоятнинг ёки Тошкент шаҳрининг чегараларини ўзгартириш билан боғлиқ тегишли ҳисоб-китобларни ва харажатларни молиялаштириш манбалари.

24-модда. Республика бўйсунувидаги шаҳарлар чегараларини ўзгартириш

Республика бўйсунувидаги шаҳарлар чегараларини ўзгартириш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг таклифига кўра Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига қуйидаги ҳужжатларни тақдим этади:

республика бўйсунувидаги шаҳар чегараларини ўзгартириш зарурлиги ва мақсадга мувофиқлиги асослантирилган таклиф;

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг ва Сенатининг қарорлари лойиҳалари;

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан ташкил этилган комиссия хулосаси;

республика бўйсунувидаги шаҳар чегараларининг ва республика бўйсуну-

нувидаги шаҳар чегараларининг ўзгариши муносабати билан чегаралари ўзгартирилаётган маъмурий-ҳудудий бирликлар чегараларининг картографик чизмаси ҳамда республика бўйсунувидаги шаҳар чегаралари чизигининг тавсифи;

республика бўйсунувидаги шаҳарнинг чегараларини ўзгартириш билан боғлиқ тегишли ҳисоб-китоблар ва харажатларни молиялаштириш манбалари.

25-модда. Вилоят ёки туман бўйсунувидаги шаҳарларнинг, вилоятлар туманларининг, Тошкент шаҳри туманларининг ва вилоят бўйсунувидаги шаҳарлар туманларининг чегараларини ўзгартириш

Вилоят ёки туман бўйсунувидаги шаҳарларнинг, вилоятлар туманларининг, Тошкент шаҳри туманларининг ва вилоят бўйсунувидаги шаҳарлар туманларининг чегараларини ўзгартириш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг таклифига кўра Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан тегишли вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимларининг илтимосномалари асосида амалга оширилади.

Тегисли вилоят ёки Тошкент шаҳар ҳокими Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига қуйидаги ҳужжатларни тақдим этади:

тегишли шаҳар ёки туманнинг чегараларини ўзгартириш зарурлиги ва мақсадга мувофиқлиги асослантирилган илтимоснома;

тегишли вилоят ёки Тошкент шаҳар халқ депутатлари Кенгашининг шаҳар ёки туманнинг чегараларини ўзгартириш тўғрисидаги масалани кўриб чиқиш ҳақидаги қарори;

тегишли вилоят ёки Тошкент шаҳар ҳокими томонидан ташкил этилган комиссия хулосаси;

шаҳар ёки туман чегараларининг ва шаҳар ёки туманнинг чегаралари ўзгариши муносабати билан чегаралари ўзгартирилаётган маъмурий-ҳудудий бирликлар чегараларининг картографик чизмаси ҳамда шаҳар ёки туман чегаралари чизигининг тавсифи;

шаҳар ёки туманнинг чегараларини ўзгартириш билан боғлиқ тегишли ҳисоб-китоблар ва харажатларни молиялаштириш манбалари.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси тегишли вилоят ёки Тошкент шаҳар ҳокимининг шаҳар ёки туманнинг чегараларини ўзгартириш ҳақидаги илтимосномасини илтимоснома келиб тушганидан кейин ўттиз кун ичида кўриб чиқади ва уни маъқуллайди ёки рад этади.

Тегисли вилоят ёки Тошкент шаҳар ҳокимининг илтимосномаси маъқулланган тақдирда, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси шаҳар ёки туманнинг чегараларини ўзгартириш тўғрисидаги таклифни ҳамда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг ва Сенатининг қарорлари лойиҳаларини ўн кун ичида тайёрлайди ва ушбу модданинг иккинчи қисмида назарда тутилган ҳужжатлар билан бирга Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига кўриб чиқиш учун киритади.

26-модда. Қорақалпоғистон Республикасида туманларнинг, Қорақалпоғистон Республикаси бўйсунувидаги шаҳарларнинг ва шаҳарларда туманларнинг чегараларини ўзгартириш

Қорақалпоғистон Республикасида туманларнинг, Қорақалпоғистон Республикаси бўйсунувидаги шаҳарларнинг ва шаҳарларда туманларнинг чегараларини ўзгартириш Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашининг таклифига кўра Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси томонидан тегишли туманлар ва шаҳарлар ҳокимларининг илтимосномалари асосида амалга оширилади.

Тегисшли туман ёки шаҳар ҳокими Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашига қуйидаги ҳужжатларни тақдим этади:

тегисшли туман ёки шаҳарнинг чегараларини ўзгартириш зарурлиги ва мақсадга мувофиқлиги асослантирилган илтимоснома;

тегисшли туман ёки шаҳар халқ депутатлари Кенгашининг туман ёки шаҳарнинг чегараларини ўзгартириш тўғрисидаги масалани кўриб чиқиш ҳақидаги қарори;

туман ёки шаҳар ҳокими томонидан ташкил этилган комиссия ҳулосаси;

туман ёки шаҳарнинг чегаралари ўзгариши муносабати билан чегаралари ўзгартирилаётган маъмурий-ҳудудий бирликлар чегараларининг картографик чизмаси ҳамда туман ёки шаҳар чегаралари чизигининг тавсифи;

туман ёки шаҳарнинг чегараларини ўзгартириш билан боғлиқ тегишли ҳисоб-китоблар ва харажатларни молиялаштириш манбалари.

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши тегисшли туман ёки шаҳар ҳокимининг туман ёки шаҳарнинг чегараларини ўзгартириш ҳақидаги илтимосномасини илтимоснома келиб тушганидан кейин ўттиз кун ичида кўриб чиқади ва уни маъқуллайди ёки рад этади.

Тегисшли туман ёки шаҳар ҳокимининг туман ёки шаҳарнинг чегараларини ўзгартириш ҳақидаги илтимосномаси маъқулланган тақдирда, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши туман ёки шаҳарнинг чегараларини ўзгартириш тўғрисидаги таклифни ўн кун ичида тайёрлайди ва ушбу модданинг иккинчи қисмида назарда тутилган ҳужжатлар билан бирга Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесига кўриб чиқиш учун киритади.

27-модда. Шаҳарчаларнинг, қишлоқларнинг ва овулларнинг чегараларини ўзгартириш

Шаҳарчаларнинг, қишлоқларнинг ва овулларнинг чегараларини ўзгартириш халқ депутатлари вилоят Кенгашлари томонидан тегишли туманлар ҳокимларининг илтимосномалари асосида амалга оширилади.

Тегисшли туман ҳокими халқ депутатлари вилоят Кенгашига қуйидаги ҳужжатларни тақдим этади:

шаҳарча, қишлоқ ёки овулнинг чегараларини ўзгартириш зарурлиги ва мақсадга мувофиқлиги асослантирилган илтимоснома;

тегишли туман халқ депутатлари Кенгашининг шаҳарча, қишлоқ ёки овулнинг чегараларини ўзгартириш масаласига доир қарори;

туман ҳокими томонидан ташкил этилган комиссия хулосаси;

шаҳарча, қишлоқ ёки овул чегараларининг ва шаҳарча, қишлоқ ёки овулнинг чегаралари ўзгариши муносабати билан чегаралари ўзгартирилаётган маъмурий-худудий бирликлар чегараларининг картографик чизмаси ҳамда шаҳарча, қишлоқ ёки овул чегаралари чизигининг тавсифи;

шаҳарча, қишлоқ ёки овулнинг чегараларини ўзгартириш билан боғлиқ тегишли ҳисоб-китоблар ва харажатларни молиялаштириш манбалари.

Халқ депутатлари вилоят Кенгаши тегишли туман ҳокимининг шаҳарча, қишлоқ ёки овулнинг чегараларини ўзгартириш ҳақидаги илтимосномасини илтимоснома келиб тушганидан кейин ўттиз кун ичида кўриб чиқади ва уни маъқуллайди ёки рад этади.

28-модда. Қорақалпоғистон Республикасида туман бўйсунувидаги шаҳарлар, шаҳарчалар, қишлоқлар

Қорақалпоғистон Республикасида туман бўйсунувидаги шаҳарлар, шаҳарчалар, қишлоқлар ва овулларнинг чегараларини ўзгартириш Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашининг таклифига кўра Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси томонидан тегишли туманлар ҳокимларининг илтимосномалари асосида амалга оширилади.

Тегисшли туман ҳокими Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашига қўйидаги ҳужжатларни тақдим этади:

шаҳар, шаҳарча, қишлоқ ёки овулнинг чегараларини ўзгартириш зарурлиги ва мақсадга мувофиқлиги асослантирилган илтимоснома;

тегишли туман халқ депутатлари Кенгашининг шаҳар, шаҳарча, қишлоқ ёки овулнинг чегараларини ўзгартириш масаласига доир қарори;

туман ҳокими томонидан ташкил этилган комиссия хулосаси;

шаҳар, шаҳарча, қишлоқ ёки овул чегараларининг ва шаҳар, шаҳарча, қишлоқ ёки овулнинг чегаралари ўзгариши муносабати билан чегаралари ўзгартирилаётган маъмурий-худудий бирликлар чегараларининг картографик чизмаси ҳамда шаҳар, шаҳарча, қишлоқ ёки овул чегаралари чизигининг тавсифи;

шаҳар, шаҳарча, қишлоқ ёки овулнинг чегараларини ўзгартириш билан боғлиқ тегишли ҳисоб-китоблар ва харажатларни молиялаштириш манбалари.

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши тегишли туман ҳокимининг шаҳар, шаҳарча, қишлоқ ёки овулнинг чегараларини ўзгартириш ҳақидаги илтимосномасини илтимоснома келиб тушганидан кейин ўттиз кун ичида кўриб чиқади ва уни маъқуллайди ёки рад этади.

Тегисшли туман ҳокимининг шаҳар, шаҳарча, қишлоқ ёки овулнинг чегараларини ўзгартириш ҳақидаги илтимосномаси маъқулланган тақдирда, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши шаҳар, шаҳарча, қишлоқ ёки овулнинг чегараларини ўзгартириш тўғрисидаги таклифни ўн кун ичида тайёрлайди ва ушбу модданинг иккинчи қисмида назарда тутилган ҳуж-

жатлар билан бирга Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесига кўриб чиқиш учун киритади.

**6-боб. Маъмурий-ҳудудий бирликларнинг маъмурий
марказларини белгилаш ва кўчириш**

**29-модда. Қорақалпоғистон Республикасининг пойтахтини
белгилаш ва кўчириш**

Қорақалпоғистон Республикасининг пойтахтини белгилаш ва кўчириш Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг розилиги билан Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси томонидан амалга оширилади.

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесига қуйдаги ҳужжатларни тақдим этади:

Қорақалпоғистон Республикасининг пойтахтини белгилаш ёки кўчириш зарурлиги ва мақсадга мувофиқлиги асослантирилган таклиф;

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши томонидан ташкил этилган комиссия хулосаси;

Қорақалпоғистон Республикасининг пойтахтини белгилаш ёки кўчириш билан боғлиқ тегишли ҳисоб-китоблар ва харажатларни молиялаштириш манбалари.

Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси раиси Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашининг Қорақалпоғистон Республикасининг пойтахтини белгилаш ёки кўчириш тўғрисидаги таклифи келиб тушгандан кейин ўн кун ичида уни Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси Президиумининг қарорига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарига Қорақалпоғистон Республикасининг пойтахтини белгилаш ёки кўчиришга розилик бериш масаласини кўриб чиқиш учун юборади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари ўттиз кун ичида ушбу масалани кўриб чиқади ва Қорақалпоғистон Республикасининг пойтахтини белгилаш ёки кўчиришга розилик бериш масаласи бўйича қарорлар қабул қилади.

Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Қорақалпоғистон Республикасининг пойтахтини белгилаш ёки кўчиришга розилик бериш тўғрисидаги қарорлари келиб тушгандан кейин ўн кун ичида Қорақалпоғистон Республикасининг пойтахтини белгилаш ёки кўчириш тўғрисида қарор қабул қилади.

**30-модда. Вилоятларнинг маъмурий марказларини белгилаш
ва кўчириш**

Вилоятларнинг маъмурий марказларини белгилаш ва кўчириш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг таклифига кўра Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан тегишли вилоятлар ҳокимларининг илтимосномалари асосида амалга оширилади.

Тегисли вилоят ҳокими Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига қуйдаги ҳужжатларни тақдим этади:

вилоятнинг маъмурий марказини белгилаш ёки кўчириш зарурлиги ва мақсадга мувофиқлиги асослантирилган илтимоснома;

тегишли вилоят халқ депутатлари Кенгашининг вилоят маъмурий марказини белгилаш ёки кўчириш масаласига доир қарори;

тегишли вилоят ҳокими томонидан ташкил этилган комиссия ҳуло-саси;

вилоятнинг маъмурий марказини белгилаш ёки кўчириш билан боғлиқ тегишли ҳисоб-китоблар ва харажатларни молиялаштириш манбалари.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси тегишли вилоят ҳокимининг вилоят маъмурий марказини белгилаш ёки кўчириш ҳақидаги илтимосномасини илтимоснома келиб тушганидан кейин ўттиз кун ичида кўриб чиқади ва уни маъқуллайди ёки рад этади.

Тегишли вилоят ҳокимининг вилоят маъмурий марказини белгилаш ёки кўчириш ҳақидаги илтимосномаси маъқулланган тақдирда, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси вилоятнинг маъмурий марказини белгилаш ёки кўчириш ҳақидаги таклифни ҳамда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг ва Сенатининг қарорлари лойиҳаларини ўн кун ичида тайёрлайди ҳамда ушбу модданинг иккинчи қисмида назарда тутилган ҳужжатлар билан бирга Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси-сига кўриб чиқиш учун киритади.

31-модда. Вилоят туманларининг маъмурий марказларини белгилаш ва кўчириш

Вилоят туманларининг маъмурий марказларини белгилаш ва кўчириш халқ депутатлари вилоят Кенгаши томонидан тегишли туманлар ҳокимла-рининг илтимосномалари асосида амалга оширилади.

Тегишли туман ҳокими халқ депутатлари вилоят Кенгашига қуйидаги ҳужжатларни тақдим этади:

туманнинг маъмурий марказини белгилаш ёки кўчириш зарурлиги ва мақсадга мувофиқлиги асослантирилган илтимоснома;

тегишли туман халқ депутатлари Кенгашининг туманнинг маъмурий марказини белгилаш ёки кўчириш масаласига доир қарори;

туман ҳокими томонидан ташкил этилган комиссия ҳулосаси;

туманнинг маъмурий марказини белгилаш ёки кўчириш билан боғлиқ тегишли ҳисоб-китоблар ва харажатларни молиялаштириш манбалари.

Халқ депутатлари вилоят Кенгаши тегишли туман ҳокимининг туман маъмурий марказини белгилаш ёки кўчириш ҳақидаги илтимосномасини илтимоснома келиб тушганидан кейин ўттиз кун ичида кўриб чиқади ва уни маъқуллаш ёки рад этиш ҳақида қарор қабул қилади.

32-модда. Қорақалпоғистон Республикасида туманларнинг маъмурий марказларини белгилаш ва кўчириш

Қорақалпоғистон Республикасида туманларнинг маъмурий марказларини белгилаш ва кўчириш Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши-нинг таклифига кўра Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси

томонидан тегишли туманлар ҳокимларининг илтимосномалари асосида амалга оширилади.

Тегисшли туман ҳокими Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашига қуйидаги ҳужжатларни тақдим этади:

туманнинг маъмурий марказини белгилаш ёки кўчириш зарурлиги ва мақсадга мувофиқлиги асослантирилган илтимоснома;

халқ депутатлари туман Кенгашининг туман маъмурий марказини белгилаш ёки кўчириш масаласига доир қарори;

туман ҳокими томонидан ташкил этилган комиссия хулосаси;

туманнинг маъмурий марказини белгилаш ёки кўчириш билан боғлиқ тегишли ҳисоб-китоблар ва харажатларни молиялаштириш манбалари.

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши тегишли туман ҳокимининг туман маъмурий марказини белгилаш ёки кўчириш ҳақидаги илтимосномасини илтимоснома келиб тушганидан кейин ўттиз кун ичида кўриб чиқади ва уни маъқуллайди ёки рад этади.

Тегисшли туман ҳокимининг туман маъмурий марказини белгилаш ёки кўчириш ҳақидаги илтимосномаси маъқулланган тақдирда, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши туманнинг маъмурий марказини белгилаш ёки кўчириш ҳақидаги таклифни ўн кун ичида тайёрлайди ва ушбу модданинг иккинчи қисмида назарда тутилган ҳужжатлар билан бирга Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесига кўриб чиқиш учун киритади.

7-боб. Маъмурий-ҳудудий бирликлар бўйсунувини ўзгартириш

33-модда. Шаҳарларни республика бўйсунувидаги шаҳарлар тоифасига киритиш

Шаҳарларни республика бўйсунувидаги шаҳарлар тоифасига киритиш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг таклифига кўра Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига қуйидаги ҳужжатларни тақдим этади:

шаҳарни республика бўйсунувидаги шаҳарлар тоифасига киритиш зарурлиги ва мақсадга мувофиқлиги асослантирилган таклиф;

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг ва Сенатининг қарорлари лойиҳалари;

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан ташкил этилган комиссия хулосаси;

шаҳарни республика бўйсунувидаги шаҳарлар тоифасига киритиш билан боғлиқ тегишли ҳисоб-китоблар ва харажатларни молиялаштириш манбалари.

34-модда. Шаҳарларни вилоят бўйсунувидаги шаҳарлар тоифасига киритиш

Шаҳарларни вилоят бўйсунувидаги шаҳарлар тоифасига киритиш Ўзбе-

кистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг таклифига кўра Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан тегишли вилоятлар ҳокимларининг илтимосномалари асосида амалга оширилади.

Тегишли вилоят ҳокими Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига қуйидаги ҳужжатларни тақдим этади:

шаҳарни вилоят бўйсунувидаги шаҳарлар тоифасига киритиш зарурлиги ва мақсадга мувофиқлиги асослантирилган илтимоснома;

халқ депутатлари вилоят Кенгашининг шаҳарни вилоят бўйсунувидаги шаҳарлар тоифасига киритиш масаласига доир қарори;

вилоят ҳокими томонидан ташкил этилган комиссия хулосаси;

шаҳарни вилоят бўйсунувидаги шаҳарлар тоифасига киритиш билан боғлиқ тегишли ҳисоб-китоблар ва харажатларни молиялаштириш манбалари.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси тегишли вилоят ҳокимининг шаҳарни вилоят бўйсунувидаги шаҳарлар тоифасига киритиш ҳақидаги илтимосномасини илтимоснома келиб тушганидан кейин ўттиз кун ичида кўриб чиқади ва уни маъқуллайди ёки рад этади.

Вилоят ҳокимининг шаҳарни вилоят бўйсунувидаги шаҳарлар тоифасига киритиш ҳақидаги илтимосномаси маъқулланган тақдирда, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси шаҳарни вилоят бўйсунувидаги шаҳарлар тоифасига киритиш ҳақидаги таклифни ҳамда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг ва Сенатининг қарорлари лойиҳаларини ўн кун ичида тайёрлайди ҳамда ушбу модданинг иккинчи қисмида назарда тутилган ҳужжатлар билан бирга Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига кўриб чиқиш учун киритади.

35-модда. Қорақалпоғистон Республикасининг туман бўйсунувидаги шаҳарларини Қорақалпоғистон Республикаси бўйсунувидаги шаҳарлар тоифасига киритиш

Қорақалпоғистон Республикасининг туман бўйсунувидаги шаҳарларини Қорақалпоғистон Республикаси бўйсунувидаги шаҳарлар тоифасига киритиш Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашининг таклифига кўра Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси томонидан амалга оширилади.

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесига қуйидаги ҳужжатларни тақдим этади:

туман бўйсунувидаги шаҳарни Қорақалпоғистон Республикаси бўйсунувидаги шаҳарлар тоифасига киритиш зарурлиги ва мақсадга мувофиқлиги асослантирилган таклиф;

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши томонидан ташкил этилган комиссия хулосаси;

туман бўйсунувидаги шаҳарни Қорақалпоғистон Республикаси бўйсунувидаги шаҳарлар тоифасига киритиш билан боғлиқ тегишли ҳисоб-китоблар ва харажатларни молиялаштириш манбалари.

36-модда. Шаҳарчаларни туман бўйсунувидаги шаҳарлар тоифасига киритиш

Шаҳарчаларни туман бўйсунувидаги шаҳарлар тоифасига киритиш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг таклифига кўра Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан тегишли вилоятлар ҳокимларининг илтимосномалари асосида амалга оширилади.

Тегишли вилоят ҳокими Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига қуйидаги ҳужжатларни тақдим этади:

шаҳарчани туман бўйсунувидаги шаҳарлар тоифасига киритиш зарурлиги ва мақсадга мувофиқлиги асослантирилган илтимоснома;

халқ депутатлари вилоят Кенгашининг шаҳарчани туман бўйсунувидаги шаҳарлар туркумига киритиш масаласига доир қарори;

вилоят ҳокими томонидан ташкил этилган комиссия хулосаси;

шаҳарчани туман бўйсунувидаги шаҳарлар тоифасига киритиш билан боғлиқ тегишли ҳисоб-китоблар ва харажатларни молиялаштириш манбалари.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси тегишли вилоят ҳокимининг шаҳарчани туман бўйсунувидаги шаҳарлар тоифасига киритиш ҳақидаги илтимосномасини илтимоснома келиб тушганидан кейин ўттиз кун ичида кўриб чиқади ва уни маъқуллайди ёки рад этади.

Тегишли вилоят ҳокимининг шаҳарчани туман бўйсунувидаги шаҳарлар тоифасига киритиш ҳақидаги илтимосномаси маъқулланган тақдирда, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси шаҳарчани туман бўйсунувидаги шаҳарлар тоифасига киритиш ҳақидаги таклифни ҳамда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг ва Сенатининг қарорлари лойиҳаларини ўн кун ичида тайёрлайди ҳамда ушбу модданинг иккинчи қисмида назарда тутилган ҳужжатлар билан бирга Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига кўриб чиқиш учун киритади.

37-модда. Қорақалпоғистон Республикасининг шаҳарчаларини туман бўйсунувидаги шаҳарлар тоифасига киритиш

Қорақалпоғистон Республикасининг шаҳарчаларини туман бўйсунувидаги шаҳарлар тоифасига киритиш Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашининг таклифига кўра Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси томонидан тегишли туманлар ҳокимларининг илтимосномалари асосида амалга оширилади.

Тегишли туман ҳокими Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашига қуйидаги ҳужжатларни тақдим этади:

шаҳарчани туман бўйсунувидаги шаҳарлар тоифасига киритиш зарурлиги ва мақсадга мувофиқлиги асослантирилган илтимоснома;

тегишли туман халқ депутатлари Кенгашининг шаҳарчаларни туман бўйсунувидаги шаҳарлар тоифасига киритиш масаласига доир қарори;

туман ҳокими томонидан ташкил этилган комиссия хулосаси;

шаҳарчани туман бўйсунувидаги шаҳарлар тоифасига киритиш билан боғлиқ тегишли ҳисоб-китоблар ва харажатларни молиялаштириш манбалари.

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши тегишли туман ҳокимининг шаҳарчани туман бўйсунувидаги шаҳарлар тоифасига киритиш ҳақидаги илтимосномасини илтимоснома келиб тушганидан кейин ўттиз кун ичида кўриб чиқади ва уни маъқуллайди ёки рад этади.

Тегишли туман ҳокимининг шаҳарчани туман бўйсунувидаги шаҳарлар тоифасига киритиш ҳақидаги илтимосномаси маъқулланган тақдирда, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши шаҳарчани туман бўйсунувидаги шаҳарлар тоифасига киритиш тўғрисидаги таклифни ўн кун ичида тайёрлайди ва ушбу модданинг иккинчи қисмида назарда тутилган ҳужжатлар билан бирга Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесига кўриб чиқиш учун киритади.

38-модда. Қишлоқлар ва овулларни шаҳарчалар тоифасига киритиш

Қишлоқлар ва овулларни шаҳарчалар тоифасига киритиш халқ депутатлари вилоят Кенгаши томонидан тегишли туманлар ҳокимларининг илтимосномалари асосида амалга оширилади.

Тегишли туман ҳокими халқ депутатлари вилоят Кенгашига қўйидаги ҳужжатларни тақдим этади:

қишлоқни ёки овулни шаҳарчалар тоифасига киритиш зарурлиги ва мақсадга мувофиқлиги асослантирилган илтимоснома;

тегишли туман халқ депутатлари Кенгашининг қишлоқлар ва овулларни шаҳарчалар тоифасига киритиш масаласига доир қарори;

туман ҳокими томонидан ташкил этилган комиссия хулосаси;

қишлоқни ёки овулни шаҳарчалар тоифасига киритиш билан боғлиқ тегишли ҳисоб-китоблар ва харажатларни молиялаштириш манбалари.

Халқ депутатлари вилоят Кенгаши тегишли туман ҳокимининг қишлоқ ёки овулни шаҳарчалар тоифасига киритиш ҳақидаги илтимосномасини илтимоснома келиб тушганидан кейин ўттиз кун ичида кўриб чиқади ва уни маъқуллаш ёки рад этиш тўғрисида қарор қабул қилади.

39-модда. Қорақалпоғистон Республикасининг қишлоқлари ва овуллари шаҳарчалар тоифасига киритиш

Қорақалпоғистон Республикасининг қишлоқлари ва овуллари шаҳарчалар тоифасига киритиш Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашининг таклифига кўра Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси томонидан тегишли туманлар ҳокимларининг илтимосномалари асосида амалга оширилади.

Тегишли туман ҳокими Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашига қўйидаги ҳужжатларни тақдим этади:

қишлоқни ёки овулни шаҳарчалар тоифасига киритиш зарурлиги ва мақсадга мувофиқлиги асослантирилган илтимоснома;

тегишли туман халқ депутатлари Кенгашининг қишлоқлар ва овулларни шаҳарчалар тоифасига киритиш масаласига доир қарори;

туман ҳокими томонидан ташкил этилган комиссия хулосаси;
қишлоқни ёки овулни шаҳарчалар тоифасига киритиш билан боғлиқ тегишли ҳисоб-китоблар ва харажатларни молиялаштириш манбалари.

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши тегишли туман ҳокимининг қишлоқни ёки овулни шаҳарчалар тоифасига киритиш ҳақидаги илтимосномасини илтимоснома келиб тушганидан кейин ўттиз кун ичида кўриб чиқади ва уни маъқуллайди ёки рад этади.

Тегисшли туман ҳокимининг қишлоқни ёки овулни шаҳарчалар тоифасига киритиш ҳақидаги илтимосномаси маъқулланган тақдирда, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши қишлоқни ёки овулни шаҳарчалар тоифасига киритиш ҳақидаги таклифни ўн кун ичида тайёрлайди ва ушбу модданинг иккинчи қисмида назарда тутилган ҳужжатлар билан бирга Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесига кўриб чиқиш учун киритади.

8-боб. Яқунловчи қоидалар

40-модда. Маъмурий-ҳудудий тузилиш соҳасидаги ишларни молиялаштириш

Маъмурий-ҳудудий тузилиш соҳасидаги ишларни молиялаштириш Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети маблағлари ва қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан амалга оширилади.

41-модда. Маъмурий-ҳудудий тузилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун жавобгарлик

Маъмурий-ҳудудий тузилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганликда айбдор шахслар белгиланган тартибда жавобгар бўлади.

42-модда. Низоларни ҳал этиш

Маъмурий-ҳудудий тузилиш соҳасидаги низолар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ҳал этилади.

43-модда. Маъмурий-ҳудудий тузилиш масалаларини ҳал этишда етказилган зарарнинг ўрнини қоплаш

Маъмурий-ҳудудий тузилиш масалаларини ҳал этишда юридик ёки жисмоний шахсларнинг мол-мулкига етказилган зарарнинг ўрни қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда қопланиши керак.

44-модда. Айрим қонун ҳужжатларини ўз кучини йўқотган деб топиш

Қуйидагилар ўз кучини йўқотган деб топилсин:

1) Ўзбекистон Республикасининг 1996 йил 30 августда қабул қилинган «**Ўзбекистон Республикасида маъмурий-ҳудудий тузилиш масалаларини ҳал этиш тартиби тўғрисида**»ги 276–I-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1996 йил, № 9, 139-модда);

2) Ўзбекистон Республикасининг 2004 йил 3 декабрда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш, шунингдек айрим қонун ҳужжатларини ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида»ги 714-II-сонли Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2005 йил, № 1, 18-модда) **34-банди**;

3) Ўзбекистон Республикасининг 2011 йил 12 октябрда қабул қилинган «Географик объектларнинг номлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни қабул қилинганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартишлар киритиш ҳақида»ги ЎРҚ-304-сонли Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2011 йил, № 10, 274-модда) **3-моддаси**;

4) Ўзбекистон Республикасининг 2017 йил 13 июнда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек айрим қонун ҳужжатларини ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида»ги ЎРҚ-436-сонли Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2017 йил, № 6, 300-модда) **16-моддаси**.

45-модда. Ушбу Қонуннинг ижросини, етказилишини, моҳияти ва аҳамияти тушунтирилишини таъминлаш

Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ва бошқа манфаатдор ташкилотлар ушбу Қонуннинг ижросини, ижрочиларга етказилишини ҳамда моҳияти ва аҳамияти аҳоли ўртасида тушунтирилишини таъминласин.

46-модда. Қонун ҳужжатларини ушбу Қонунга мувофиқлаштириш

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси:

хукумат қарорларини ушбу Қонунга мувофиқлаштиради;

давлат бошқаруви органлари ушбу Қонунга зид бўлган ўз норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини қайта кўриб чиқишлари ва бекор қилишларини таъминласин.

47-модда. Ушбу Қонуннинг кучга кириши

Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга кириди.

**Ўзбекистон Республикасининг
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2020 йил 28 август,
ЎРҚ-635-сон

ИККИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

393 Лицензиялаш ва рухсат бериш тартиб-таомиллари- ни тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғри- сида*

Сўнгги йилларда республикада ишбилармонлик ва инвестиция муҳити-
ни тубдан яхшилаш, ортиқча бюрократик тўсиқларни бартараф этиш, эс-
кирган, замон талабларига мос келмайдиган тартиб-таомилларни такомил-
лаштириш борасида изчил чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Мазкур йўналишларда олиб борилган ишлар лицензиялаш ва рухсат
бериш тизимини либераллаштириш ҳамда институционал ислоҳ қилишнинг
янги босқичини бошлаш учун мустаҳкам асос яратди.

Лицензиялаш ва рухсат бериш тартиб-таомилларини тубдан такомил-
лаштириш ҳамда бюрократик тўсиқларни бартараф этиш орқали тадбиркор-
лик субъектлари фаолияти учун янада кенг шарт-шароитларни яратиш
мақсадида:

1. Адлия вазирлиги, Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қону-
ний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакил, Монополияга қарши ку-
рашиш қўмитаси ва Савдо-саноат палатасининг қуйидагиларни назарда ту-
тувчи таклифларига розилик берилсин:

биринчи босқичда (2020 йил давомида) — фуқаролар соғлиғига ва жа-
миятга зиён етказмайдиган лицензия ва рухсат этиш хусусиятига эга ҳуж-
жатларнинг айрим турларини қисқартириш ва тартибга солишнинг муқобил
усулларига ўтказиш, тадбиркорлик субъектларидан ортиқча ҳужжат талаб
қилмаслик ва уларнинг вақт ҳамда маблағлари сарфланишини камайтириш
учун тартиб-таомилларни соддалаштириш, тегишли ҳужжатларни бериш
жараёнларини тўлиқ рақамлаштириш орқали шаффофликни таъминлаш;

иккинчи босқичда (2020-2021 йиллар давомида) — лицензиялаш ва
рухсат бериш соҳасидаги қонун ҳужжатларини тизимлаштириш, давлат
хизматлари кўрсатишнинг паспортларини ишлаб чиқиш, айрим турдаги
лицензия ва рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатлар беришнинг намуна-
вий маъмурий регламентларини жорий қилган ҳолда норматив-ҳуқуқий
ҳужжатлар сонини тубдан қисқартириш.

2. Белгилансинки 2021 йил 1 январдан бошлаб:

а) лицензияланадиган фаолият ва рухсат этиш хусусиятига эга ҳуж-
жатларнинг:

* Ушбу Фармон «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2020 йил 25 ав-
густда эълон қилинган.

1-иловага* мувофиқ айрим турлари бекор қилинади;

2-иловага* мувофиқ айрим турлари бирлаштириш йўли билан бекор қилинади;

3-иловага* мувофиқ айрим турлари хабардор қилиш тартиби жорий этилиши йўли билан бекор қилинади;

б) 4-иловага* мувофиқ лицензияланадиган фаолият ва рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатларнинг айрим турларини расмийлаштириш муддатлари қисқартирилади.

Хабардор қилиш тартиби жорий этилган фаолият (ҳаракат) учун расмийлаштирилган лицензия ёки рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатларнинг амал қилиши ўз кучида қолади ва ушбу фаолият (ҳаракат)ни амалга ошириш учун ваколатли органни хабардор қилиш талаб этилмайди.

Лицензия ва рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатларни беришга ваколатли ҳамда хабарномаларни қабул қиладиган органлар (кейинги ўринларда — ваколатли органлар) 2021 йил 1 январга қадар аввал расмийлаштирилган лицензия ва рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатлар реестрини хатловдан ўтказсин ва янги тартиб асосида юритилишини таъминласин.

3. Лицензия ва рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатларни олиш тартиб-таомилларини янада қисқартириш ва соддалаштиришга қаратилган чоратадбирлар режаси 5-иловага* мувофиқ тасдиқлансин.

4. 2021 йил 1 январдан бошлаб:

а) туризм фаолиятини лицензиялашда туроператорлар хизматларини сертификатлаш ихтиёрий этиб белгилансин;

б) қуйидагилар бекор қилинсин:

кредит бюрolari фаолиятини лицензиялашда камида 10 та тижорат банки билан кредит алмашинувини амалга оширишга розилигини тасдиқловчи ҳужжат мавжудлиги талаби;

дори воситалари ва тиббий буюмларни чакана реализация қилиш фаолиятини лицензиялашда ушбу фаолият учун лицензияга эга бўлган юридик шахслар томонидан уларнинг худди шундай фаолият билан шуғулланувчи филиаллари ташкил этилганда ҳар бир филиал манзилини асосий лицензияда кўрсатиш амалиётини жорий қилиш орқали филиалларга алоҳида лицензия расмийлаштириш амалиёти;

ер қазри участкаларидан фойдаланиш ҳуқуқи учун лицензия олишда талабгордан маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг кафолат хатларини олишни талаб қилиш тартиби.

5. Белгилансинки:

хабардор қилиш тартибида амалга ошириладиган фаолият жумласига фаолиятни бошлаш ёки ҳаракатни амалга ошириш учун ваколатли орган томонидан қарор қабул қилиниши талаб этилмайдиган, бироқ давлат томонидан тартибга солиниши ҳамда тегишли фаолият билан шуғулланаётган субъектларнинг ҳисобини юритишни таъминлаш учун қонун ҳужжатлари-

* 1 — 5-иловалар «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

да белгиланган талаб ва шартларга риоя этиш мажбуриятини ўз зиммасига олиш орқали амалга ошириладиган фаолият турлари киради;

хабарнома юбориш орқали жисмоний ва юридик шахслар хабардор қилиш тартиби жорий этилган фаолият ёки ҳаракатни амалга ошириш учун қонун ҳужжатларида белгиланган талаб ва шартларга мувофиқ эканликларини тасдиқлайди. Бунда, автоматлаштирилган электрон тизим орқали қонун ҳужжатларида белгиланган талаб ва шартларга мувофиқлиги ҳужжатларни тақдим этиш жараёнида устувор равишда инсон аралашувисиз текширувдан ўтказилади;

амалга оширилиши учун лицензия, рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжат ва ваколатли органни хабардор қилиш талаб этиладиган фаолият турлари рўйхатлари қонун билан тасдиқланади ҳамда тегишли қонун қабул қилингандан сўнг ушбу рўйхатларга киритилмаган фаолият ёки ҳаракатни амалга ошириш учун жисмоний ва юридик шахслардан маъмурий тартиб-таомиллардан ўтишни талаб қилишга йўл қўйилмайди.

6. Ваколатли органлар томонидан қуйидаги ҳаракатларнинг амалга оширилиши тақиқлансин:

лицензиялар бериш, уларнинг амал қилиш муддатини узайтириш ва уларни қайта расмийлаштиришда лицензия талабгорининг электр энергияси, табиий газ етказиб бериш, сув таъминоти ва сув чиқариш хизматлари, қаттиқ маиший чиқиндиларни тўплаш ва олиб чиқиб кетиш хизматлари учун мажбурий тўловлар бўйича, шунингдек, ижро ҳужжатлари бўйича қарздорлиги мавжудлиги сабабли давлат хизматлари кўрсатишни рад этиш;

лицензия ва рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатларни давлат органлари ва тадбиркорлик субъектлари ўртасида тузиладиган ўзаро шартномаларга алмаштириш;

лицензия ва рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатларни бериш ҳақидаги аризаларни кўриб чиқиш, ушбу ҳужжатларни бериш, шунингдек, назорат функцияларини амалга ошириш жараёнида тадбиркорлик субъектини лицензия ва рухсат беришга доир талаб ва шартларда назарда тутилмаган ҳақ эвазига бошқа турдаги хизматлардан фойдаланишга ёки рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатларни олишга бевосита ёки билвосита мажбурлаш.

7. 2020 йилда муддати тугайдиган барча лицензия ва рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатларнинг амал қилиш муддати 2021 йил 1 январга қадар узайтирилсин ва уларнинг муддати ўтганлиги муносабати билан жавобгарликка тортиш ва бошқа чоралар қўлланилиши тақиқлансин.

8. Фаолиятнинг лицензияланадиган тури билан шуғулланадиган ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президенти ёки Вазирлар Маҳкамаси қарорлари билан ташкил этилган давлат унитар корхоналари ва нодавлат ташкилотларнинг тегишли лицензияни олмасдан фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқи 2021 йил 1 январдан бекор қилинсин.

9. Адлия вазирлиги Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги билан биргаликда 2021 йил 1 январга қадар лицензиялаш, рухсат бериш ва хабардор қилиш тартиб-таомиллари билан боғлиқ барча жараёнларни қамраб олган, идоралараро электрон ўзаро ҳам-

корлик қилиш имкониятига эга ҳамда махсус мобил иловаси мавжуд бўлган «Лицензия» ахборот тизими ишлаб чиқилиши ва ишга туширилишини таъминласин.

Бунда, «Лицензия» ахборот тизими қуйидаги имкониятларга эга бўлиши назарда тутилсин:

а) лицензиялаш, рухсат бериш ва хабардор қилиш тартиб-таомилларидан ўтиш борасида:

лицензия ва рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатларни олиш ёки амал қилиш муддатини узайтириш учун ариза ва унга илова қилинадиган ҳужжатларни топшириш, QR-код (матрик штрихли код) қўйилган электрон лицензия ва рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатларни олиш;

ваколатли органлар томонидан аризаларни кўриб чиқиш ҳамда лицензия ва рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатларни бериш ёки беришни рад этиш ҳақида қарорлар қабул қилиш;

фаолиятни бошлаганлик ёки тугатганлик ҳақида ваколатли органни хабардор қилиш учун хабарномалар юбориш ва хабарнома қабул қилинганлиги тўғрисида тасдиқномалар олиш;

аризани кўриб чиқиш учун давлат божи, йиғим ва барча турдаги тўловларни Ягона биллинг тизими орқали электрон тўлаш;

лицензия ва рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатларни қайта расмийлаштириш, уларнинг амал қилишини тўхтатиб туриш ва бекор қилиш ҳақидаги аризаларни қабул қилиш ва кўриб чиқиш;

б) лицензиялаш, рухсат бериш ва хабардор қилиш тартиб-таомилларини амалга оширишда ваколатли органларнинг ўзаро ҳамкорлиги борасида:

бошқа ваколатли органлардан қўшимча ҳужжат ва маълумотларни олиш ҳамда улар билан келишишни «бир дарча» тамойили асосида тадбиркорлик субъектининг иштирокисиз мустақил равишда амалга ошириш;

берилган лицензия ва рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатларнинг ҳамда хабарнома юборган тадбиркорлик субъектларининг автоматлаштирилган реестрларини юритиш;

лицензия ва рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатларга ҳамда хабарномаларга алоқадор маълумотларни тегишли идораларнинг маълумотлар базаси орқали автоматик тарзда текшириш;

в) лицензия ва рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатлар ҳамда хабарномаларга тегишли бўлган талаб ва шартларнинг бажарилишини мониторинг қилиш борасида:

лицензия ва рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатлар ҳамда хабарномаларга доир талаб ва шартларга риоя этилиши устидан ваколатли органлар томонидан масофавий назоратни амалга ошириш;

давлат хизмати кўрсатилишининг ҳар бир босқичида мурожаатларнинг кўриб чиқилишини кузатиб бориш;

лицензия ва рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатлар ҳамда хабарномалар билан боғлиқ ҳаракатлар, шу жумладан, бекор қилиш ва тўхтатиб туриш бўйича ваколатли органлар томонидан суд ва бошқа идораларга мурожаат қилиш;

аризаларни кўриб чиқиш, лицензия ёки рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатни бериш ёхуд беришни рад этиш, унинг амал қилишини тўхтатиб туриш ҳақидаги қарорлар устидан жамоатчилик назоратини жорий этиш, шунингдек, тегишли фаолият билан лицензиясиз ёки бошқа рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатсиз ёхуд хабарнома юбормасдан шуғулланиш ҳамда белгиланган талаб ва шартларни бузиш ҳолатлари ҳақида тўғридан-тўғри жойлашиш нуқтасини кўрсатган ҳолда маълумот бериш;

ваколатли органларнинг автоматик шакллантириладиган рейтингини юритиш;

ваколатли органлар томонидан берилган лицензия ва рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатларнинг ҳамда хабардор қилиш тартибида амалга ошириладиган фаолиятларнинг хусусиятидан келиб чиқиб, жисмоний ва юридик шахсларнинг фаолияти (ҳаракати) давомида назорат қилишнинг аниқ мезонларини белгиллаган ҳолда «хавфни таҳлил этиш» тизимини жорий қилиш.

10. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ 2021 йил 1 январдан бошлаб:

лицензиялаш, рухсат бериш ва хабардор қилиш тартиб-таомиллари босқичма-босқич тўлиқ электрон тарзда «Лицензия» ахборот тизими орқали амалга оширилади, бундан ташқи иқтисодий фаолият субъектларига «Ягона дарча» божхона ахборот тизимидан фойдаланган ҳолда бериладиган рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатлар ҳамда давлат сири ва қонунчилиikka мувофиқ фойдаланиш чекланган маълумотларни ўз ичига олган тартиб-таомиллар мустасно;

лицензия ва рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатларни олиш ҳамда ваколатли органни хабардор қилиш ҳақидаги аризалар ва уларга илова қилинган ҳужжатлар электрон шаклда Ягона интерактив давлат хизматлари порталидан фойдаланган ҳолда Интернет тармоғи орқали қабул қилинади;

барча турдаги лицензия ва рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатлар ҳамда хабарнома қабул қилинганлиги ва реестрга киритилганлик ҳақида хат уларнинг ҳаққонийлигини онлайн текшириш имконини берадиган QR-код (матрик штрихли код) қўйилган ҳолда расмийлаштирилади ва уларни махсус бланкаларда бериш тартиби бекор қилинади, бундан халқаро шартномаларга мувофиқ махсус қоғоз бланкаларида расмийлаштиришни талаб қиладиган ҳужжатлар мустасно;

бошқа ваколатли органлардан қўшимча ҳужжатларни олиш ёки улар билан келишиш асосий ваколатли орган томонидан тадбиркорлик субъектининг иштирокисиз «Лицензия» ахборот тизими орқали мустақил равишда, шу жумладан, жавоб беришни талаб этмайдиган, тўғридан-тўғри маълумот олишга имкон берувчи интеграциялашган платформага уланиш орқали амалга оширилади. Белгиланган муддатларда бошқа ваколатли органлар томонидан жавоб берилмаганда қўшимча ҳужжатлар олинган ёки улар билан келишилган ҳисобланади, бунда мазкур ваколатли органлар вужудга келиши мумкин бўлган барча оқибатлар учун жавобгар бўлади;

тегишли фаолият билан лицензиясиз ёки рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатсиз ёхуд хабарнома юбормасдан шуғулланиш ҳамда белгиланган талаб ва шартларни бузиш ҳолатлари билан боғлиқ, шунингдек, ваколатли органлар томонидан аризаларни кўриб чиқиш, лицензия ёки рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатни бериш ёхуд беришни рад этиш ҳамда унинг амал қилишини тўхтатиб туриш билан боғлиқ қонун бузилишларини аниқлаб, бу ҳақда ваколатли органларга хабар берган жисмоний шахслар ҳуқуқбузарлик ўз тасдиғини топганда ундирилган жариманинг 10 фоизи миқдоридаги пул мукофоти билан рағбатлантирилади;

ваколатли органлар ташаббуси билан лицензия ва рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатларни тугатиш ва бекор қилиш фақат суд тартибида амалга оширилади, бундан лицензиатнинг лицензия берганлик учун давлат божини тўламаган ҳоллар мустасно;

лицензия даъвогари маълум бир соҳада лицензияланадиган фаолиятни амалга ошириш ҳуқуқини берувчи лицензияга эга бўла туриб, худди шу соҳадаги алоҳида фаолият турига лицензия бериш тўғрисида ариза билан мурожаат қилса, у томонидан лицензияловчи органга фақатгина қўшимча лицензия талаблари ва шартларини қаноатлантирадиган маълумотлар тақдим этилади;

фаолиятни бошлаганлик ҳақида ваколатли органни хабардор қилишда базавий ҳисоблаш миқдорининг 50 фоизигача йиғим ундирилади, бундан қурилиш-монтаж ишларини ва алкоголь маҳсулотлари билан чакана савдо қилишни бошлаганлик ҳақидаги хабарномалар мустасно.

11. «Лицензия» ахборот тизими Давлат хизматлари агентлиги, БМТнинг Тараққиёт дастури ва Европа Иттифоқининг «Ўзбекистоннинг қишлоқ ҳудудларида давлат хизматлари тақдим этишни такомиллаштириш ва маҳаллий бошқарув даражасини ошириш» қўшма лойиҳаси грант маблағларини жалб қилган ҳолда очиқ тендер асосида ишлаб чиқилиши маълумот учун қабул қилинсин.

«Лицензия» ахборот тизими ишлаб чиқилиши муносабати билан давлат идоралари ва ташкилотлари томонидан лицензиялаш, рухсат бериш ва хабардор қилиш тартиб-таомилларини ҳамда уларнинг талаб ва шартлари назоратини амалга ошириш борасидаги барча электрон дастурлар ишлаб чиқилиши тўхтатилсин, бунда ушбу дастурларни ишлаб чиқиш Адлия вазирлиги ҳамда Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигининг ижобий хулосасига мувофиқ давом этирилиши мумкин.

Ишлаб чиқилиши тўхтатиладиган дастурлар учун мўлжалланган маблағлар «Лицензия» ахборот тизимининг ишлаши учун зарур бўлган идоравий инфратузилма ва электрон базаларни яратишга йўналтирилсин.

12. Давлат хизматлари агентлиги «Лицензия» ахборот тизимини юритиш бўйича ваколатли орган этиб белгилансин ҳамда унга лицензиялаш, рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатларни бериш ва хабардор қилиш тартиб-таомилларининг давлат органлари ва бошқа ташкилотлар томонидан риоя этилиши устидан мониторингни амалга ошириш ваколати берилсин.

13. «Лицензия» ахборот тизимини такомиллаштириш ҳамда унинг давлат органларининг идоравий ахборот тизимлари ва маълумотлар базалари билан интеграциялашувини ташкил этиш бўйича ишлар Давлат хизматлари агентлигининг бюджетдан ташқари жамғармаси маблағлари ва қонунчиликда тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан амалга оширилсин.

«Лицензия» ахборот тизими электрон ҳукумат тизимининг ажралмас қисми эканлиги инобатга олинсин ва келгусида техник-қўллаб қувватлаш бўйича масъул орган этиб Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги белгилансин.

Адлия вазирлиги «Лицензия» ахборот тизими тўлиқ ишга туширилганидан сўнг икки ой муддатда уни ўрнатилган тартибда Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги тасарруфига бегараз равишда ўтказиб берсин.

14. Белгилаб қўйилсинки:

хар бир лицензиялаш, рухсат бериш ҳамда хабардор қилиш тартиб-таомили унинг амал қилиши натижасида эришилган мақсадларни, ижтимоий-иқтисодий, инновацион ва технологик ривожланишнинг жорий ҳолатини, шунингдек, тадбиркорлик субъектларининг харажатларини баҳолаган ҳолда камида ҳар беш йилда қайта кўриб чиқилади;

норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасида янги турдаги лицензияланадиган фаолият йўналиши ёки рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатни ёхуд фаолиятни бошлашнинг хабардор қилиш тартибини жорий этиш назарда тутилаётганда ушбу тартиб-таомилнинг тартибга солиш таъсирини баҳолаш мажбурий ҳисобланади;

янги турдаги лицензиялар, рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатлар ва фаолиятни бошлашнинг хабардор қилиш тартибини жорий этишни ҳамда уларни тартибга солиш шаклларини ўзгартиришни назарда тутувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаси Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги ҳамда Монополияга қарши курашиш қўмитасининг ижобий хулосалари мавжуд бўлгандагина, шунингдек, Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вазир ва Савдо-саноат палатаси билан келишилган ҳолда Адлия вазирлигига киритилади.

15. Адлия вазирлиги, Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси, Савдо-саноат палатаси тадбиркорлик субъектларини жалб қилган ҳолда лицензиялаш ва рухсат бериш тартиб-таомилларини комплекс ва тизимли ислоҳ қилишнинг иккинчи босқичини амалга ошириш учун:

а) уч ой муддатда «Фаолиятнинг айрим турларини лицензиялаш тўғрисида»ги ва «Тадбиркорлик фаолияти соҳасидаги рухсат бериш тартиб-таомиллари тўғрисида»ги қонунларни бирлаштириш йўли билан қуйидагиларни назарда тутувчи яхлит қонун лойиҳасини Вазирлар Маҳкамасига киритсин:

лицензиялаш, рухсат бериш ва хабардор этиш тартиб-таомилларидан ўтишнинг ягона ва шаффоф тартибини ўрнатиш;

лицензия ва рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатларни расмийлаштирадиган, келишадиган ҳамда хабарномаларни қабул қиладиган ваколатли орган ва ташкилотларнинг ваколатларини белгилаш;

лицензиялаш ва рухсат бериш тартиб-таомилларидан ўтиш жараёнида ваколатли орган ва ташкилотлар билан ўзаро муносабатда бўладиган жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқ ва манфаатлари ҳимоясининг ягона тизимини жорий қилиш;

лицензияланадиган фаолият турлари, тадбиркорлик фаолияти соҳасидаги рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатлар, шунингдек, ваколатли органни хабардор қилиш тартибида амалга ошириладиган фаолият ва ҳаракатлар рўйхатини тасдиқлаш;

лицензия шартномасини расмийлаштириш амалиётидан воз кечган ҳолда, лицензия талаб ва шартларини қонун ҳужжатларида белгилаш;

юридик шахсларнинг филиал ва ваколатхоналари томонидан лицензияланадиган, рухсатнома олиш ёки хабардор қилиш талаб этиладиган фаолият турларини амалга ошириш тартибини аниқлаштириш;

лицензияни чақириб олиш тартибини ва ушбу тартибга асосан чақириб олиниши мумкин бўлган фаолият турларини аниқ белгилаш;

«хавфни таҳлил этиш» тизимини жорий қилиш орқали лицензия ва рухсат беришга доир талаб ва шартларга риоя қилиш аҳволини назорат қилиш;

б) 2021 йил 1 февралга қадар Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакил, Монополияга қарши курашиш қўмитаси ва ваколатли органлар билан биргаликда лицензиялаш ва рухсат бериш тартиб-таомиллари соҳасидаги қонун ҳужжатларини тизимлаштириш мақсадида уларнинг паспортларини ишлаб чиқиш ва кодификациялаш бўйича норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасини Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

16. Адлия вазирлиги қўйидагиларни Вазирлар Маҳкамасига киритсин:

Бош прокуратура билан биргаликда уч ой муддатда юридик ва жисмоний шахсларнинг лицензия ёки рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатлар олиниши ҳамда хабардор қилиниши шарт бўлган фаолият билан лицензиясиз ёки рухсатномасиз ёхуд хабарнома юбормасдан шуғулланганлиги, шунингдек, хабардор қилиш тартибида фаолият юритиш учун белгиланган талаб ва шартларнинг бажарилганлиги юзасидан ваколатли органга ёлғон ёки нотўғри маълумотлар берганлиги учун жавобгарликни белгиловчи қонун лойиҳасини;

2020 йил 1 декабрга қадар тегишли ҳуқуқбузарлик ҳолатларини аниқлаб, тегишли ваколатли органларга хабар юборган жисмоний шахсларни рағбатлантириш тартибини;

манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда уч ой муддатда қонун ҳужжатларига мазкур Фармондан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида таклифларни.

17. Ушбу Фармонда белгиланган чора-тадбирларнинг самарали ва ўз вақтида амалга оширилишини таъминлаш мақсадида:

а) Бош вазир ўринбосари Ж. Қўчқоров айрим турдаги лицензиялаш ва рухсат бериш тартиб-таомиллари ўрнига хабардор қилиш тартиби жорий этилиши муносабати билан тегишли қонун қабул қилинганидан сўнг хабардор қилиш тартиби бўйича низомлар қисқа муддатларда тасдиқланишини таъминласин;

б) Адлия вазирлиги (Давлетов):

ваколатли органлар билан бевосита ва онлайн видеоалоқа тизими орқали учрашувлар ташкил этиш графигини тасдиқласин;

тасдиқланган графикка асосан ваколатли органларга мазкур Фармонда назарда тутилган тартибларни ва «Лицензия» ахборот тизимининг ишлаш тамойилларини тушунтириб борсин;

ваколатли органларга тегишли лойиҳаларни тайёрлашда амалий ёрдам кўрсатсин;

в) Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги (Садиков):

Адлия вазирлиги билан биргаликда лицензия ва рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатларни тақдим этадиган ва келишиш жараёнларида иштирок этадиган барча давлат органлари идоравий ахборот тизимларининг «Лицензия» ахборот тизими билан интеграциялашувини таъминлаш чораларини кўрсин;

«Лицензия» ахборот тизимининг узлуксиз ишлашини таъминласин ҳамда Давлат хизматлари агентлиги томонидан «Лицензия» ахборот тизими фаолиятида нуқсон ва носозликлар аниқланганида, Агентлик талабномасига асосан уларни уч кунда бартараф этиб борилишини таъминласин;

г) ваколатли органлар:

икки ой муддатда «Лицензия» ахборот тизимига уланиш ва ўзларининг электрон тизимларини интеграция қилиш, тегишли инфратузилмани яратиш ҳамда ўз электрон базаларини шакллантириш чораларини кўрсин;

амалдаги фаолиятнинг айрим турларини лицензиялаш ва рухсат бериш тартиб-таомилларидан ўтиш тартиби ҳамда хабардор этиш тартиби тўғрисидаги низомларни ўз вақтида ва сифатли ишлаб чиқсин;

мазкур Фармон қабул қилингунига қадар Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Ҳукумати қарорлари билан ташкил этилган ва лицензияланадиган фаолият билан шуғулланадиган ташкилотларга уларнинг мурожаатларига асосан белгиланган тартибда лицензиялар берилишини таъминласин;

д) Бош прокуратура (Йўлдошев):

Коррупцияга қарши курашиш агентлиги, Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакил билан биргаликда лицензиялаш, рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатларни бериш ва хабардор қилиш тартиб-таомиллари соҳасидаги қонунчилик ижроси устидан тизимли назоратни ўрнатсин;

белгиланган муддатларга риоя қилмаслик оқибатида автоматик тарзда лицензия ва рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатлар, шу жумладан, уларни идоралараро келишувда ижобий ҳулосалар берилишига олиб келган сабаб

ва шарт-шароитларни таҳлил қилсин, коррупциявий ҳолатлар юзага келишининг олдини олиш чораларини кўрсин;

е) Монополияга қарши курашиш қўмитаси (Шарипов) лицензия, рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжат бериш ва хабардор қилиш жараёнида асоссиз рад этиш ёки ҳаракатсизлик орқали бозорларга янги хўжалик юритувчи субъектларнинг киришига (фаолият юритишига) тўсиқ қўйиш йўли билан рақобат чекланишининг олдини олсин, рухсат этиш тартиб-таомиллари учун давлат божи ва йиғимлар миқдори шакллантирилишининг асослилигини назорат қилсин;

ж) Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакил (Касимов) ваколатли органлар томонидан лицензия ва рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжати мавжуд субъектлар фаолиятида ўтказиладиган текширувлар лицензия ва рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжат талаблари доирасида амалга оширилиши устидан назоратни олиб борсин;

з) Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги (Ходжаев) Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги ва Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси билан биргаликда оммавий ахборот воситалари, маҳаллий ва хорижий экспертлар ҳамда фуқаролик жамияти институтларини жалб қилган ҳолда мазкур Фармонда белгиланган чора-тадбирларни аҳоли орасида кенг ёритиш чораларини кўрсин.

18. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н. Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси раҳбари З.Ш. Низомиддинов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2020 йил 24 август,
ПФ-6044-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ФАРМОНИ**394 Бўстонлиқ туманида бошқарувнинг алоҳида тартиб-бини жорий этиш орқали туризмни жадал ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида***

Сўнгги йилларда Тошкент вилоятининг туризм салоҳиятини янада ривожлантириш, туризм салоҳияти юқори бўлган ҳудудларнинг ўзаро боғлиқлигини таъминлаш орқали туристлар саёҳати учун қулай шарт-шароитлар яратиш, вилоятнинг ўзига хос табиий ҳудудларида янги туризм йўналишларини ташкил этиш, туристлар оқимини янада кўпайтириш, замонавий туристик инфратузилманинг жадал ривожланишини таъминлашга қаратилган комплекс чора-тадбирлар босқичма-босқич амалга оширилмоқда.

Яратилган имкониятларга қарамасдан Тошкент вилоятида мавжуд туризм салоҳиятидан етарли даражада фойдаланилмаган, туристик инфратузилмани ривожлантириш борасидаги ишлар талаб даражасида ташкил этилмаган, хизмат кўрсатиш соҳасида ривожланган мамлакатлар даражасидан кам бўлмаган салоҳиятга эга бўлса-да, бугунги кунга келиб туманни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш борасида амалга оширилган ишлар етарли даражада эмас ҳамда ўз ечимини топмаган бир қатор муаммолар мавжуд. Хусусан:

биринчидан, туманда маҳаллий бошқарув тизимидаги муаммолар сабабли, ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш, аҳоли бандлигини таъминлаш, уларнинг турмуш шароитини яхшилаш борасида манзилли ишлар йўлга қўйилмаган;

иккинчидан, муҳандислик-коммуникация тармоқлари, шу жумладан, йўл, ичимлик ва оқова сув тизими, электр тармоғи инфратузилмалари эскирган ва талаб даражасида эмас, ахборот-телекоммуникация тармоқлари етарли даражада ташкил этилмаган;

учинчидан, туманнинг бош режаси, батафсил режалаштириш лойиҳаларини ишлаб чиқиш якунига етказилмаганлиги сабабли ноқонуний қурилишларнинг олдини олиш борасидаги ишлар талаб даражасида амалга оширилмаган;

тўртинчидан, туманнинг асосий қисми дам олиш рекреацион ҳудуд бўлишига қарамасдан, чиқиндиларни қайта ишлаш, атроф-муҳит ва табиий ресурсларни муҳофаза қилиш ҳолати қониқарсиз даражага келиб қолган.

Бўстонлиқ туманининг маҳаллий бошқарув тизимини такомиллаштириш, туманни комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, туристик салоҳиятидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш, ҳудудга хорижий ва маҳаллий туристларни кенг жалб қилиш учун қулай шароитлар яратиш, замонавий инфратузилма билан таъминлаш, кўрсатилаётган туристик, меҳмонхона, транспорт ва бошқа хизматлар турларини кенгайтириш ва сифа-

* Ушбу Фармон «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2020 йил 28 августда эълон қилинган.

тини ошириш ҳамда шу орқали аҳоли бандлигини таъминлаш, даромадларини кўпайтириш, турмуш шароитини янада яхшилаш мақсадида:

1. Бўстонлик туманининг туристик йўналишдаги рақобатдош устунликларидан самарали фойдаланиш, ҳудуднинг ихтисослашувини аниқ белгилаш, туристик, муҳандислик, транспорт ва ижтимоий инфратузилмасини ривожлантириш, инвестиция муҳитини тубдан яхшилаш орқали аҳоли бандлигини таъминлаш учун 2022 йил 31 декабрга қадар Тошкент вилояти Бўстонлик туманида алоҳида маъмурий-бошқарув тизими жорий қилинсин.

2. Белгилансинки, алоҳида маъмурий-бошқарув тизими доирасида:

а) Бош вазир ўринбосари — Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси раиси бир вақтнинг ўзида «Чорвоқ» эркин туристик зонаси дирекцияси (кейинги ўринларда — Дирекция) директори лавозимини эгаллайди, шунингдек, Бўстонлик тумани (кейинги ўринларда — туман) ҳокимлиги фаолиятини мувофиқлаштириб боради. Бунда, Бош вазир ўринбосари — Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси раиси:

туман ҳокими ва унинг ўринбосарлари, шунингдек, давлат бошқаруви органларининг туман бўлинмалари раҳбарларини лавозимига тайинлаш ва лавозимидан озод этиш бўйича таклиф киритади;

туман ҳокимлиги бошқарув аппарати ва давлат бошқаруви органлари туман бўлинмаларининг тузилмаларига ўзгартириш киритиш бўйича таклифлар ишлаб чиқади;

Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Вазирлар Маҳкамасининг қарор ва топшириқларини туманда масъул ташкилотлар томонидан ўз вақтида, тўлиқ ва сифатли бажарилишини назорат қилади, шунингдек, камчиликларга йўл қўйган масъул ташкилотлар раҳбарларига нисбатан лавозимидан озод этишгача бўлган чоралар кўриш бўйича таклиф киритади;

б) Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланадиган рўйхат асосида туманда жойлашган аҳолининг дам олиш ва саломатлигини тиклаш билан боғлиқ давлат мулки объекти бўлган дам олиш уйлари, пансионатлар, санаторийлар ва бошқа объектлар, шунингдек, туристик инфратузилмани яратиш имконияти бўлган ер участкалари Дирекцияга кейинчалик самарали фойдаланиш ва (ёки) реализация қилиш учун ўтказилади;

в) «Чорвоқ» эркин туристик зонаси (кейинги ўринларда — эркин туристик зона) ҳудудида жойлашган ҳамда ушбу банднинг «б» кичик бандига асосан Дирекцияга ўтказилган давлат мулки объектлари ва ер участкаларини реализация қилиш Дирекциянинг қарорига асосан электрон онлайн-аукцион орқали амалга оширилади;

г) эркин туристик зона ҳудудида жойлашган ер участкалари ер фондини бир тоифадан бошқасига ўзгартириш, уни туристик инфратузилмани ривожлантириш учун ажратиш эркин туристик зона Маъмурий кенгашининг қарорига асосан амалга оширилади. Бунда, ер участкалари эгаларига Тошкент вилоятининг бошқа ҳудудларидан фаолият турига мос ер участкаси ва етказилган зарарни қоплаш назарда тутилади;

д) туманда жойлашган қишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган ер участкаларини тадбиркорлик ва шаҳарсозлик фаолиятини юритиш учун электрон

онлайн аукцион орқали сотувга қўйиш Дирекция қарорига мувофиқ амалга оширилади;

е) эркин туристик зона ҳудудида инвестиция лойиҳасини амалга ошириш учун ер участкасини сотиб олган инвесторларга ер участкасига бўлган эгалик ҳуқуқлари истисно тариқасида Тошкент вилояти ҳокимининг алоҳида қарори қабул қилинмасдан расмийлаштирилади;

ж) туманда (эркин туристик зона ҳудудида жойлашган ер участкалари бундан мустасно), шу жумладан, ўрмон фонди ерларида ер участкаларини ажратиш, қўчмас мулкни бузиш, муҳандислик, транспорт ва ижтимоий инфратузилмани қуриш билан боғлиқ қарорлар Дирекция билан мажбурий тарзда келишилади;

з) туман ҳокими тўғридан-тўғри Вазирлар Маҳкамасига бўйсунди, туман прокуратураси, ички ишлар ва солиқ бўлинмаларининг раҳбарлари эса мақоми, шу жумладан, меҳнатга ҳақ тўлаш шартлари бўйича тегишлича ушбу давлат органларининг республика даражасидаги раҳбарлари ўринбосарларига тенглаштирилади;

и) барча давлат бошқаруви органларининг республика даражасидаги раҳбар (ўринбосар)ларидан бири бир вақтнинг ўзida уларнинг тумандаги тегишлича ҳудудий бўлинмалари фаолиятини мувофиқлаштириб бориш учун бириктирилади;

к) Дирекция директорига қўйидаги ваколатлар берилди:

хорижий инвесторлар, халқаро молия институтлари билан инвестиция, кредит, молиявий ёрдам ва грантлар жалб этиш бўйича келишувлар (меморандум, шартномалар) тузиш;

туманда жойлашган ер участкалари ва давлат мулки объектларини реализация қилиш бўйича қарорлар қабул қилиш;

ҳудудда жойлашган давлат мулки объектларини гаровга қўйиш орқали кредитлар олиш ва жалб қилиш;

ўзига юклатилган вазифаларни амалга ошириш доирасида нуфузли консалтинг компаниялари, ҳудудда барпо этилаётган йирик объектларни лойиҳалаш ва қурилиш ишларига нуфузли хорижий лойиҳа ва пудрат компаниялари ҳамда малакали экспертларни жалб қилиш;

экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш мақсадида эркин туристик зона ҳудудида яшил зоналарни ташкил қилиш, айрим ҳудудларда эса табиатга зарар келтирадиган хўжалик фаолиятини, шу жумладан, чорвачилик, деҳқончилик, янги саноат ва хизмат кўрсатиш объектларини барпо этиш тақиқланган зоналарни белгилаш;

аҳолига ва тадбиркорлик субъектларига кўрсатиладиган айрим давлат хизматларини аутсорсинг тизими асосида ташкил этиш;

аҳолининг дам олиш ва саломатлигини тиклаш билан боғлиқ давлат мулки объектлари бўлган дам олиш уйлари, пансионатлар, санаторийлар ва бошқа объектларни ишончли бошқарув шартномаси асосида бошқарув компанияларига бериш.

3. Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси ҳузурида юридик шахс мақомига эга бўлмаган Тоғли ва олис ҳудудларда туристик инфратузилма-

ни ривожлантириш жамғармаси (кейинги ўринларда — Жамғарма) ташкил этилсин.

Белгилаб қўйилсинки:

а) Жамғарма маблағлари қуйидаги манбалар ҳисобидан шакллантирилади:

туманнинг туристик инфратузилмасини ривожлантириш мақсадида Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси томонидан биринчи босқичда ажратиладиган 20 миллион АҚШ доллари миқдоридagi кредит. Бунда, Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси томонидан иккинчи босқичда кредит ажратилиши мазкур Фармон билан белгиланган вазифалар тўлиқ бажарилган ва аниқ натижаларга эришилгандан сўнг амалга оширилади;

туман ҳудудида жойлашган давлат мулки объектлари ҳамда ер участкаларини реализация қилишдан тушадиган маблағлар (савдога чиқариш ва сотиш билан боғлиқ харажатлардан ташқари);

Жамғарманинг вақтинча бўш турган маблағларини тижорат банклари-нинг депозитларига жойлаштиришдан тушадиган даромадлар;

халқаро молия институтлари ва хорижий молия ташкилотлари маблағлари;

жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳомийлик хайриялари;

қонун ҳужжатлари билан тақиқланмаган бошқа манбалар;

б) Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси кредити Дирекцияга 20 йил муддатга, шу жумладан, 5 йиллик имтиёзли даврни ҳисобга олган ҳолда, йиллик фоиз ставкаси 6 ойлик LIBOR+3 фоизда ажратилади;

в) Тикланиш ва тараққиёт жамғармасининг жалб қилинадиган кредити ва хизмат кўрсатиш билан боғлиқ харажатларни қоплаш Жамғарма тушумлари, туманнинг маҳаллий бюджети қўшимча манбалари, етмаган қисмини республика бюджети ҳамда қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан амалга оширилади.

4. Белгилансинки:

а) Жамғарма маблағларидан қуйидаги мақсадларда фойдаланилади:

муҳандислик-коммуникация тармоқлари, шу жумладан, йўл, ичимлик ва оқова сув тизими, электр тармоғи инфратузилмаларини яхшилаш, ахборот-телекоммуникация тармоқларини ривожлантириш;

энергиянинг муқобил ва қайта тикланадиган манбаларини қўллаган ҳолда янги замонавий энергия тежовчи тизимлар ва технологияларни синов тариқасида жорий қилиш асосида ўзига хос экологик тизимни яратиш бўйича лойиҳаларни амалга ошириш;

кўкаламзорлаштириш, яшил ҳудудлар ва паркларни яратиш, чиқиндиларни қайта ишлаш, ободонлаштириш, атроф-муҳитни ва табиий ресурсларни муҳофаза қилиш билан боғлиқ замонавий ечимларни жорий этиш;

лойиҳалаштириш ва консалтинг компаниялари, маҳаллий ва хорижий экспертлар ҳамда бошқарувчи компаниялар хизматлари учун ҳақ тўлаш;

тоғли ва олис ҳудудларда туристик инфратузилмани ривожлантириш учун жалб қилинган кредитларни қайтариш, уларнинг фоиз ставкаларини қоплаш;

Дирекция фаолиятини молиялаштириш, шу жумладан, унинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, жойлаштириш, асосий воситалар, анжомлар, транспортлар билан таъминлаш;

эркин туристик зонанинг Маъмурий кенгаши томонидан белгиланадиган харажатларни қоплаш;

Дирекцияга юклатилган бошқа вазифаларни амалга ошириш билан боғлиқ бўлган харажатларни қоплаш;

б) Бош вазир ўринбосари — Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси раиси Жамғарма маблағларини тақсимловчиси ҳисобланади;

в) Жамғарма маблағларининг даромадлар ва харажатлар сметаси Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги ҳамда Молия вазирлиги билан келишилган ҳолда Ўзбекистон Республикаси Бош вазири томонидан тасдиқланади;

г) Жамғарманинг вақтинча бўш турган маблағлари тижорат банклари депозитларига жойлаштирилади.

5. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ, истисно тариқасида, 2020 йил 1 сентябрдан бошлаб:

туманда лицензия ва рухсатнома беришдан, сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ ва маъмурий ҳуқуқбузарликлар учун жаримадан республика ва вилоят маҳаллий бюджетига тушадиган маблағлар ва божлар тўлиқлигича туман маҳаллий бюджетига;

туман ҳудудида жойлашган давлат мулки объектларини реализация қилишдан тушадиган маблағлар (баҳолаш ва хусусийлаштириш тадбирларини амалга ошириш харажатларидан ташқари), шунингдек, ер участкаларини реализация қилишдан тушадиган маблағлар тўлиқ Жамғармага йўналтирилади.

6. Белгилансинки, туманнинг ўзига хос туристик қиёфасини яратиш ва аҳоли турар жойларини замонавий инфратузилма асосида қайта барпо этиш мақсадида мазкур ҳудудда жойлашган аҳоли турар жойларини реконструкция қилиш (бинонинг ташқи фасади ва томларини ўзгартириш, қайта қуриш, туризм хизматларини ривожлантириш учун зарур бўлган асбоб-ускунлар, мебель ва инвентарлар билан жиҳозлаш) учун кредитлар, шу жумладан, Ўзбекистон ипотекани қайта молиялаштириш компанияси маблағлари ҳисобидан ажратилади.

7. Алоҳида маъмурий-бошқарув тизими даврида туман ҳокимлиги фаолиятининг самарадорлиги қуйидаги асосий кўрсаткичларни ўз ичига олади:

аҳоли бандлиги ва даромадларини ошириш;

илғор хорижий тажрибага асосланган замонавий бошқарув тизимини жорий этиш;

ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш, кўрсатилаётган ижтимоий хизматлар сифатини ошириш, шу жумладан, таъмирталаб таълим, тиббиёт ташкилотларини зарур анжомлар, буюмлар, алоқа ва коммуникация воситалари билан таъминлаш;

туман иқтисодиётига инвестицияларни, хусусан, тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар улуши ҳамда маҳсулотлар (хизматлар) экспортини ошириш;

тадбиркорликни ривожлантириш орқали маҳаллий бюджетнинг даромадини кўпайтириш, «яширин иқтисодиёт» улушини камайитириш;

йўл-транспорт, ташқи муҳандислик-коммуникация тизимларини ривожлантириш, жумладан, ичимлик ва оқова сув тармоқларини қуриш ва реконструкция қилиш ҳамда ахборот-телекоммуникация хизматлари сифатини ошириш;

экология ва атроф-муҳитни яхшилаш, шу жумладан, чиқиндиларни утилизация қилишнинг замонавий тизимини йўлга қўйиш.

Вазирлар Маҳкамаси (А.Н. Арипов) бир ой муддатда туман ҳокимлиги фаолияти самарадорлигининг асосий кўрсаткичларини (KPI) тасдиқласин.

8. Туман ҳокимлигига қуйидаги қўшимча асосий устувор вазифалар юклансин:

кўрсатилаётган хизматларнинг рақобатбардошлиги ва сифатини ошириш;

хусусий секторда туризмни ривожлантириш учун қулай шарт-шароитлар яратиш, миллий туризм маҳсулотини дунё бозорида кенг тарғиб қилиш;

замонавий туристик инфратузилма объектлари (меҳмонхона мажмуалари, маданий-соғломлаштириш, савдо-кўнгилочар, ресторан ва кафелар ҳамда туристик аҳамиятдаги бошқа объектлар)да туристларга хизмат кўрсатиш учун зарур шароитларни таъминлаган ҳолда махсус функционал ва мавсумий рекреацион дам олиш зоналарини яратиш;

туманнинг инвестициявий жозибадорлигини ошириш, хорижий ва маҳаллий инвесторларни жалб этиш ва лойиҳаларнинг амалга оширилишини мувофиқлаштириш, шу жумладан, туризмни ривожлантириш учун мўлжалланган ер участкаларини зоналар ва лотларга ажратиш ишларини ташкил этиш;

туманнинг туристик салоҳиятини ривожлантиришда ахборот-коммуникация технологияларини фаол жорий этиш бўйича чора-тадбирлар комплексини амалга ошириш;

туристик инфратузилмани ривожлантириш ҳамда мақбул ва қулай туризм муҳитини яратиш;

транспорт логистикасини ривожлантириш, ички ва ташқи йўналишларни кенгайтириш, транспорт хизматлари сифатини оширишни таъминлаш;

туризм бозорининг турли сегментларига йўналтирилган туризм маҳсулотлари ва хизматларининг туманда диверсификация қилинишини таъминлаш;

республика ичида туризм хизматларига бўлган эҳтиёжни қаноатлантиришга йўналтирилган туризм фаолияти субъектларининг фаоллигини рағбатлантиришни таъминловчи туманнинг ички туризмни ривожлантиришни мувофиқлаштириш;

ташриф буюрган туристларнинг хавфсизлиги ва саломатлигини таъминлашга қаратилган комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш;

энергиянинг муқобил ва қайта тикланадиган манбаларини қўллаган ҳолда янги замонавий энергия тежовчи тизимлар ва технологияларни синов тариқасида жорий қилиш асосида ўзига хос экологик тизимни яратиш;

туманда истиқомат қилувчи аҳолини туризм соҳасидаги тадбиркорлик фаолиятига жалб этиш, уларнинг малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш чораларини кўриш;

туманда ишлаб чиқилган туризм маҳсулотларининг халқаро ва ички туризм бозорларида тарғиб қилинишини таъминлаш, туманнинг саёҳат ва дам олиш учун хавфсиз ҳудуд сифатидаги имиджини мустаҳкамлаш;

халқаро рейтингларга асосан туризмни ривожлантиришга етакчи хорижий мамлакатлар, жумладан, Туркия, Франция, Испания, Швейцария, Япония ва Корея Республикаси каби мамлакатлардан мутахассисларни жалб қилиш;

жисмоний тарбия ва спорт соҳасида халқаро алоқаларни кенгайтириш, хорижий инвестициялар ва грантларни жалб этган ҳолда жисмоний тарбия-соғломлаштириш спорт базаларини ҳамда нуфузли халқаро спорт мусобақалари ўтказишга мўлжалланган ёзги ва қишки спорт объектлари ва иншоотларини барпо этиш чораларини кўриш;

тумандаги спорт базалари ҳамда спорт объектлари ва иншоотларидан самарали фойдаланилишини таъминлаш, спорт турлари бўйича маҳаллий ва халқаро ўқув-машғулот йиғинларини, шунингдек, нуфузли халқаро спорт мусобақаларини ташкил этиш орқали спорт туризмни ривожлантириш;

оммавий ва профессионал спортни, шу жумладан, ёзги ва қишки спорт турларини ривожлантиришни рағбатлантириш ва қўллаб-қувватлаш, илғор халқаро тажрибани ҳисобга олган ҳолда спорт тайёргарлиги жараёнига замонавий технологияларни жорий этиш;

туристик ва ижтимоий инфратузилма ҳамда муҳандислик-коммуникация тармоқларини ривожлантириш, шунингдек, ушбу йўналишга халқаро молия институтлари грантлари ва маблағларини жалб этиш ҳамда давлат-хусусий шерикликни жорий этиш.

9. Вазирлар Маҳкамаси (А.Н. Арипов):

а) бир ой муддатда қуйидагиларни назарда тутувчи туманни комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурини ишлаб чиқсин ва тасдиқласин:

инвестицияларни, айниқса тўғридан-тўғри инвестицияларни кенг жалб этиш, туманнинг экспорт салоҳиятини ошириш, аҳоли бандлигини таъминлаш ҳамда саноат, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш ва хизмат кўрсатиш соҳаларини ривожлантириш;

туманда янги туристик ва ижтимоий инфратузилма объектлари, шу жумладан, меҳмонхона, умумий овқатланиш, маданий кўнгилочар масканлари, дам олиш ва сайр қилиш учун яшил зоналари, парклар сонини кескин кўпайтириш, соҳада янги хизматлар турларини кенгайтириш, транспорт ва логистикани ривожлантириш;

йўл-транспорт, ташқи муҳандислик-коммуникация тизимларини ривожлантириш, жумладан, ичимлик ва оқова сув тармоқларини қуриш ва реконструкция қилиш;

туманнинг барча ҳудудларида, шу жумладан, тоғли ва олис қишлоқларида ахборот-телекоммуникация тармоқларини қуриш, ахборот, алоқа, интернет хизматлари сифатини ошириш;

ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш орқали аҳоли турмуш тарзини яхшилаш;

б) илғор хорижий тажрибани ўрганиш якунлари бўйича мазкур Фармонда белгилаб берилган вазифаларни тўлиқ амалга ошириш учун 2020 йил 1 декабрга қадар туманда мутлақо янги ўзини ўзи бошқариш тизимини жорий этиш юзасидан Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясига таклифлар киритсин.

10. Қўйидагилар:

туман ҳокимлиги бошқарув ходимларининг умумий чекланган сони 32 нафардан иборат бошқарув аппаратининг янгиланган тузилмаси 1-иловага* мувофиқ;

тумандаги давлат органлари ва ташкилотларининг бўлинмалари бошқарув ходимларининг сони 2-иловага* мувофиқ тасдиқлансин.

Туман ҳокимига туман ҳокимлиги бошқарув ходимларининг умумий чекланган сони доирасида Дирекция директори таклифига асосан бошқарув аппарати тузилмасига ўзгартиришлар киритиш ҳуқуқи берилсин.

11. Белгилансинки, Дирекциянинг бошқарув тузилмаси, унинг ходимлари чекланган сони, уларнинг меҳнатига ҳақ тўлаш миқдорлари ва тартиби эркин туристик зонанинг Маъмурий кенгаши томонидан белгиланади.

12. Туманда амалга ошириладиган ислохотларни мувофиқлаштириш мақсадида Вазирлар Маҳкамасининг Спорт ва туризмни ривожлантириш масалалари котибияти таркибида 3 та штат бирлигидан иборат Тоғли ва олис ҳудудларда туристик инфратузилмани ривожлантириш шуъбаси ташкил қилинсин.

Шуъба штат бирликлари Тошкент вилояти Туризмни ривожлантириш департаментининг 3 та штат бирлигини қисқартириш ҳисобига шакллантирилиши белгилансин.

13. Тошкент вилояти табиатини муҳофаза қилиш, ер ва табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш, ҳудуднинг экологик ҳолатини янада яхшилаш ҳамда экотуризмни ривожлантиришга оид қонун ҳужжатлари ижроси устидан самарали назоратни ташкил этиш ҳамда ер майдонларининг ўзбошимчалик билан эгаллаб олиниши ҳамда ноқонуний объектлар қурилишининг олдини олиш мақсадида:

давлат органларининг штат бирликларини мақбуллаштириш ҳисобига 10 та штат бирлигини ажратиш орқали Бош прокуратура тизимида Табиатни муҳофаза қилишга оид қонунчилик ижроси устидан назорат ҳамда ерлардан ноқонуний фойдаланишни бартараф этиш бўйича ихтисослаштирилган прокуратура ташкил этилсин;

Табиатни муҳофаза қилишга оид қонунчилик ижроси устидан назорат ҳамда ерлардан ноқонуний фойдаланишни бартараф этиш бўйича ихтисослаштирилган прокуратура туман ҳудудида жойлаштирилсин.

14. Белгилансинки, мазкур Фармоннинг 2-иловасига мувофиқ давлат бошқаруви органларининг туман бўлинмаларига қўшимча ажратиладиган бошқарув ходимлари, шунингдек, янги ташкил қилинадиган давлат орган-

* 1-2-иловалар «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

лари ва ташкилотлари бошқаруви ходимлари сони тегишлича Тошкент вилояти бўйича ҳокимият, қурилиш, адлия, ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри, экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш идоралари ҳудудий бўлинмаларининг тегишли штат бирлигини мақбуллаштириш ҳисобидан тўлдирилади.

15. Адлия вазирлиги туман ҳокимлиги билан биргаликда уч ой муддатда консультантларни жалб қилган ҳолда давлат бошқаруви органлари ваколатларининг функционал таҳлили асосида маъмурий-бошқарув жараёнларини қайта кўриб чиқиш ва давлат хизматларини кўрсатиш ишларининг самарадорлигини оширишни назарда тутувчи тумандаги бошқарув тизимини тубдан такомиллаштириш юзасидан Вазирлар Маҳкамасига таклиф киритсин.

16. Туман ҳудудида атроф-муҳитни ифлослантирадиган зарарли саноат корхоналарини барпо этиш қатъиян ман этилсин.

17. Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси:

икки ой муддатда туман ҳудудидаги жисмоний ва юридик шахсларга тегишли кўчмас мулк объектлари ва ер участкаларини тўлиқ хатловдан ўтказсин ҳамда уларнинг электрон маълумотлар базасини янгилаш чораларини кўрсин;

бир ой муддатда Қурилиш вазирлиги ва Адлия вазирлиги билан биргаликда ер майдонларини ўзбошимчалик билан эгаллаб олганлик ҳамда ноқонуний объектлар қурганлик учун жавобгарликни кучайтириш бўйича Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

Қуйидагиларга:

а) Дирекция сўровларига асосан эркин туристик зона ҳудудида инвестиция лойиҳаларининг дастлабки жойлашувини ва режалаштириш ишларини амалга ошириш учун ўз электрон геофондларидан:

Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси — давлат ўрмон кадастри тоифасига кирувчи объектлар бўйича;

«ЎзГАСҲКЛИТИ» ДУК — давлат шаҳарсозлик кадастри тоифасига кирувчи объектларнинг муҳандислик-геологик қидирувлар ишлари ва топографик хариталар бўйича маълумотларни электрон тарзда (бепул) ёки нусха кўчириш орқали (тўлов сифатида фақат нусха кўчириш харажатлари олинадиган) Дирекцияга очиқ маълумотлар шаклида тақдим этишига;

б) Дирекцияга эркин туристик зонанинг инфратузилмасини ривожлантириш учун, шунингдек, туманнинг туристик салоҳияти тўғрисида фото ва видеоматериалларни тайёрлаш мақсадида учувчисиз учиш аппаратларини (дронларни) сотиб олиш ва улардан фойдаланишга рухсат берилсин.

18. Қурилиш вазирлиги ҳамда «ТошкентбошпланЛИТИ» ДУК 2021 йил 1 февралга қадар маҳаллий ва хорижий лойиҳа институтларини, шунингдек, маслаҳатчиларни жалб қилган ҳолда туман ҳудудининг батафсил режалаштириш лойиҳасини ишлаб чиқсин ҳамда белгиланган тартибда тасдиқласин.

Молия вазирлиги ўн кун муддатда эркин туристик зона ҳудудининг

батафсил режалаштириш лойиҳасини ишлаб чиқиш учун Жамғармага 10 миллиард сўмгача бўлган маблағлар ажратилишини таъминласин.

19. Давлат органлари ва ташкилотлари икки ой муддатда бюджетдан ташқари жамғармалари ҳисобидан туман бўлинмалари бино ва иншоотларини реконструкция қилиш, заруратга кўра, янги бино қуриш ҳамда уларнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш чораларини кўрсин.

20. Вазирлар Маҳкамаси (А.Н. Арипов):

а) ўн кун муддатда:

«Тоғли жойларда туристик инфратузилмани ривожлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»;

«Amirsoy» тоғ-чанғи курорти мажмуасини қуришнинг 2-босқичини амалга ошириш тўғрисида»;

«Бўстонлик туманидаги бўш турган, фойдаланилмаётган ҳамда самарасиз фойдаланилаётган объектлар ва ер участкаларидан самарали фойдаланиш, улар негизида туризм ва хизмат кўрсатиш инфратузилмасини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Ҳукумат қарорларини қабул қилсин;

б) икки ой муддатда эркин туристик зонада янги истиқболли инвестиция лойиҳалари амалга оширилишини ҳисобга олган ҳолда унинг чегараларини кенгайтириш юзасидан белгиланган тартибда тегишли қарор қабул қилсин;

в) жорий йил якунига қадар «Оксок ота» ва «Нурек ота» дарёлари атрофлари бўйлаб туристик объектларни барпо этиш мақсадида муҳандислик-коммуникация тармоқлари, шу жумладан, йўл, ичимлик ва оқова сув тизими, электр ва алоқа тармоғи инфратузилмасини ташкил этиш бўйича таклифлар ишлаб чиқсин.

21. Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги, Миллий ахборот агентлиги ва Миллий телерадиокомпания Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси билан биргаликда оммавий ахборот воситаларида мазкур Фармоннинг мазмун-моҳиятини кенг ёритиш чораларини кўрсин.

22. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 5 декабрдаги «Чорвок» эркин туристик зонасини ташкил этиш тўғрисида»ги ПФ-5273-сон Фармонига 3-иловага* мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

23. Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда қонун ҳужжатларига ушбу Фармондан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

24. Бош вазир ўринбосари — Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси раиси А.А. Абдуҳакимов 2020 йил 20 декабрга қадар ушбу Фармон ижроси юзасидан амалга оширилган ишлар бўйича Ўзбекистон Республикаси Президентига ахборот киритсин.

25. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н. Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Пре-

* 3-илова «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

зиденти Администрацияси раҳбари З.Ш. Низомиддинов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2020 йил 27 август,
ПФ-6053-сон

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ҚАРОРИ**

**395 Маҳаллий ишлаб чиқарувчиларни қўллаб-қувватлаш-
га доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида***

Сўнгги йилларда мамлакатда фаол инвестиция ва ташқи савдо фаолиятини амалга оширишда иқтисодий тармоқларини қўллаб-қувватлаш бўйича кенг қўламли ишлар амалга оширилди.

2017 — 2019 йилларда иқтисодийда ўзлаштирилган инвестициялар ҳажми 2,1 баробарга, шу жумладан, марказлаштирилган инвестициялар ҳисобига 2,8 баробарга ортган. Ялпи ички маҳсулот таркибидаги инвестициялар улуши 2016 йилдаги 21 фоиздан 2019 йил якунига кўра 38 фоиздан кўпроққа ўсди. Ушбу даврда ташқи савдо айланмаси ҳажми 1,7 баробарга ошди.

Инвестициялар ва ташқи савдодаги юқори фаоллик саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмларининг 1,24 баробарга, қурилишнинг 1,44 баробарга ўсишига рағбатлантирувчи таъсир кўрсатди, уларнинг ялпи ички маҳсулот таркибидаги улуши эса, 24,1 фоиздан 33,2 фоизгача ўсди.

Шу билан бирга, коронавирус глобал пандемияси кооперация алоқаларининг бузилиши, маҳсулотга талабнинг ва сотув бозорларининг қисқариши оқибатида иқтисодийнинг қатор тармоқ ва соҳаларидаги корхоналарнинг ишлаб чиқариш фаоллигига чекловчи таъсир ўтказишда давом этмоқда.

Маҳаллий ишлаб чиқарувчиларни маҳаллий саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмлари ва номенклатурасини кенгайтириш, тармоқлараро кооперацияни чуқурлаштириш ва қўшилган қиймат занжирини ривожлантиришда қўшимча қўллаб-қувватлаш, шунингдек, рақобат муҳитини ривож-

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2020 йил 22 августда эълон қилинган.

лантириш учун шарт-шароитлар яратиш ва давлат харидлари тизимида маҳаллий ишлаб чиқарувчилар иштирокини кенгайтириш мақсадида:

1. Вазирлар Маҳкамасининг қуйидаги таклифига розилик берилсин:

а) 2020 йил 1 ноябрдан:

устав фондида (капиталида) давлат улуши 50 фоиз ва ундан ортиқ бўлган юридик шахслар, шунингдек, устав фондининг (капиталининг) 50 фоизи ва ундан ортиғи 50 фоиз ва ундан ортиқ миқдорда давлат улушига эга юридик шахсга тегишли бўлган юридик шахслар (кейинги ўринларда — корпоратив буюртмачилар) учун шундай тартиб ўрнатиладики, унга кўра умумий қиймати базавий ҳисоблаш миқдорининг 50 минг бараваридан юқори бўлган импорт товарлари (ишлар, хизматлар) харидларининг мақсадга мувофиқлиги ҳар чоракда рўйхати тасдиқланган ҳолда кузатув кенгашлари (таъсисчиларнинг умумий йиғилиши) томонидан мажбурий тартибда кўриб чиқилади;

хорижда ишлаб чиқарилган алоҳида товарлар, шунингдек, хорижий шахслар томонидан бажариладиган ишларнинг (хизматларнинг) давлат харидларидаги иштирокини вақтинчалик тақиқлаш ва чегаралаш механизми киритилади;

Давлат харидларидаги иштироки вақтинчалик тақиқланган ва чегараланган, хорижда ишлаб чиқарилган товарлар, шунингдек, хорижий шахслар томонидан бажариладиган ишларнинг (хизматларнинг) рўйхатига киритилмаган маҳсулотлар бўйича тендер (танлов) иштирокчилари таклифларини баҳолашда халқаро тажрибага мувофиқ маҳаллий ишлаб чиқарилган товарларга нисбатан импорт товарларининг СІР (Ўзбекистон) нархидан 15 фоиздан кўп бўлмаган миқдорда преференция берилади;

худудий бюджет буюртмачилари томонидан амалга ошириладиган давлат харидлари бўйича харид комиссиялари таркибига Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимларининг ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш ва саноатда кооперация алоқаларини кенгайтириш масалалари бўйича ёрдамчилари мажбурий тартибда киритилади;

б) 2021 йил 1 январдан стратегик аҳамиятга эга хўжалик жамиятлари ва корхоналар учун товарлар (ишлар, хизматлар) харид қилишнинг алоҳида тартиблари бекор қилинади.

Вазирлар Маҳкамаси 2021 йил 1 январга қадар стратегик аҳамиятга эга хўжалик жамиятлари ва корхоналарда давлат харидлари тўғрисидаги қонунчилик талабларига ва корпоратив бошқарувнинг замонавий тамойилларига мувофиқ товарлар (ишлар, хизматлар) харидларини ўтказишнинг ички тартиблари жорий этилишини таъминласин.

2. Белгилансинки:

а) Давлат харидларидаги иштироки вақтинчалик тақиқланган ва чегараланган, хорижда ишлаб чиқарилган товарлар, шунингдек, хорижий шахслар томонидан бажариладиган ишларнинг (хизматларнинг) рўйхати Вазирлар Маҳкамаси томонидан қуйидаги асосда шакллантирилади ва тасдиқланади:

Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги, Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги, Молия вазирлиги ва Савдо-саноат палатасининг Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан келишилган қўшма таклифлари;

Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлигининг электрон кооперация порталида (кейинги ўринларда — cooperation.uz портали) жойлаштириладиган ҳамда тегишли сертификатларга эга бўлган товарлар (ишлар, хизматлар) ва уларнинг ишлаб чиқарувчилари ҳақидаги маълумотлар;

б) ушбу қарор 1-бандининг «а» кичик банди:

халқаро молия институтлари ва хорижий ҳукумат молиявий ташкилотлари маблағлари ҳисобидан молиялаштириладиган;

Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Вазирлар Маҳкамасининг товарлар (ишлар, хизматлар) харид қилишнинг бошқа тартиби ўрнатилган алоҳида қарорлари бўйича тузиладиган;

мудофаа қобилиятини, хавфсизликни таъминлаш ва ички тартибни сақлаш мақсадида амалга ошириладиган, шунингдек, давлат сирлари билан боғлиқ бўлган харид жараёнлари ва шартномаларга нисбатан татбиқ этилмайди.

3. Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги, Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги, Молия вазирлиги ва Савдо-саноат палатаси 2020 йил 1 октябрга қадар республикада ишлаб чиқариладиган маҳсулотларни батафсил ўрганиш асосида Давлат харидларидаги иштироки вақтинчалик тақиқланган ва чегараланган, хорижда ишлаб чиқарилган товарлар, шунингдек, хорижий шахслар томонидан бажариладиган ишларнинг (хизматларнинг) рўйхатини Вазирлар Маҳкамасига тасдиқлаш учун киритсин.

4. 2020 йил 1 октябрдан шундай тартиб киритилсинки, унга мувофиқ:

бюджет ва корпоратив буюртмачилар раҳбарлари харид қилиниши назарда тутилган товарлар (ишлар, хизматлар) рўйхатини шакллантиришда уларни cooperation.uz порталида рўйхатдан ўтган маҳаллий ишлаб чиқарувчилардан харид қилиш имкониятини мажбурий тартибда ўрганади;

корпоратив буюртмачи — корхоналар раҳбарлари маҳаллий ишлаб чиқарувчилардан (техник кўрсаткичлар, ишлаб чиқариш ҳажмлари ва муддатлари бўйича) харид қилиш имкони бўлмаган тақдирда, товарлар (ишлар, хизматлар)нинг корпоратив харидларини импорт орқали амалга оширишнинг мақсадга мувофиқлигини кузатув кенгашларига (таъсисчиларнинг умумий йиғилишларига) асослаб беради;

корхоналарнинг кузатув кенгашларидаги (таъсисчиларнинг умумий йиғилишларидаги) давлат вакиллари бошқарув органлари мажлисларида умумий қиймати базавий ҳисоблаш миқдорининг 50 минг бараваридан юқори бўлган импорт товарлар (ишлар, хизматлар) харидларининг асосланганлигига оид масалаларнинг кўрилишини таъминлайди, бунда ишлаб чиқариш захираларидаги импорт товарларининг омборлардаги қолган қисмини улар-

нинг корхона фаолиятига жалб қилиниши бўйича чора-тадбирларни қўллаган ҳолда таҳлил қилади;

Давлат активларини бошқариш агентлиги ҳар чоракда давлат вакиллари томонидан кузатув кенгашларида (таъсисчиларнинг умумий йиғилишларида) ушбу қарор талабларига риоя этилишини таҳлил қилиб, натижалари бўйича Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритади;

бюджет маблағларини тақсимловчи вазирлик ва идоралар идоравий мансуб ташкилотларда импорт харидларини оптималлаштириш, шунингдек, давлат харидлари доирасида ажратилган маблағларнинг самарали ва мақсадли ишлатилиши устидан тизимли назоратни йўлга қўйиш чоралари кўрилишини таъминлайди;

Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги ҳар ойда импорт бўйича олиб келинаётган товарлар (ишлар, хизматлар) ҳажми ва номенклатурасини таҳлил қилади, шунингдек, тармоқлар, корхоналар ва ҳудудлар раҳбарлари томонидан импортни оптималлаштириш бўйича кўрилаётган чора-тадбирларнинг натижадорлигини баҳолаб, уларни Вазирлар Маҳкамасига киритади;

Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги ҳар чоракда саноат тармоқлари ва ҳудудлар кесимида ички бозорда талаб юқори бўлган маҳсулотлар бўйича қўшилган қиймат занжирини ривожлантиришга оид таклифларни ишлаб чиқади ва Вазирлар Маҳкамасига киритади;

Марказий банк корпоратив буюртмачиларнинг офшор юрисдикция ҳудудларида рўйхатдан ўтган компаниялар ҳисобига амалга оширган валюта операциялари тўғрисидаги маълумотлар тижорат банклари томонидан ҳар ойда Ҳисоб палатаси ва Вазирлар Маҳкамасига тақдим этилишини таъминлайди;

Молия вазирлиги бюджет ташкилотларининг келгуси давр учун харажатлар сметасини келишишда харажатлар шаклланишини, шу жумладан, cooperation.uz портали маълумотларидан келиб чиққан ҳолда товарлар қийматини аниқлаш орқали назорат қилади;

Ҳисоб палатаси ҳар чоракда импорт харидларини амалга оширишда давлат бюджети, бюджетдан ташқари жамғармалар ҳамда корпоратив буюртмачиларнинг жалб қилинган ва ўз маблағлари мақсадли ва самарали сарфланишини таҳлил қилади;

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимларининг ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш ва саноатда кооперация алоқаларини кенгайтириш масалалари бўйича ёрдамчилари республикага импорт қилинаётган товарлар ҳажми ва номенклатураси ҳақидаги статистик маълумотлар асосида ҳудудларда талаб юқори бўлган маҳсулотларни ишлаб чиқаришни ривожлантириш бўйича чора-тадбирларни амалга оширади, шунингдек, тегишли ҳудудларда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар тўғрисидаги маълумотларни cooperation.uz порталида тўлиқ жойлаштирилишини таъминлайди;

Вазирлар Маҳкамаси ҳар ой ўз комплекслари кесимида харидларни оптималлаштириш, қўшилган қиймат занжирини ривожлантириш ва маҳаллий ишлаб чиқарувчилар ўртасида кооперацияни кенгайтириш бўйича дав-

лат ва хўжалик бошқаруви органлари — давлат буюртмачилари раҳбарлари ва корхоналарнинг бошқарув органларидаги давлат вакиллари томонидан амалга оширилаётган чора-тадбирлар натижадорлигини кўриб чиқади.

5. Вазирлар Маҳкамаси бир ой муддатда:

Олий Мажлисга «давлат харидларининг стратегик субъекти» тушунчасини бекор қилиш, хорижда ишлаб чиқариладиган товарлар (ишлар, хизматлар)нинг давлат харидларидаги иштирокини тақиқлаш ва чегаралаш, давлат харидлари усулларини кенгайтириш ва уларнинг шаффофлигини, шу жумладан, тендер (танлов) харидлари натижаларини очиқ манбаларда эълон қилиш йўли билан ошириш, шунингдек, давлат харидларида қонунчилик талабларининг бузилишига йўл қўйган давлат буюртмачилари ва кузатув кенгашларининг жавобгарлигини ошириш бўйича меъёрларни назарда тутувчи «Давлат харидлари тўғрисида»ги Қонун лойиҳасини (янги таҳрирда) киритсин;

Давлат харидларидаги иштироки вақтинчалик тақиқланган ва чегараланган, хорижда ишлаб чиқарилган товарлар, шунингдек, хорижий шахслар томонидан бажариладиган ишларнинг (хизматларнинг) рўйхатини шакллантириш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқласин;

Давлат харидларида маҳаллий ишлаб чиқарилган товарларга (ишларга, хизматларга) преференциялар бериш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқласин.

6. Халқаро аудиторлик компанияларини жалб қилган ҳолда Давлат харидлари субъектларининг харид тизимини аудитдан ўтказиш жадвали иловага* мувофиқ тасдиқлансин.

Ҳисоб палатаси Молия вазирлиги билан биргаликда тасдиқланган жадвалга мувофиқ импорт харидлари аудитини ўтказишда халқаро аудиторлик компаниялари билан ҳамкорликни таъминласин ва аудит натижалари бўйича Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

7. Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги, Молия вазирлиги, Давлат статистика қўмитаси, Давлат божхона қўмитаси билан биргаликда 2020 йил 1 ноябрга қадар:

cooperation.uz порталида республикада ишлаб чиқарилаётган барча товарлар (ишлар, хизматлар)нинг техник кўрсаткичлари 10 та рақамли ТИФ ТН коди ва ишлаб чиқарувчиларга боғланиш маълумотлари билан биргаликда жойлаштирилишини ҳамда мунтазам равишда янгилаб борилишини;

cooperation.uz порталининг Ташқи савдо операциялари ягона электрон ахборот тизими (ТСОЯЭАТ) ва Давлат харидларининг махсус электрон портали (harid.uz) билан интеграциясини таъминласин.

8. Давлат божхона қўмитаси:

давлат харидлари доирасида етказиб берилаётган импорт товарлари нархлари мониторингини «таҳлика-таҳлил» усуллари, шунингдек, «кўзгули статистика» маълумотларидан фойдаланган ҳолда кучайтирсин ҳамда сези-

* Илова «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

ларли фарқ ҳолатлари тўғрисидаги маълумотларни ҳар ой Вазирлар Маҳкамаси, Ҳисоб палатаси ва Молия вазирлигига тақдим этсин;

божхона омборларида сақланаётган, муддати уч ойдан ошган товарларнинг номенклатураси ва ҳажми тўғрисидаги маълумотларни давлат буюртмачилари кесимида ҳар ойда Вазирлар Маҳкамаси ва Давлат активларини бошқариш агентлигига тақдим этсин ҳамда ўзининг расмий сайтида эълон қилсин;

товарлар нархини пасайтириб олиб кирилишига йўл қўймаслик бўйича юкланган функция ва вазифаларнинг самарали ижросини таъминласин.

9. «Ўзстандарт» агентлиги:

икки ой муддатда сифатсиз, сертификатланмаган ва қалбаки, шу жумладан, Европа Иттифоқи (ЕИ) ва Евроосиё Иқтисодий Иттифоқида (ЕОИИ) хавфли маҳсулотлар ҳақида тезкор хабар бериш ахборот тизимларига киритилган, ЕИ ва ЕОИИ мамлакатларига олиб кириш тақиқланган маҳсулотлар ишлаб чиқарилаётганлиги ва олиб кирилаётганлиги тўғрисидаги ахборот тизимини жорий этсин;

Давлат божхона қўмитаси билан биргаликда 2021 йил 1 январдан хорижий мамлакатларда хавфли маҳсулотлар ҳақида тезкор хабар бериш ахборот тизимига киритилган маҳсулотларни «эркин муомалага чиқариш учун» божхона режимида расмийлаштиришга тақиқ киритсин;

2021 йил 1 январга қадар халқаро, минтақалараро ва хорижий стандартларни уларнинг асл тилидаги маҳсулотга талабларни ўзгартирмасдан худди шундай кўринишда қабул қилиш орқали, 1995 йилгача тасдиқланган 5 236 та стандартлар «тартибга солувчи гильотина» усулида бекор қилишини таъминласин;

ишлаб чиқарган мамлакатнинг техник регламент талаблари, стандартлари ва меъёрларига мувофиқ бўлмаган маҳсулотлар тўғрисида сертификация органларига маълумот юборсин ҳамда уларнинг ички бозорга муомалага чиқарилмаслиги устидан давлат назоратини ўрнатсин;

икки ой муддатда «тахлика-тахлил» усулларида фойдаланган ҳолда импорт қилувчилар ва ишлаб чиқарувчилар томонидан амалдаги стандартлар, техник регламентлар ва ишлаб чиқарилаётган маҳсулот сифатига қўйиладиган талабларга риоя этилиши устидан назоратни кучайтириш, шунингдек, тегишли талабларга жавоб бермайдиган маҳсулотларни ишлаб чиқариш, импорт ва реализация қилганлик учун уларнинг жавобгарлигини ошириш юзасидан Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

10. Экспорт ва инвестицияларни ривожлантириш масалалари бўйича ҳукумат комиссияси:

устав фондида давлат улуши 50 фоиз ва ундан ортиқ бўлган акционерлик жамиятлари ва корхоналарнинг кузатув кенгашлари билан биргаликда бир ой муддатда инвестициявий лойиҳаларни тасдиқланган молиялаштириш манбалари мавжуд бўлмаган тақдирда тўхтатиш ёки бекор қилиш ва ижтимоий-иқтисодий мақсадга мувофиқлиги юзасидан хатловдан ўтказсин;

икки ой муддатда корпоратив буюртмачилар томонидан тузилган амалдаги узоқ муддатли импорт шартномаларини коронавирус пандемияси ёки

шартнома шартларининг ўзгариши шароитида нархларни пасайтириш имкониятлари юзасидан ўргансин;

бир ой муддатда вазирликлар, идоралар, ҳудудлар ва корхоналар раҳбарлари томонидан инвестиция лойиҳаларини самарали амалга ошириш ва импортни оптималлаштириш масалалари юзасидан кўриляётган чора-тадбирлар натижадорлигини баҳоловчи аниқ индикаторларни (KPI) тасдиқлаган ҳолда, ҳар чоракда Вазирлар Маҳкамасига ҳар бир раҳбар эришган индикаторлар бўйича маълумотларни киритиб борсин.

11. Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги Молия вазирлиги, Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги билан бирга:

2021 йил учун Инвестиция дастурининг манзилли қисмини ишлаб чиқишда марказлашган манбалар ҳисобидан молиялаштириладиган янгидан бошланадиган инвестициявий лойиҳаларни уларни амалга оширишнинг ижтимоий-иқтисодий мақсадга мувофиқлиги жиҳатидан пухта экспертизадан ўтказсин;

2021 йил 1 январгача давлат инвестицияларини бошқаришни баҳолашнинг умум қабул қилинган тамойиллари (РІМА) асосида марказлашган манбалар ҳисобидан молиялаштириладиган инвестициявий лойиҳаларни тўлиқ ва узлуксиз мониторинг қилиш тизимини, шу жумладан, инвестициядан кейинги даврда (объект ишга туширилгандан кейин 3 — 5 йил давомида) эришилган мақсадли кўрсаткичларни таҳлил қилиш ва лойиҳаларнинг мамлакат, тармоқ, ҳудудни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришга таъсирини баҳолашни ҳар йили ўтказиш асосида мониторинг қилишни назарда тутувчи тизимни ишлаб чиқсин ва жорий этсин.

12. Тариф ва нотариф тартибга солиш кенгаши икки ой муддатда халқаро тажрибани ва Жаҳон савдо ташкилоти келишувларининг қоидаларини ўрганиш асосида Вазирлар Маҳкамасига:

ташқи савдони тартибга солишнинг янги тартибини, шу жумладан, тариф, нотариф ва тарифли квоталаш чоралари орқали импортни оптималлаштириш бўйича тезкор қарорларни қабул қилиш бўйича янада мослашувчан механизмларни жорий этишни назарда тутувчи комплекс таклифларни;

Импорт қилинадиган товарларга нисбатан вақтинчалик тариф квоталарини қўллаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш бўйича ҳукумат қарори лойиҳасини киритсин.

13. Қуйидагиларга:

бюджет ва корпоратив буюртмачилар раҳбарлари зиммасига — давлат харидларини амалга оширишда маблағларнинг самарали ва мақсадли ишлатилишини таъминлаш, шунингдек, очиқлик ва шаффофлик тамойилларига риоя этиш юзасидан;

Давлат божхона қўмитаси раиси М.Б. Азимов зиммасига — Давлат харидларидаги иштироки вақтинчалик тақиқланган, хорижда ишлаб чиқарилган товарлар, шунингдек, хорижий шахслар томонидан бажариладиган ишларнинг (хизматларнинг) рўйхатига киритилган товарларнинг давлат харидлари доирасида импорт қилинишига йўл қўймаслик юзасидан;

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари зиммасига — маҳаллийлаштириладиган маҳсулотларни ишлаб чиқариш бўйича тасдиқланган кўрсаткичларнинг тўлақонли бажарилиши, инвестициявий лойиҳаларнинг амалга оширилиши, шунингдек, кичик ҳудудий ва йирик тармоқ корхоналари ўртасидаги кооперация алоқаларини кенгайтириш юзасидан;

Бош вазир ўринбосари Ж.А. Қўчқоров зиммасига — давлат харидлари доирасида импортни оптималлаштириш, мамлакат тармоқ ва ҳудудларида қўшилган қиймат занжирини ривожлантириш чора-тадбирларининг самарадорлиги юзасидан;

Бош вазир ўринбосари С.У. Умурзоқов зиммасига — ички ва ташқи бозорларда талаб юқори бўлган юқори қўшилган қийматли маҳсулотлар ишлаб чиқаришни ташкил этишга жалб қилинадиган инвестицияларнинг самарадорлиги юзасидан;

Бош вазир ўринбосарлари ва маслаҳатчилари Ў.И. Барноев, Б.А. Музаев, А.А. Абдуҳақимов, О.М. Умаров зиммасига — мутасаддилик қилинадиган вазирликлар, идоралар, хўжалик жамиятлари ва корхоналар раҳбарлари томонидан давлат харидлари тўғрисидаги қонунчилик талабларининг сифатли ижро этилишини ташкил этиш, шунингдек, тегишли тармоқларда бюджет маблағларининг самарали ишлатилиши юзасидан;

Бош вазирнинг биринчи ўринбосари А.Ж. Раматов зиммасига — марказлашган маблағлар ҳисобидан молиялаштириладиган инфратузилмавий лойиҳаларни амалга ошириш доирасида импортни оптималлаштириш юзасидан;

Бош вазир А.Н. Арипов зиммасига — Бош вазир ўринбосарлари, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари, вазирликлар, тармоқ идоралари ва хўжалик бирлашмалари раҳбарлари, шунингдек, кузатув кенгашларидаги (таъсисчиларнинг умумий йиғилишларидаги) давлат вакиллари томонидан ушбу қарор билан зиммасига юклатилган вазифалар бажарилишининг якуний натижалари учун, зарур ҳолларда интизомий жавобгарлик чораларини қўллаш, шу жумладан, эгаллаб турган лавозимидан озод этиш бўйича таклифлар киритиш юзасидан шахсий жавобгарлик юклансин.

14. Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги бир ой муддатда қонун ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида таклифларни Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

15. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н. Арипов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2020 йил 21 август,
ПҚ-4812-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ҚАРОРИ**396 Аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлашга қаратилган
қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида***

Коронавирус пандемиясининг аҳоли турмуш даражасига салбий таъсирини юмшатиш, аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш ва қўмакка муҳтож оилаларни моддий қўллаб-қувватлашга қаратилган тизимли ишлар амалга оширилмоқда.

Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 30 июлдаги «Коронавирус пандемияси даврида ижтимоий ҳимояга ва ёрдамга муҳтож аҳоли қатламларини моддий қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПФ–6038-сон Фармонига мувофиқ кам таъминланган ва ҳимояга муҳтож одамларга кенг қўламли ижтимоий ёрдам кўрсатилди.

Халқимизнинг тарихий ва маънавий кадриятларини намоён этган «Саховат ва қўмак» умумхалқ ҳаракатини давом эттириш ҳамда моддий ёрдам ва қўмакка муҳтож оилаларнинг болаларини қишки кийим-бош тўпламлари, мактаб формаси ва ўқув қуроллари билан таъминлаш мақсадида:

1. 2020 йилнинг сентябрь ойида аҳолининг қуйидаги қатламларига бир марталик моддий ёрдам кўрсатилсин:

моддий ёрдам ва қўмакка муҳтож оилаларнинг рўйхатларига («темир дафтар») киритилган оилаларнинг 16 ёшга тўлмаган болаларига;

боқувчисини йўқотганлик пенсияси ёки нафақасини олувчи оилаларнинг 16 ёшга тўлмаган болаларига;

ногиронлиги бўлган 16 ёшга тўлмаган болаларга.

2. Мазкур қарорнинг 1-бандида назарда тутилган бир марталик моддий ёрдам миқдори ҳар бир 16 ёшга тўлмаган бола учун 500 минг сўм этиб белгилансин.

3. Мактабгача таълим вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва Молия вазирлигининг республикадаги барча мактабгача таълим, умумий ўрта таълим ва соғлиқни сақлаш муассасаларининг ходимларини марказлашган тартибда 2020 йил 1 октябрга қадар бепул грипга қарши эмлаш ҳақидаги таклифи маъқуллансин.

Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳар бир таълим ва соғлиқни сақлаш муассасасига борган ҳолда ходимларни эмлаш ўтказишни ва тегишли соғлиқни сақлаш муассасаларини вакцина ва тиббиёт буюмлари билан таъминлаш чораларини кўрсин.

4. Вазирлар Маҳкамаси мазкур қарорда белгиланган бир марталик моддий ёрдам ва ходимларни эмлаш учун зарур маблағларни Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 30 июлдаги «Коронавирус пандемияси даврида ижтимоий ҳимояга ва ёрдамга муҳтож аҳоли қатламларини моддий қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПФ–6038-сон

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2020 йил 27 августда эълон қилинган.

Фармонида назарда тутилган ҳамда бошқа қўшимча манбалар ҳисобидан ажратсин.

5. Мазкур қарорда назарда тутилган маблағларнинг ёрдам ва кўмакка мухтож оилаларга мақсадли ва манзилли етказилиши юзасидан:

Молия вазирлиги ҳузуридаги Пенсия жамғармаси — боқувчисини йўқотган оилаларнинг вояга етмаган фарзандлари ҳамда ногиронлиги бўлган 16 ёшга тўлмаган болаларга моддий ёрдам пулларининг пенсияларни (нафақаларни) тўлаш учун белгиланган муддатда манзилли етказилишини ташкил этиш бўйича;

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раиси, вилоятлар, Тошкент шаҳар, туман (шаҳар) ҳокимлари, сектор раҳбарлари ҳамда Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлигининг ҳудудий бўлинмалари раҳбарлари — моддий ёрдам ва кўмакка мухтож оилаларнинг рўйхатларига («темир дафтар») киритилган оилаларнинг 16 ёшга тўлмаган фарзандлари сонидан келиб чиқиб, тўлов ведомостлари шакллантирилиши ҳамда туман (шаҳар) маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бўлимлари орқали уларга моддий ёрдам пулларининг ўз вақтида ва манзилли етказилишини ташкил этиш ва назорат қилиш бўйича;

Молия вазирлиги — зарур маблағлар Ўзбекистон Республикаси республика бюджетидан маҳаллий бюджетларига ўз вақтида ажратилиши бўйича;

Марказий банк тижорат банклари билан биргаликда — моддий ёрдам маблағларини тарқатиш учун нақд пул билан таъминлаш бўйича масъул этиб белгилансин.

6. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосарлари Ж.А. Қўчқоров, Б.А. Мусаев, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2020 йил 26 август,
ПҚ-4815-сон

БЕШИНЧИ БЎЛИМ**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРИНИНГ
БҲЙРҲИ****397 Нотариуслар фаолияти тўғрисидаги статистик маълумотлар шакллари тасдиқлаш ҳақида***

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2020 йил
30 июнда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3276*

Ўзбекистон Республикасининг «Нотариат тўғрисида»ги Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 13 апрелдаги ПҚ-3666-сон «Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги фаолиятини янада такомиллаштиришга доир ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорига мувофиқ **буюрман:**

1. Нотариуслар фаолияти тўғрисидаги статистик маълумотлар шакллари иловага** мувофиқ тасдиқлансин.

2. Белгилансинки:

нотариуслар фаолияти тўғрисидаги статистик маълумотлар шакллари «Адлия органлари ва муассасаларида ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш маркази» давлат муассасаси томонидан «Нотариус» автоматлаштирилган ахборот тизимидаги маълумотлардан фойдаланган ҳолда тўлдирилади ва ҳар ойда ҳисобот ойдан кейинги ойднинг 5 санасига қадар Ўзбекистон Республикаси Нотариал палатасига электрон шаклда тақдим этилади;

«Адлия органлари ва муассасаларида ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш маркази» давлат муассасаси статистик маълумотларнинг «Нотариус» автоматлаштирилган ахборот тизимидаги маълумотлар билан мувофиқлиги, шунингдек, уларнинг Ўзбекистон Республикаси Нотариал палатасига тақдим этилиши учун масъулдир.

3. Мазкур буйруқ давлат рўйхатидан ўтказилсин ва бу ҳақда Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни давлат рўйхатидан ўтказиш бошқармаси Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг давлат реестрига тегишли ёзув киритсин.

4. Қонун ҳужжатларини таҳлил қилиш ва туркумлаш бошқармаси ушбу идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатни «Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами» — «Собрание законодательства Республики Узбеки-

* Ушбу буйруқ «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2020 йил 30 июнда эълон қилинган.

** Илова «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

кистан»да ҳамда Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базасида эълон қилинишини таъминласин.

5. Мазкур буйруқ Ўзбекистон Республикаси Нотариал палатаси билан келишилган.

6. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Вазир

Р. ДАВЛЕТОВ

Тошкент ш.,
2020 йил 30 июнь,
182-мҳ-сон

Келишилган:

Нотариал палатаси раиси

Д. АШУРОВ

2020 йил 30 июнь

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
МАРКАЗИЙ БАНКИ БОШҚАРУВИНИНГ
ҚАРОРИ

398 Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан қабул қилинган айрим норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2020 йил
29 июлда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3280*

Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида»ги ва «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида»ги қонунларига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқаруви **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан қабул қилинган айрим норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар иловага мувофиқ ўз кучини йўқотган деб топилсин.

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2020 йил 29 июлда эълон қилинган.

2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Марказий банк раиси

М. НУРМУРАТОВ

Тошкент ш.,
2020 йил 25 май,
12/7-сон

Ўзбекистон Республикаси
Марказий банки бошқарувининг 2020 йил
25 майдаги 12/7-сон қарорига
ИЛОВА

**Ўз кучини йўқотган деб топилаётган
норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар
РЎЙХАТИ**

1. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқаруви томонидан 2000 йил 22 февралда 432-сон билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси банкларида кредит ҳужжатларини юритиш тартиби тўғрисидаги низом (рўйхат рақами 906, 2000 йил 2 март) (Ўзбекистон Республикаси вазирликлари, давлат қўмиталари ва идораларининг меъёрий ҳужжатлари ахборотномаси, 2000 йил, 5-сон).

2. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқарувининг 2001 йил 20 январдаги 1/6-сон «Ўзбекистон Республикаси банкларида кредит ҳужжатларини юритиш тартиби тўғрисида низомга ўзгартиришлар киритиш тўғрисида»ги қарори (рўйхат рақами 906-1, 2001 йил 27 февраль) (Ўзбекистон Республикаси вазирликлари, давлат қўмиталари ва идораларининг меъёрий ҳужжатлари ахборотномаси, 2001 йил., 3-4-сон).

3. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқарувининг 2015 йил 22 июлда 19/11-сон «Ўзбекистон Республикаси банкларида депозит операцияларини амалга ошириш тартиби тўғрисидаги йўриқномани тасдиқлаш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 2711, 2015 йил 26 август) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2015 й., 34-сон, 460-модда).

4. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқарувининг 2017 йил 16 декабрдаги 34/9-сон «Ўзбекистон Республикаси банкларида депозит операцияларини амалга ошириш тартиби тўғрисидаги йўриқномага ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 2711-1, 2018 йил 26 январь) (Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 27.01.2018 й., 10/18/2711-1/0630-сон).

5. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқарувининг 2018 йил 17 мартдаги 9/10-сон «Ўзбекистон Республикаси банкларида депозит операцияларини амалга ошириш тартиби тўғрисидаги йўриқномага ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 2711-2, 2018 йил 27 март)

(Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 28.03.2018 й., 10/18/2711-2/0948-сон).

6. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқарувининг 2018 йил 10 ноябрдаги 35/11-сон «Ўзбекистон Республикаси банкларида депозит операцияларини амалга ошириш тартиби тўғрисидаги йўриқномага ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 2711-3, 2018 йил 5 декабрь) (Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 06.12.2018 й., 10/18/2711-3/2276-сон).

7. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқарувининг 2019 йил 23 февралдаги 4/11-сон «Ўзбекистон Республикаси банкларида депозит операцияларини амалга ошириш тартиби тўғрисидаги йўриқномага ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 2711-4, 2019 йил 19 март) (Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 19.03.2019 й., 10/19/2711-4/2788-сон).

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРИНИНГ БУЙРУҒИ

399 Медиаторларни тайёрлаш дастурига ўзгартиришлар киритиш ҳақида*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2020 йил
20 августда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3134-1*

Ўзбекистон Республикасининг «Медиация тўғрисида»ги Қонуни ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 17 июндаги ПҚ-4754-сон «Низоларни муқобил ҳал этишнинг механизмларини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига мувофиқ **буюраман:**

1. Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2019 йил 31 январдаги 54-мх-сон буйруғи (рўйхат рақами 3134, 2019 йил 31 январь) (Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 01.02.2019 й., 10/19/3134/2554-сон) билан тасдиқланган Медиаторларни тайёрлаш дастурига иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

2. Мазкур буйруқ давлат рўйхатидан ўтказилсин ва бу ҳақда Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни давлат рўйхатидан ўтказиш бошқармаси Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг давлат реестрига тегишли ёзув киритсин.

3. Қонун ҳужжатларини таҳлил қилиш ва туркумлаш бошқармаси ушбу

* Ушбу буйруқ «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2020 йил 20 августда эълон қилинган.

идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатни «Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами» — «Собрание законодательства Республики Узбекистан»да ҳамда Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базасида эълон қилинишини таъминласин.

4. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Вазир

Р. ДАВЛЕТОВ

Тошкент ш.,
2020 йил 20 август,
183-мх-сон

Ўзбекистон Республикаси
адлия вазирининг 2020 йил 20 августдаги
183-мх-сон буйруғига
ИЛОВА

Медиаторларни тайёрлаш дастурига киритилаётган ўзгартиришлар

1. 1 — 3-бандлар қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«1. Медиаторларни тайёрлаш дастури бўйича махсус ўқув курслари профессионал медиаторларнинг ўзаро бирлашувига асосланган Медиация маркази, профессионал медиаторлар, ҳакамлик судлари ва халқаро арбитражларнинг ўзаро бирлашувига асосланган Низоларни муқобил усулда ҳал этиш маркази, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги қошидаги Юристлар малакасини ошириш маркази ҳамда Тошкент давлат юридик университети ҳузуридаги Юридик кадрларни халқаро стандартлар бўйича профессионал ўқитиш маркази (кейинги ўринларда Марказлар деб юритилади) томонидан ташкил этилади.

2. Махсус ўқув курсларида таълим олиш кундузги шаклда шартнома асосида 72 соатдан кўп бўлмаган ўқув курслари бўйича амалга оширилади.

3. Махсус ўқув курсларида ўқиш учун фуқаролар Марказларга ариза билан бевосита ўзлари келган ҳолда ёки электрон шаклда мурожаат қилдилар.».

2. 4-банддаги «шаклга» деган сўз «намунa ва тавсифга» деган сўзлар билан алмаштирилсин

3. 5-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«5. Махсус ўқув курсларидаги ўқув жараёни, қоида тариқасида, кўпи билан 15 нафаргача тингловчилардан шакллантирилган академик гуруҳларда ташкил этилади.».

4. 6 ва 8-бандлар ўз кучини йўқотган деб топилсин.

5. 7-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«7. Медиаторларни тайёрлаш дастури қуйидаги мавзуларни қамраб олиши керак:

медиациянинг моҳияти ва принциплари ҳамда ҳуқуқий асослари;

медиаторнинг касбий кўникмалари, этикаси ва жавобгарлиги;

музокаралар медиациянинг асоси сифатида;

медиация босқичлари ва унда медиаторнинг роли ва функциялари;

медиацияда тарафлар вакилларининг иштироки ва уларнинг мақоми;

медиация жараёни;

медиация жараёнининг натижаси ва у билан боғлиқ ҳужжатларни расмийлаштириш;

оилавий, меҳнат, иқтисодий ва бошқа муносабатлардан келиб чиқадиган низоларни медиация орқали ҳал этишнинг ўзига хос хусусиятлари.».

6. 9-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«9. Ўқиш жараёнида ўқув машғулоти маъруза, амалий машғулоти ва тренинг шаклида ташкил этилади.

Ўқув машғулоти тингловчиларда медиация жараёнини юқори савияда ташкил этиш кўникмасини шакллантиришга йўналтирилади.

Ўқиш жараёнида клиник таълим, низоли жараёнларнинг имитацияси ҳамда сайёр машғулоти қўлланилиши мумкин.».

7. 13-бандда:

бешинчи хатбошидаги «модуларни» деган сўз «мавзуларни» деган сўз билан алмаштирилсин;

олтинчи хатбошидаги «Марказ» деган сўз «Марказлар» деган сўз билан алмаштирилсин;

еттинчи хатбошидаги «модуларни» ва «Марказнинг» деган сўзлар тегишли равишда «мавзуларни» ва «Марказларнинг» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

8. 15-банднинг биринчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«15. Махсус ўқув курслари тингловчиларини баҳолашни ташкил этиш ва ўтказиш учун Марказларда уч нафардан иборат таркибдаги комиссия шакллантирилади.».

9. Илова мазкур ўзгартиришларнинг иловасига мувофиқ таҳрирда баён этилсин.

Медиаторларни тайёрлаш дастурига
киритилаётган ўзгартиришларга
ИЛОВА

«Медиаторларни тайёрлаш дастурига
ИЛОВА

**Медиаторларни тайёрлаш бўйича махсус ўқув курсини
тугатганлиги тўғрисидаги намунавий
СЕРТИФИКАТ**

**О‘ЗBEKISTON RESPUBLIKASI DAVLAT GERBI YOKI
TASHKILOT RAMZINING TASVIRI**
(tashkilot nomlanishi)

**Mediatorlarni tayyorlash maxsus o‘quv kursini
tugatganligi to‘grisidagi
SERTIFIKAT**
MT № 000000

(tinglovchining familiyasi, ismi, otasining ismi)

(tashkilotning nomi)

soatga mo‘ljallangan

(o‘quv kursining nomi)

muvaffaqiyatli tamomladi.

Muhr o‘rni

Rahbar: _____
(F.I.O., imzo)

Sana _____

Qayd raqami № _____

**Медиаторларни тайёрлаш бўйича махсус ўқув курсини
тугатганлиги тўғрисидаги намунавий сертификатнинг
ТАВСИФИ**

Сертификат A4 форматли оқ қоғозда офсет усулида босиб чиқарилади.

Сертификатда лотин ёзуви билан давлат тилида «Mediatorlarni tayyorlash maxsus o'quv kursini tugatganligi to'g'risidagi SERTIFIKAT» сўзлари босилади. Сертификат икки лотин ҳарфи — МТ ва олти рақамли сондан иборат тартиб рақами билан таъминланган. Барча матн нақшли растрдан иборат оч кул ранг фонда босиб чиқарилади.

Сертификат:

босиб чиқаришнинг икки усули — офсет ва юкори усули;

ёруғлик воситасида нусха кўчиришни қийинлаштириш учун очик ранглар;

нақшли растр;

хар хил рангли растрлардан фойдаланиш йўли билан турли ранглари ташкил этиш;

махсус қоғозлар;

ўзгарадиган рақамлардан иборат тартиб рақами қўлланган ҳолда олти-та ҳимояга эга.».

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРИНИНГ
БУЙРУҒИ

**400 «Давлат нотариал идораларида нотариал иш юритиш
қоидаларини тасдиқлаш ҳақида»ги буйруққа ўзгар-
тиришлар киритиш тўғрисида***

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2020 йил
20 августда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2170-4*

«Нотариат тизими тубдан ислоҳ қилиниши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги 2020 йил 14 январдаги ЎРҚ-602-сон Ўзбекистон Республикаси Қонунининг ижросини таъминлаш мақсадида **буюраман:**

1. Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2010 йил 22 декабрдаги 308-мҳ-сон буйруғи (рўйхат рақами 2170, 2010 йил 22 декабрь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2010 й., 51-сон, 503-мод-

* Ушбу буйруқ «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2020 йил 20 августда эълон қилинган.

да) билан тасдиқланган Давлат нотариал идораларида нотариал иш юритиш қоидаларига иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

2. Мазкур буйруқ давлат рўйхатидан ўтказилсин ва бу ҳақда Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни давлат рўйхатидан ўтказиш бошқармаси Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг давлат реестрига тегишли ёзув киритсин.

3. Қонун ҳужжатларини таҳлил қилиш ва туркумлаш бошқармаси ушбу идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатни «Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами» — «Собрание законодательства Республики Узбекистан»да ҳамда Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базасида эълон қилинишини таъминласин.

4. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Вазир

Р. ДАВЛЕТОВ

Тошкент ш.,
2020 йил 20 август,
194-мх-сон

Ўзбекистон Республикаси
адлия вазирининг 2020 йил 20 августдаги
194-мх-сон буйруғига
ИЛОВА

**«Давлат нотариал идораларида нотариал иш юритиш
қоидаларини тасдиқлаш ҳақида»ги буйруққа
киритилаётган ўзгартиришлар**

1. Буйруқда:

а) номидаги ва 1-банддаги «Давлат нотариал идораларида» деган сўзлар «Нотариал идораларда» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

б) муқаддима қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Ўзбекистон Республикасининг «Нотариат тўғрисида»ги Қонуни ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 13 апрелдаги ПҚ–3666-сон «Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги фаолиятини янада такомиллаштиришга доир ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорига мувофиқ **бўюраман:**».

2. Қоидаларда:

а) номидаги «Давлат нотариал идораларида» деган сўзлар «Нотариал идораларда» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

б) муқаддима қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Мазкур Қоидалар Ўзбекистон Республикасининг «Нотариат тўғрисида»ги, «Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида»ги ва «Архив иши тўғрисида»ги қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар

Маҳкамасининг 1999 йил 29 мартдаги 140-сон «Ўзбекистон Республикаси давлат ҳокимияти ва бошқарув органларида иш юритиш ва ижро назоратини ташкил этиш бўйича норматив ҳужжатларни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга мувофиқ нотариал идораларда нотариал иш юритиш, нотариал ҳужжатларни сақлаш муддатлари ва тартибини белгилайди.»;

в) 1-банддаги «қонунларда» деган сўз «қонунда» деган сўз билан алмаштирилсин;

г) 2-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«2. Нотариал идораларда нотариал иш юритишни ташкил этиш мазкур Қоидаларга мувофиқ амалга оширилади.»;

д) 3-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«3. Нотариал иш юритишни тўғри ташкил қилиш учун нотариал идорада раҳбарлик қилувчи нотариус жавобгардир.

Нотариал иш юритиш ва (ёки) архив ишларини олиб бориш давлат нотариал идораларида Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар адлия бошқармалари (бундан кейинги ўринларда адлия бошқармалари деб юритилади) раҳбарининг буйруғи билан нотариал идора ходимларидан бирига, хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариусларда эса нотариуснинг буйруғи билан нотариуснинг ўзига ёки ходимларидан бирига юкланади.

Нотариал иш юритиш ва (ёки) архив ишларини олиб бориш юклатилган шахс (бундан кейинги ўринларда масъул шахс деб юритилади) ишдан бўшаганда ёки бошқа ишга ўтказилганда ҳужжатлар янги тайинланган ходимга далолатнома асосида топширилади.»;

е) 5-банддан «(Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиснинг Ахборот-номаси, 1995 й., 12-сон, 257-модда)» деган сўзлар чиқариб ташлансин.

ж) 25-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«25. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, адлия бошқармалари, Нотариал палата ва унинг ҳудудий бошқармалари ҳамда бошқа юқори турувчи ташкилотлардан келиб тушган топшириқлар назоратга олинади.

Нотариал идорада раҳбарлик қилувчи нотариус томонидан бошқа ҳужжатларнинг ижроси ҳам назоратга олиниши мумкин.»;

з) 28-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«28. Ҳужжатлар йиғмажилдлари номенклатураси нотариал идоранинг номи кўрсатилган ҳолда адлия бошқармалари ҳузуридаги идоравий нотариал архивлар (бундан кейинги ўринларда нотариал архив деб юритилади) билан келишилади.

Нотариал идораларнинг ҳужжатлар йиғмажилдлари номенклатураси нотариус томонидан мазкур Қоидаларнинг 1-иловасида келтирилган ҳужжатлар йиғмажилдларининг намунавий номенклатурасидан келиб чиқиб тасдиқланади.

Ҳужжатлар йиғмажилдлари номенклатураси бир календарь йил давомида амалда бўлади ва ҳар йили янгидан тасдиқланади. Ҳужжатлар йиғмажилдлари номенклатураси икки нусхада тузилади. Биринчи нусха адлия

бошқармасида ёки Нотариал палатанинг тегишли ҳудудий бошқармасида, иккинчи нусхаси эса нотариал идорада сақланади. Нотариал идорада сақланадиган ҳужжатлар йиғмажилдлари номенклатурасидан иш нусхаси сифатида фойдаланилади.»;

и) VI бўлимнинг номи қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

**«VI. Ҳужжатларнинг нотариал идорада сақланиши ва
нотариал архивларга топшириш»;**

к) 35-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«35. Ўзбекистон Республикаси «Нотариат тўғрисида»ги Қонунининг 10-моддасига асосан, нотариал идора нотариал иш юритиш ҳужжатлари ва материалларининг бут сақланишини таъминлаши, ўз нотариал архив ишини юритиши шарт.

Нотариал иш юритиш ҳужжатлари ва материаллари уч йил ўтгач нотариал архивларга топширилиши керак.»;

л) 1 — 3-иловалар тегишли равишда мазкур ўзгартиришларнинг 1 — 3-иловаларига* мувофиқ таҳрирда баён этилсин.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
МАРКАЗИЙ БАНКИ БОШҚАРУВИНИНГ
ҚАРОРИ

**401 Тижорат банкларининг Ўзбекистон Республикаси
Марказий банкида депозитга ўтказиладиган мажбурий
резервлари тўғрисидаги низомга қўшимча ва ўзгартириш-
лар киритиш ҳақида***

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2020 йил
24 августда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3002-3*

Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида»ги ҳамда «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида»ги қонунларига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқаруви **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқарувининг 2018 йил 31 мартдаги 12/8-сон қарори (рўйхат рақами 3002, 2018 йил 25 апрель) (Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 26.04.2018 й., 10/18/

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2020 йил 24 августда эълон қилинган.

3002/1102-сон) билан тасдиқланган Тижорат банкларининг Ўзбекистон Республикаси Марказий банкида депозитга ўтказиладиган мажбурий резервлари тўғрисидаги низомга иловага мувофиқ қўшимча ва ўзгартиришлар киритилсин.

2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Марказий банк раиси

М. НУРМУРАТОВ

Тошкент ш.,
2020 йил 19 август,
16/11-сон

Ўзбекистон Республикаси
Марказий банки бошқарувининг 2020 йил
19 августдаги 16/11-сонли қарорига
ИЛОВА

**Тижорат банкларининг Ўзбекистон Республикаси
Марказий банкида депозитга ўтказиладиган мажбурий
резервлари тўғрисидаги низомга киритилаётган
қўшимча ва ўзгартиришлар**

1. 2-банд «резервлар нормативи,» деган сўзлардан кейин «мажбурий резервларнинг норматив миқдоридан чегириладиган маблағлар меъёри,» деган сўзлар билан тўлдирилсин.

2. 2-илованинг 29-позицияси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«

29.	Кассадаги нақд пул ва бошқа тўлов ҳужжатлари	10100	X	X	X	X
-----	--	-------	---	---	---	---

».

3. 3-илованинг қирқ иккинчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«29-сатр. Кассадаги нақд пул ва бошқа тўлов ҳужжатлари. Бу сатрда 10100 баланс ҳисобварағининг Марказий банк бошқаруви томонидан чегирилиши белгиланган миқдори кўрсатилади.».

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ИНВЕСТИЦИЯ ВА ТАШҚИ САВДО ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ДАВЛАТ БОЖХОНА ҚЎМИТАСИНING
ҚАРОРИ

402 Товарларнинг келиб чиқишини сертификатлашни
ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартириш-
лар киритиш ҳақида*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2020 йил
25 августда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2131-4*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 20 ноябрдаги ПҚ-4525-сон «Мамлакатда бизнес муҳитини янада яхшилаш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги, Молия вазирлиги ва Давлат божхона қўмитаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги, Молия вазирлиги ва Давлат божхона қўмитасининг 2010 йил 19 июлдаги ЭГ-01/10-4014, 60, 01-02/8-10-сон қарори (рўйхат рақами 2131, 2010 йил 13 август) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2010 й., 33-сон, 279-модда) билан тасдиқланган Товарларнинг келиб чиқишини сертификатлашни ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомга иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Инвестициялар ва ташқи
савдо вазири**

С. УМУРЗАКОВ

Тошкент ш.,
2020 йил 11 август,
9-СП-сон

**Давлат божхона
қўмитаси раиси**

М. АЗИМОВ

Тошкент ш.,
2020 йил 7 август,
01-02/8-35-сон

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2020 йил 25 августда эълон қилинган.

Молия вазири**Т. ИШМЕТОВ**

Тошкент ш.,
2020 йил 8 август,
35-сон

Ўзбекистон Республикаси
Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлигининг
2020 йил 11 августдаги 9-СП-сон, Молия
вазирлигининг 2020 йил 8 августдаги 35-сон
ва Давлат божхона қўмитасининг 2020 йил
7 августдаги 01-02/8-35-сон қарорига
ИЛОВА

**Товарларнинг келиб чиқишини сертификатлашни
ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомга киритилаётган
ўзгартиришлар**

1. 27-банднинг иккинчи хатбошиси, 27³-банднинг биринчи хатбошиси ва 27⁴-банддан «ва муҳри (мавжуд бўлса)» деган сўзлар чиқариб ташлансин.
2. 1а-иловадан «М.Ў. (муҳр мавжуд бўлган тақдирда)» деган сўзлар чиқариб ташлансин.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРИНИНГ
БУЙРУҒИ

**403 Суғурталовчининг, суғурта брокерининг ҳамда улар
алоҳида бўлинмаларининг раҳбарига ва бош бухгал-
терига қўйиладиган малака талаблари тўғрисидаги низомга
ўзгартиришлар киритиш ҳақида***

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2020 йил
25 августда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2462-1*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 5 февралдаги ПҚ-4160-сон «Жаҳон банки ва Халқаро молия корпорациясининг «Бизнес юритиш» йиллик ҳисоботида Ўзбекистон Республикасининг рейтингини яхшилашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги, 2019 йил 2 августдаги ПҚ-4412-сон «Ўзбекистон Республикасининг суғурта бозорини ислох

* Ушбу буйруқ «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2020 йил 25 августда эълон қилинган.

қилиш ва унинг жадал ривожланишини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 24 июлдаги 620-сон «Хорижий давлатларда таълим олганлик тўғрисидаги ҳужжатларни тан олиш тартибини такомиллаштириш ҳақида»ги ва 2019 йил 31 декабрдаги 1060-сон «Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Суғурта бозорини ривожлантириш агентлиги фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорларига мувофиқ **буюраман:**

1. Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг 2013 йил 30 апрелдаги 42-сон буйруғи (рўйхат рақами 2462, 2013 йил 30 май) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2013 й., 22-сон, 296-модда) билан тасдиқланган Суғурталовчининг, суғурта брокерининг ҳамда улар алоҳида бўлинмаларининг раҳбарига ва бош бухгалтерига қўйиладиган малака талаблари тўғрисидаги низомга иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

2. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Вазир

Т. ИШМЕТОВ

Тошкент ш.,
2020 йил 13 август,
37-сон

Ўзбекистон Республикаси
молия вазирининг 2020 йил 13 августдаги
37-сон буйруғига
ИЛОВА

**Суғурталовчининг, суғурта брокерининг ҳамда улар
алоҳида бўлинмаларининг раҳбарига ва бош бухгалтерига
қўйиладиган малака талаблари тўғрисидаги низомга
киритилаётган ўзгартиришлар**

1. 3-банддаги «Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигига (бундан буён матнда Молия вазирлиги деб юритилади)» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Суғурта бозорини ривожлантириш агентлигига (бундан буён матнда Суғурта бозорини ривожлантириш агентлиги деб юритилади)» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

2. 6-банднинг «а» кичик банди қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«а) Ўзбекистон Республикаси олий таълим муассасаларида олинган олий маълумотга ёки хорижий давлатларнинг таълим муассасаларида олинган ҳамда қонун ҳужжатларига мувофиқ, Ўзбекистон Республикасида тан олинган олий маълумотга эга бўлиши;».

3. 7-банднинг «а» кичик банди қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«а) Ўзбекистон Республикаси олий таълим муассасаларида олинган олий (бухгалтерлик, молиявий, иқтисодий) маълумотга ёки хорижий давлатларнинг таълим муассасаларида олинган ҳамда қонун ҳужжатларига мувофиқ,

Ўзбекистон Республикасида тан олинган олий (бухгалтерлик, молиявий, иқтисодий) маълумотга эга бўлиши;».

4. 8-банднинг «а» кичик банди қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«а) Ўзбекистон Республикаси олий таълим муассасаларида олинган олий маълумотга ёки хорижий давлатларнинг таълим муассасаларида олинган ҳамда қонун ҳужжатларига мувофиқ, Ўзбекистон Республикасида тан олинган олий маълумотга эга бўлиши;».

5. 9-банднинг «а» кичик банди қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«а) Ўзбекистон Республикаси олий таълим муассасаларида олинган олий (бухгалтерлик, молиявий, иқтисодий) маълумотга ёки хорижий давлатларнинг таълим муассасаларида олинган ҳамда қонун ҳужжатларига мувофиқ, Ўзбекистон Республикасида тан олинган олий (бухгалтерлик, молиявий, иқтисодий) маълумотга эга бўлиши;».

6. 11-бандда:

биринчи хатбошидаги «Молия вазирлигига» деган сўзлар «Суғурта бозорини ривожлантириш агентлигига» деган сўзлар билан алмаштирилсин; учинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«олий маълумот тўғрисидаги дипломнинг иш жойида тасдиқланган нусхаси ёки олий маълумот тўғрисидаги хорижий ҳужжатни тан олиш тўғрисида ваколатли давлат органи гувоҳномасининг иш жойида тасдиқланган нусхаси (хорижий давлатларнинг таълим муассасаларида олинган олий маълумот мавжуд бўлган тақдирда);».

7. 12-банддаги «Молия вазирлиги» деган сўзлар «Суғурта бозорини ривожлантириш агентлиги» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

8. 13-банднинг биринчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«13. Суғурталовчининг (суғурта брокерининг) раҳбарлари ва бош бухгалтерлари лавозимларига тавсия этилаётган номзодлар мазкур Низом билан белгиланган малака талабларига мос келиши тақдим этилган ҳужжатларни кўриб чиқиш ва номзодлар билан суҳбат ўтказиш йўли билан аниқланади. Номзодлар билан суҳбат Суғурта бозорини ривожлантириш агентлиги томонидан тасдиқланган ва Суғурта бозорини ривожлантириш агентлигининг веб-сайтида жойлаштирилган саволнома асосида ўтказилади.».

9. 14-банднинг иккинчи хатбошисидаги «Молия вазирлиги» деган сўзлар «Суғурта бозорини ривожлантириш агентлиги» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

10. 15-банднинг биринчи хатбошисидаги «Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг» деган сўзлар «Суғурта бозорини ривожлантириш агентлиги директорининг» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

11. 17-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«17. Комиссиянинг ишини ташкил этиш масалалари бўйича Комиссия котиби тайинланади.».

12. 20 ва 21-бандлардаги «Молия вазирлиги» деган сўзлар «Суғурта бозорини ривожлантириш агентлиги» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

13. Иловадан «М.Ў.» қисқартмаси чиқариб ташлансин.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
БАНДЛИК ВА МЕҲНАТ МУНОСАБАТЛАРИ ВАЗИРИНИНГ
БҲЙРУҒИ

404 Ўзбекистон Республикаси Бандликка кўмаклашиш
давлат жамғармаси маблағлари ҳисобидан субсидия
ва грантлар ажратиш тартиби тўғрисидаги низомга ўзганти-
риш ва қўшимчалар киритиш ҳақида*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2020 йил
26 августда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3163-2*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 18 майдаги ПҚ-4716-сон «Томорқа ер эгаларини қўллаб-қувватлаш ва аҳоли бандлигини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ва 2020 йил 26 июндаги ПҚ-4759-сон «Республикада қўлда тўқилган гиламчилик соҳасини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорларига мувофиқ **буюраман:**

1. Ўзбекистон Республикаси бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирининг 2019 йил 10 майдаги 19-2019-Б-сон буйруғи (рўйхат рақами 3163, 2019 йил 31 май) (Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 31.05.2019 й., 10/19/3163/3221-сон) билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Бандликка кўмаклашиш давлат жамғармаси маблағлари ҳисобидан субсидия ва грантлар ажратиш тартиби тўғрисидаги низомга иловага мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

2. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Вазир

Н. ХУСАНОВ

Тошкент ш.,
2020 йил 21 август,
33-2020-Б-сон

* Ушбу буйруқ «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2020 йил 26 августда эълон қилинган.

Ўзбекистон Республикаси
бандлик ва меҳнат муносабатлари
вазирининг 2020 йил 14 августдаги
33-2020-Б-сон буйруғига
ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Бандликка кўмаклашиш давлат
жамғармаси маблағлари ҳисобидан субсидия ва грантлар
ажратиш тартиби тўғрисидаги низомга киритилаётган
ўзгартириш ва қўшимчалар**

1. 2-банддан бешинчи — олтинчи хатбошилар чиқариб ташлансин.

2. Қуйидаги мазмундаги 2¹ ва 2²-бандлар билан тўлдирилсин:

«2¹. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 18 майдаги ПҚ–4716-сон «Томорқа ер эгаларини қўллаб-қувватлаш ва аҳоли бандлигини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорига мувофиқ субсидиялар қуйидаги мақсадлар учун ажратилади:

а) АБКМ, етказиб берувчи ташкилотлар ва томорқа ер эгалари ўртида тузилган уч томонлама шартномалар асосида:

енгил конструкцияли иссиқхоналар ўрнатиш учун — базавий ҳисоблаш миқдорининг 30 бараваригача;

суғориш воситалари харид қилиш учун — базавий ҳисоблаш миқдорининг 10 бараваригача;

уруғликлар ва кўчатлар сотиб олиш учун — базавий ҳисоблаш миқдорининг 3 бараваригача;

б) қишлоқ хўжалиги кооперативлари устав фондига улуш сифатида киритиши учун — базавий ҳисоблаш миқдорининг 10 бараваригача. Бунда:

қишлоқ хўжалиги кооперативлари балиқчилик, қуёнчилик, паррандачилик, асаларичилик, мева-сабзавотчилик, узумчилик, тикувчилик, ҳунармандчилик ва бошқа илғор соҳаларда ташкил этилади;

қишлоқ хўжалиги кооперативларига ишсиз фуқаролар, кам таъминланган оилалар аъзолари, ташқи меҳнат миграциясидан қайтиб келган шахслар ҳамда кооператив фаолияти йўналиши бўйича тажрибага эга етакчи тадбиркорлар бирлаштирилади.

2². Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 26 июндаги ПҚ–4759-сон «Республикада қўлда тўқилган гиламчилик соҳасини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига мувофиқ «Ўзбекипаксаноат» уюшмаси таркибидаги қўлда гилам ва ипак мато тўқиш билан шуғулланувчиларга Бандликка кўмаклашиш давлат жамғармаси маблағлари ҳисобидан 3 тадан кам бўлмаган иш ўрни яратиш шarti билан гилам ва ипак мато тўқиш дастгоҳини харид қилишга сарфланадиган харажатларни қоплаш учун — ҳар бир дастгоҳ учун базавий ҳисоблаш миқдорининг 10 баравари миқдорида субсидиялар ажратилади.».

3. 36-банддаги «Банд бўлмаган» деган сўзлар «Ишсиз, кам таъминланган ва камбағал оилалар аъзоси бўлган» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

4. 37-банднинг биринчи хатбошисидаги «банд бўлмаган» деган сўзлар «ишсиз, кам таъминланган ва камбағал оилалар аъзоси бўлган» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

5. 38-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«38. Ўрганиш натижасига кўра мурожаат қилган шахс банд бўлмаган ҳолларда унга унинг томорқа ерига мос келадиган енгил конструкцияли иссиқхона ўрнатиш ва (ёки) уруғликлар, кўчатлар ёхуд суғориш воситалари харид қилиниши бўйича АБКМнинг масъул ходими етказиб берувчи ташкилот, АБКМ ва томорқа ер эгаси ўртасида уч томонлама шартнома тузиш чораларини кўради.

Бунда, томорқа ер эгасининг эҳтиёжидан келиб чиққан ҳолда битта оила учун қуйидаги йўналишлардан бири учун уч томонлама шартнома тузади:

енгил конструкцияли иссиқхоналар ўрнатиш;

суғориш воситалари харид қилиш;

уруғликлар ва кўчатлар сотиб олиш.».

6. 40-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«40. Етказиб берувчи ташкилот, АБКМ ва томорқа ер эгаси ўртасида уч томонлама шартнома тузилганда АБКМ томонидан ушбу уч томонлама шартнома асосида субсидия ажратиш тўғрисида АБКМ раҳбарининг буйруғи расмийлаштирилади ва тегишли тўлов амалга оширилади.».

7. 5¹-боб қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«5¹-боб. Ишсиз фуқаролар, кам таъминланган оилалар аъзолари, ташқи меҳнат миграциясидан қайтиб келган шахсларга кооперативлар устав фондига (жамғармасига) улуш сифатида киритиш учун субсидия ажратиш

40¹. Ишсиз фуқаролар, кам таъминланган оилалар аъзолари, ташқи меҳнат миграциясидан қайтиб келган шахсларни бандлигини таъминлаш мақсадида кооператив ташкил этмоқчи бўлган муассис (бундан буён матнда муассис деб юритилади) кооператив устав фондига (жамғармасига) улуш сифатида киритиш учун — ҳар бир аъзога (оилага) субсидия олиш учун ҳудуддаги АБКМга ёзма равишда мурожаат қилади.

Муассис томонидан мурожаатга кооперативга ихтиёрий аъзо бўлувчиларнинг (оила аъзоси) Ф.И.О. кўрсатилган рўйхати ҳамда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини (балиқчилик, қуёнчилик, паррандачилик, асаларичилик, мева-сабзавотчилик, узумчилик) етиштириш, тикувчилик, хунармандчилик ва бошқа маҳсулотлар ишлаб чиқариш учун муассис ва аъзо ўртасида тузилган пудрат шартномалари нусхалари илова қилиниши керак.

40². Мазкур Низомнинг 40¹-банди иккинчи хатбошисида назарда тутилган маълумотлар тўлиқ топширилгандан сўнг АБКМнинг масъул ходими муассиснинг мурожаатини 5 иш куни ичида ўрганиб чиқади ва ўрганиш натижалари бўйича кооперативга ихтиёрий аъзо бўлувчиларга субсидия ажратиш учун АБКМ раҳбарига таклиф киритади. Бунда, масъул ходим кооперативга аъзо бўлувчининг ишсизлигига, кам таъминланган оила аъзо-

силигига, ташқи меҳнат миграциясидан қайтиб келган шахс эканлигига эътибор қаратиши лозим.

40³. АБКМ раҳбари кооперативга ихтиёрий аъзо бўлувчиларнинг кооператив устав фондидаги улушини шакллантириш учун 2 иш кунда субсидия ажратиш тўғрисидаги буйруқни расмийлаштиради ва почта орқали муассисга юборади. Буйруқда субсидия олувчилар Ф.И.О., субсидия миқдори кўрсатилиши зарур.

40⁴. АБКМнинг масъул ходими муассис тақдим этган ҳужжатлар мазкур Низомнинг 40¹-бандининг иккинчи хатбошисига мувофиқ бўлмаганда ёхуд ўрганиш натижаси бўйича муассиснинг мурожаатида кўрсатилган шахс ишсиз, кам таъминланган оила аъзоси, ташқи меҳнат миграциясидан қайтиб келган шахс бўлмаган ҳолларда 1 иш кунда субсидия ажратишни рад этиш тўғрисида муассисга рад этишнинг сабаблари асослантирилган ҳолда ёзма равишда хат юборади.

40⁵. АБКМнинг субсидия ажратиш тўғрисидаги буйруғининг нусхасини олган муассис белгиланган тартибда кооператив ташкил этади.

40⁶. Муассис белгиланган тартибда кооператив ташкил этганидан сўнг, АБКМга ёзма равишда давлат хизматлари марказида рўйхатга олинган кооперативнинг аъзолари улуши кўрсатилган устав, кооперативнинг асосий реквизитлари, аъзоларнинг мулкӣ пайи тўғрисидаги гувоҳнома нусхаларини тақдим этади.

40⁷. АБКМ 2 иш кунӣ муддатида кооператив устав фондига ҳар бир аъзонинг улуши сифатида киритиш учун кооперативнинг банкдаги ҳисоб рақамига базавий ҳисоблаш миқдорининг 10 бараваригача миқдорда субсидия ажратади ҳамда кооператив раиси (муассис) ва ҳар бир аъзоси ёзма равишда хабардор қилинади.

40⁸. Кооперативлар устав фондига (жамғармасига) улуш сифатида киритиш учун субсидия битта оилага фақат бир маротаба ажратилади.»

8. Қуйидаги мазмундаги 5²-боб билан тўлдирилсин:

«5²-боб. «Ўзбекипаксаноат» уюшмаси таркибидаги қўлда гилам ва ипак мато тўқиш билан шуғулланувчиларга иш ўрни яратиш шартӣ билан гилам ва ипак мато тўқиш дастгоҳини харид қилишга сарфланадиган харажатларни қоплаш учун субсидия ажратиш

40⁹. «Ўзбекипаксаноат» уюшмаси таркибидаги қўлда гилам ва ипак мато тўқиш билан шуғулланувчи юридик шахслар (бундан буён матнда юридик шахс деб юритилади) Бандликка қўмаклашиш давлат жамғармаси маблағлари ҳисобидан 3 тадан кам бўлмаган иш ўрни яратиш шартӣ билан гилам ва ипак мато тўқиш дастгоҳини харид қилишга сарфланадиган харажатларни қоплаш учун — ҳар бир дастгоҳ учун базавий ҳисоблаш миқдорининг 10 баравари миқдорида субсидиялар ажратишни сўраб АБКМга ариза билан мурожаат қилади.

Юридик шахс томонидан аризага «Ўзбекипаксаноат» уюшмасига аъзо-

лиги тўғрисидаги маълумотнома, мавжуд ва ташкил этиладиган иш ўринлари сони, ишга қабул қилиш режалаштирилган ишсизларнинг Ф.И.О. кўрсатилган рўйхат ҳамда харид қилинадиган дастгоҳларнинг умумий сони ва қиймати тўғрисидаги маълумот нусхалари илова қилиниши керак.

40¹⁰. Мазкур Низомнинг 40⁹-банди иккинчи хатбошисида назарда тутилган маълумотлар тўлиқ топширилгандан сўнг АБКМнинг масъул ходими юридик шахснинг мурожаатини 3 иш куни ичида ўрганиб чиқади ҳамда субсидия ажратиш учун уч томонлама шартнома ва буйруқ расмийлаштириш бўйича АБКМ раҳбарига таклиф киритади.

40¹¹. АБКМнинг масъул ходими яратиладиган иш ўринлари ва ушбу иш ўринларига ишсиз фуқароларни ишга қабул қилиш ҳамда юридик шахс харид қиладиган дастгоҳлар сони ва тўлаб бериладиган субсидиянинг умумий миқдорини кўрсатган ҳолда етказиб берувчи ташкилот, АБКМ ва юридик шахс ўртасида уч томонлама шартнома тузиш чораларини кўради.

40¹². Ўрганиш натижасига кўра мурожаат қилган юридик шахснинг қўлда гилам ва ипак мато тўқишни ташкил этиш имкониятлари етарли бўлмаган ҳолларда 1 иш кунида субсидия ажратишни рад этиш тўғрисида юридик шахсга асослантирилган жавоб хати юборилади.

40¹³. Етказиб берувчи ташкилот, АБКМ ва юридик шахс ўртасида уч томонлама шартнома тузилгандан сўнг АБКМ томонидан ҳар бир дастгоҳ учун базавий ҳисоблаш миқдорининг 10 баравари миқдорида субсидия ажратиш тўғрисида АБКМ раҳбарининг буйруғи расмийлаштирилади ва тегишли тўлов амалга оширилади.

40¹⁴. Юридик шахс уч томонлама шартномада кўрсатилган муддатларда дастгоҳларни ўрнатгандан сўнг ташкил этилган иш ўринлари ва ушбу иш ўринларига ишсиз фуқаролар ишга қабул қилинганлиги тўғрисидаги маълумотларни Ягона миллий меҳнат тизимида акс эттиради ва АБКМга ёзма маълум қилади.

40¹⁵. Уч томонлама шартнома бўйича мажбуриятлар белгиланган муддатларда бажарилмаган тақдирда АБКМ томонидан тўлаб берилган субсидияни қайтариш чоралари кўрилади.

40¹⁶. Мазкур Низомнинг 5¹-бобида кўрсатилган субсидия тури ҳамда қўлда гилам ва ипак мато тўқиш дастгоҳини харид қилишга сарфланадиган харажатларни қоплаш учун субсидия тури айнан бир юридик шахсга нисбатан татбиқ этилмайди.».

9. Мазкур ўзгартириш ва қўшимчалар Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги, Молия вазирлиги ҳамда «Ўзбекипаксаноат» уюшмаси билан келишилган.

Келишилди:

Бошқарув раиси

Б. ШАРИПОВ

2020 йил 15 июль

*Иқтисодий тараққиёт ва
қамбағалликни қисқартириш
вазирининг биринчи ўринбосари*

А. ОРТИКОВ

2020 йил 20 июль

Молия вазири

Т. ИШМЕТОВ

2020 йил 13 август

Ўзбекистон Республикаси
Адлия вазирлиги вазирликлар, давлат қўмиталари ва
идораларнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини давлат
рўйхатидан ўтказиш ҳолати тўғрисидаги
маълумотни маълум қилади

I. Давлат рўйхатидан ўтказилди:

1. Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2020 йил 30 июндаги 182-мх-сон «Нотариуслар фаолияти тўғрисидаги статистик маълумотлар шакллари тасдиқлаш ҳақида»ги буйруғи.

2020 йил 30 июнда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3276.

2. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқарувининг 2020 йил 25 майдаги 12/7-сон «Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан қабул қилинган айрим норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида»ги қарори.

2020 йил 29 июлда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3280.

3. Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2020 йил 20 августдаги 183-мх-сон «Медиаторларни тайёрлаш дастурига ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги буйруғи.

2020 йил 20 августда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3134-1.

4. Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2020 йил 20 августдаги 194-мх-сон «Давлат нотариал идораларида нотариал иш юритиш қоидаларини тасдиқлаш ҳақида»ги буйруққа ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги буйруғи.

2020 йил 20 августда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2170-4.

5. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқарувининг 2020 йил 19 августдаги 16/11-сон «Тижорат банкларининг Ўзбекистон Республикаси Марказий банкида депозитга ўтказиладиган мажбурий резервлари тўғрисидаги низомга қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги қарори.

2020 йил 24 августда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3002-3.

6. Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги, Молия вазирлиги, Давлат божхона қўмитасининг 2020 йил 11 август-

даги 9-СП-сон, 2020 йил 7 августдаги 01-02/8-35-сон, 2020 йил 8 августдаги 35-сон «Товарларнинг келиб чиқишини сертификатлашни ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги қарори.

2020 йил 25 августда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2131-4.

7. Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг 2020 йил 13 августдаги 37-сон «Суғурталовчининг, суғурта брокерининг ҳамда улар алоҳида бўлинмаларининг раҳбарига ва бош бухгалтерига қўйиладиган малака талаблари тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги буйруғи.

2020 йил 25 августда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2462-1.

8. Ўзбекистон Республикаси бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирининг 2020 йил 21 августдаги 33-2020-Б-сон «Ўзбекистон Республикаси Бандликка қўмаклашиш давлат жамғармаси маблағлари ҳисобидан субсидия ва грантлар ажратиш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги буйруғи.

2020 йил 26 августда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3163-2.

II. Давлат реестридан чиқарилди:

1. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқарувининг «Микрокредит ташкилотларида бухгалтерия ҳисобини юритиш тўғрисида йўриқномани тасдиқлаш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 1728, 2007 йил 12 октябрь), шунингдек, унга ўзгартириш ва қўшимчалар (рўйхат рақами 1728-1, 2011 йил 3 июнь), (рўйхат рақами 1728-2, 2015 йил 15 сентябрь), (рўйхат рақами 1728-3, 2019 йил 8 апрель), (рўйхат рақами 1728-4, 2019 йил 25 октябрь).

2020 йил 30 июнда давлат реестридан чиқарилди.

2. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқарувининг «Ломбардларда бухгалтерия ҳисобини юритиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 2933, 2017 йил 29 сентябрь), шунингдек, унга ўзгартириш ва қўшимчалар (рўйхат рақами 2933-1, 2018 йил 16 март), (рўйхат рақами 2933-2, 2018 йил 28 декабрь), (рўйхат рақами 2933-3, 2019 йил 7 сентябрь).

2020 йил 30 июнда давлат реестридан чиқарилди.

Мазкур ҳужжатлар қонунчиликка ўзгартириш киритилиши ва/ёки янги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилиниши муносабати билан давлат реестридан чиқарилди.

